

МАЖБУРИЙ НУСХА

Бахтиёр КАМОЛОВ

**ЧУСТ ТУМАНИ
МУСТАҚИЛЛИК
ЙИЛЛАРИДА**

(Илмий оммабоп қўланма)

10

**«Наманган» нашриёти
2013 йил.**

УЎК: 821.512.133-3

ББК: 63,3 (5 Ўзб)

K- 51

Ушбу илмий оммабоп қўлланмада Фарғона водийсининг энг кўҳна манзилгоҳларидан бири бўлган Чуст туманида мустақиллик йилларида олиб борилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар натижасида қўлга киритилаётган ижобий ўзгаришлар, бағри кент, фидоий ва очик-чехрали, меҳмондўст Чуст халқининг қисқача тарихи ва географиясига оид қизиқарли маълумотлар берилган.

Шунингдек, бу халқни бутун дунёга танитган Чуст дўшписи ва пичоқларини тайёрлаш жараёнлари, Сўфизода, Чустий домла, Ўзбекистон санъати ривожига ўз хиссасини қўшган Ўзбекистон халқ артистлари Эргаш Йўлдошев, Матлуба Дадабоева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Насиба Қамбарова, Мирза Азизов, Тожибар Азизовалар шулар жумласидан. Беруний номидаги давлат мукофоти соҳиби, профессор Муффат Маматов, Абдусамад Маҳмудов, Турсун Қамбаров каби кўлаб давлат мукофоти совридорларини етказиб берган Чуст халқини истиқлол йилларида туманнинг иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш соҳасида олиб бораётган фидоркорлик, яратувчанлик ишлари билан танишасиз.

Ўйлаймизки, ҳурматли, муштарийлар сиз ушбу мўъжазгина китоб билан танишгач, Чустнинг бетакрор ва мафтункор табияти, мусаффо ҳавоси, пифобахш бўлоқ сувлари, кунда минглаб дам олувчиларни ўз бағрига сиғдира оладиган «Камарсада» дам олиш масканига қизиқишингиз ҳамда меҳмондўст Чуст халқининг меҳнати ва шижоатига юксак меҳр, иззат ва икромингиз янада ортади.

Илмий оммабоп қўлланма НамДУ География ва Экология асослари кафедрасида ИТД-7-29 «Наманган вилояти табиий ресурслари, улардан оқилона фойдаланиш ва юзага келаётган экологик муаммоларни бартараф этиш йўллари» мавзусидати грант лойиҳаси асосида тайёрланди.

Масъул муҳаррир:

к/х.ф.н. доцент А.Қозоқов

Тақризчилар:

и.ф.н. доцент С.Зокиров


г.ф.н. доцент А.Назаров

Ўзбекистон Экологик Ҳаракати Маркази Кенгаши Наманган вилояти ҳудудий бўлими илмий кенгашида (2012й.23.11, Баённома №2) кўриб чиқилган ва чоп этишга ружсат берилган.

ISBN -978-9943-4058-0-6

© Б.Камолов

© «Наманган» нашриёти



КИРИШ

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмига яқини қишлоқларда истиқомат қилиши ҳаммамизга маълум. Кейинги йилларда республика ҳукумати томонидан қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинди ва бу бўйича алоҳида давлат дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди.

Маълумки, қишлоқ аҳолисининг асосий машғулоти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уни қайта ишлаб чиқаришдан иборат. Она-Ватанимизда мазкур тармоқни ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар мавжуд. «Ўзбекистон - қадимдан суғорма деҳқончилиқ маркази бўлиб келган».¹

Бу соҳа Наманган вилоятининг қадимий Чуст тумани қишлоқ хўжалигини ихтисослашгуви ва ривожланиши билан характерланади. Чуст суғорма деҳқончилиқ тизими эса алоҳида аҳамият касб этади.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг техник-технологик механизми бўйича Ўзбекистонда Чуст суғориш усули машҳурдир. Гидротехник иншоотлар(каналлар, ариқлар)да сувларининг меъёрий кўрсаткичдан ортиқча исроф бўлмаслиги ва маълум қисми ер остига шимилиб кетмаслиги, экин майдонларида ортиқча ишлатилиши орқали йўқотилмаслиги, экин ерларининг текисланиш даражасининг техник-технологик меъёрларга мос келмаслигида, экин майдонларидаги суғориш эгاتларининг ортиқча узунлигида мазкур усул жуда қўл келади.

Суғоришнинг Чуст усулида эгатлар узунлиги бугунги кундаги 200-250 метр эмас, балки 45-50метр оралиқда бўлганлиги учун сув икки марта тежалади - 200-250 метр оралиқда 1 гектарни суғориш учун 1000 м³ сув сарфланса, 45-50 метр оралиқда суғоришда 500 м³ сув сарфланган.

¹ И.А.Каримов «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Тошкент, «Ўзбекистон», 1997. 249-бет.

Бунда меҳнат сарфи ҳам қисқаради ва сув сарфи камайиши туфайли умумий самара ортади. Суғоришда ушбу усулга қайтиш орқали сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «сув заҳиралари билан боғлиқ бўлган муаммолар мажмуаси кенг кўламли ва мураккаб кўп тармоқли ёндашувни, минтақадаги давлатлар билан ҳам-жамият ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришини талаб қилади»²

Мамлакатимизда суғорма деҳқончилик қилинадиган экин майдонларининг катта қисми адирлар ҳиссасига тўғри келади. Турли ҳудудлардаги адирлар табиий географик тавсифи, хўжалик мақсадида фойдаланиш имкониятлари бўйича ўзаро фарқ қилади. Айниқса, Фарғона водийси адирлари муайян ўзига хосликларга эга бўлиб, бу хусусиятларнинг деярли барчаси Наманган вилоятининг Чуст туманида мужассамлашган. Кичик ҳудудларни комплекс (табиий ва ижтимоий-иқтисодий) географик тадқиқ этиш, мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларнинг ечими юзасидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш ҳозирги пайтда география фани олдида турган муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур илмий-оммабоп қўлланма кичик ҳудудлар сирасига кирувчи Чуст туманида мустақиллик йилларида эришилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичларини баён этади.

Ушбу илмий-оммабоп қўлланмани тайёрлашда ва чоп этишда ўз амалий ёрдам ва маслаҳатларини берган Наманган вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Баҳодир Юсупов, вилоят ҳокимлиги маънавий ва маърифий ишлар бўйича масъул Т.Дадахонов, Чуст туман ҳокими сенат аъзоси Х.Бозаровга, доцент А.Қозоқов, Наманган давлат университети доценти А.Назаров, и.ф.н. С.Зокиров ҳамда Ўзбекистон Экологик Ҳаракати Марказий Кенгаши Наманган вилояти ҳудудий бўлимининг бошлиғи Қ.Сўпижоновларга муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради. Мазкур қўлланма биринчи марта чоп этилаётгани сабабли, айрим жузъий камчиликлар бўлиши мумкин. Муаллиф китоб тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қилади.

² И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Т.: «Ўзбекистон», 1997. 127-бет.

І БЎЛИМ

ЧУСТ ТУМАНИНИНГ ТАБИИЙ-ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ ВА ТАРИХИ

ЧУСТ ТУМАНИНИНГ ТАБИИЙ-ГЕОГРАФИК ТАВСИФИ ВА ХЎЖАЛИК РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Фарғона водийсининг қадимий манзилгоҳларидан бири ҳисобланмиш, Наманган вилояти таркибига кирувчи кўҳна ва навқирон Чуст тумани табиий географик ва экологик ўрни жиҳатидан адир минтақасида жойлашган. Бу кичик ҳудудни бошқа ҳудудларга таққослаш жоиз бўлса, географик ўрнига кўра, у АҚШнинг Нью-Йорк, Кливленд, Туркиянинг Анқара, Озарбайжоннинг Боку, Испаниянинг Мадрид каби шаҳарлари билан бир хил кенгликда жойлашган.

Чуст тумани Наманган вилоятининг ғарбий $40^{\circ}50'$ ва $41^{\circ}12'$ шимолий кенглик ҳамда $71^{\circ}15'$ ва $71^{\circ}32'$ шарқий узунлик орасида ёки Фарғона водийсининг шимолий-ғарбий қисмидаги туман ҳисобланади. Туман шимолда Қирғизистон Республикасининг Олабуқа тумани, ғарбда Поп, шарқда Тўрақўрғон ва Косонсой, жанубда Сирдарё орқали Мингбулоқ туманлари билан чегарадош.

Туманнинг рельефи, паст-баландликлардан таркиб топган ва унинг ер юзаси шимолдан жанубга томон зина шаклида (тоғ, тоғолди, ва текислик) пасайиб боради. Ҳудуднинг катта қисми денгиз сатҳидан 500 метрдан юқорида жойлашган. Чуст тумани табиий географик ва экологик шароитига кўра, ўзаро боғлиқ қуйидаги минтақаларда жойлашган:

- текислик минтақаси;
- адир минтақаси ёки тоғолди ва адирорти текисликлари минтақаси;

Текислик минтақаси. Сирдарёнинг ўнг соҳилидан Катта Наманган каналигача бўлган ерларни ёки туман ҳудудининг тахминан 10 фоиздан камроқ қисмини ўз ичига олади. Текисликларнинг денгиз сатҳидан мутлоқ баландлиги 400-500 метр. Улар ҳосил бўлишига кўра, аккумулятив текисликлар ҳисобланиб, аллювиаль, про-лювиаль, деллювиаль жинсларидан иборат.

Адир минтақаси. Туман ҳудудининг ярмидан кўпроқ қисми адир минтақасида жойлашиб, рельефи кейинги 60-

70 йил ичида антропоген омил таъсиридан кескин ўзгарди. Ҳудудда мавжуд сойликлар ҳам адирлар рельефининг парчаланиб кетганлиги, ва сув таъсиридан ҳосил бўлаган эрозион жараёнларнинг ривожланганлиги билан характерланади.

Алирорти текисликлари минтақаси. Мазкур минтақа Ғовасой, Кўктераксой ва Сумсарсой сойликлари қуйи қисмини эгаллаб, шимоли-ғарб ва шарқда адирлар билан, шимолда эса Чотқол тизмасининг ён бағирлари билан чегараланади. Бу текислик шимолдан жанубга томон пасайиб боради ва туман ҳудудининг деярли 1/3 қисмини эгаллайди. Текисликнинг катта қисми Ғовасой, Кўктераксой ва Сумсарсой конуссимон ёйилмаларидан иборат бўлиб, лёссимон жинслар билан қопланган. Лёссимон жинслар қалинлиги шимолдан жанубга томон бир неча ўн сантиметрдан то 7-8 метргача етади. Бу текисликлар сувориш иншоотлари билан яхши таъминланганлиги учун унда маданий ландшафт ҳозирда ҳукмрон.

Ўртача баланликдаги тоғлар минтақаси туманнинг шимолий ва шимолий-ғарбий қисмига тўғри келиб, денгиз сатҳидан 2000 метрдан баланд тоғлар ва тоғ атрофларини ўз ичига олади.

Фойдали қазилма бойликлари. Туман ҳудудида топилаган фойдали қазилма бойликлари жумласига нефть, минерал сувлар, турли қурилиш материаллари - мармар, гранит, оҳақтош, тош, қум ва шағалларни киритиш мумкин. Янги нефть конларини излаб топиш ва қазиб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича республикамиз ҳукумати томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Туман иқлими. Чуст тумани иқлимининг ҳосил бўлишида унинг Марказий Осиёда жойлашганлиги, океан ва денгизларнинг бевосита таъсиридан узоқлиги, атрофи баланд тоғ билан ўралганлиги, асосий радиацион ва циркуляцион жараёнлар иқлим-экологик шароитини вужудга келтиради. Натижада туман ҳудудида кескин, қуруқ континентал иқлим қарор топган. Экологик жиҳатидан чўл ва чала чўл минтақаларининг ҳолати яққол сезилиб туради. Туман иқлими ўзига хос хусусиятларининг шаклланишида шимолдан келадиған Арктика ҳаво оқимлари, Марказий Осиё ҳудудида ҳосил бўладиган мўътадил қуруқ ҳаво оқими ва жануб томондан ҳаракатланувчи тропик ҳаво оқимлари иштирок этади. Бу ҳаво оқими

ўрнини кўпинча баланд тоғ тизмалари тўсиб қолади, лекин 15-20 км. баландликдаги ҳаво оқимлари Чуст тумани ҳудудига бемалол кириб келади ҳамда асосий ёғинларни ҳосил қилади. Айниқса, куз ва қиш ойларида Арктика ҳаво массаларининг кириб келиши ҳароратнинг кескин пасайиб кетиши, ёғин миқдорининг ортишига сабаб бўлади. Ёз ойларида мўътадил қуруқ ҳаво оқимлари иқлимнинг қуруқ ва иссиқ бўлишини таъминлайди.

Чуст туманининг жанубий, яъни текислик қисми мўътадил минтақанинг-чўл, иқлими шароитига мансуб. Вегетация даври 190 кун, бу даврдаги ижобий ҳарорат йиғиндиси 4600-5000°га тенг. Ҳаво ҳароратининг ўртача йиллик тебраниши 14,5-16°.

Йиллик ёғин миқдори 300-310 мм. атрофида, ёғингарчилик асосан қиш ва баҳор ойларига тўғри келади. Ёз ойларида эса 10-15 мм. атрофида ёғин тушади. Қор қопламнинг ўртача қалинлиги 10 см. атрофида бўлсада, айрим йилларда 20 см. дан ҳам ортади ва қор қоплами 20-40 кун туради. Бу ҳолат ҳар қайси йилларда турличадир. Текислик минтақасида май ойдан феврал ойига қадар ғарбий (Қўқон шамоли) ва декабрдан февралга қадар шарқий шамоллар эсади. Айниқса, секундига 15 метрдан ортиқ ҳаракатланувчи шамолларнинг 30 кундан ортиқ давом этиши қишлоқ хўжалигига сезиларли зарар келтиради.

Буғланишнинг юқори бўлиши (120-150 мм.) катта ҳудудларда минераллашган ер ости сувларини капиллярлар орқали катта куч билан тупроқнинг юқори горизонталларига тортиб чиқаради ҳамда шўрланиш жараёнини ҳосил қилади. Буғланишнинг қиш ойларида ҳам (10 мм. атрофида) давом этиши шўрланиш ва иккиламчи шўрланишнинг олдини олишга қаратилган агромелиоратив тадбирлар мажмуасини амалга оширишни тақозо қилади.

Адирлар ва адирорти текисликлари минтақасида иқлим ғарбдан шарққа ва шимолдан жанубга томон сезиларли даражада ўзгариб боради. Суткалик ва йиллик ҳаво ҳарорати маълум даражада тебраниб туради, кескин континенталлик хусусияти характерлидир. Январь ойининг ўртача ҳарорати -6-8°, минимум «22-26°», июль ойининг ўртача ҳарорати 22-26°. Энг юқори ҳарорат 43-44°га етади. Сентябрь-октябрь ойларида ҳаво ҳарорати пасаяди. Бу минтақаларда текисликларга нисбатан иқлим ўзгаришида тоққа яқинлик ҳамда жойнинг денгиз сатҳидан баландлиги асосий ўрин тутди.

Ўртача ва баланд тоғлар минтақасида қиш совуқ, январь ойининг ўртача ҳарорати $-3,5-4^{\circ}$, ёз эса анча салқин, июль ойининг ўртача ҳарорати $20-21^{\circ}$ дан ошмайди.

Рельеф шакллариининг хилма-хиллиги, ёнбағирлар экспозициясининг ҳоким ҳаво массаларига нисбатан жойлашуви денгиз сатҳидан юқорилаган сари ҳамда ғарбдан шарққа ва шимоли шарққа томон ёғин миқдори ўзгариб боради.

Туманда баҳор ойларидаги ёғин миқдори куз ва қиш ойларидаги ёғин миқдоридан анча ортиқ. Ёғингарчиликнинг энг юқори миқдори март, баъзан апрель ойларига тўғри келади. Ноябрь-март ойларида қор ёғади, ўртача тоғлар минтақасида эса октябрь-апрель, ҳатто май ойларида ҳам қор ёғади. Ёмғир жала тарзида ёғиши мумкин: у бир неча минутдан 20-25 минутга қадар давом этади. Ёғин миқдори бирданига 10 мм. дан 40 мм. гача этади. Интенсивлик даражаси эса 0,10 дан 1,3 мм. гача тебранади.

Чуст тумани жала-дўл ҳодисалари кўп бўлиши билан ажралиб туради. Ҳар йили бот-бот такрорланиб турадиган дўл ҳодисалари қишлоқ хўжалигига ва аҳолига катта иқтисодий зарар келтиради. Об-ҳавони кузатиш станцияларининг кўп йиллик маълумотларига кўра, дўл асосан қишлоқ хўжалик экинларини экиш ва ундириб олиш, боғлардаги дарахтлар қийғос гуллаган март ойи ўрталари, шунингдек, дарахтлар ҳосил туккан, мевалари пишган ёз ойларида кузатилади.

Сув ресурслари. Қадимдан суғорма деҳқончилик билан шуғулланадиган Чуст тумани учун сув ресурслари катта иқтисодий аҳамиятга эгадир. Сирдарёнинг ўнг irmoқлари Говасой, Резаксой туман ҳудудидаги энг йирик табиий сув манбааларидир. Хусусан, бу ерда Шўрбулоқсой, қуруқсой, Олмасой каби мавсумий сойлар, Катта Наманган, Шимолий Фарғона, Шатак, Чуст ва Сейрек каналлари, Кўктерак, Олмоссой, Варзик ва Резаксой сув омборлари жойлашган. Ариқ ва сойлар тармоқлари кенг бўлишига қарамасдан, уларнинг кўпчилиги камсув. Бу эса қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда, айниқса, ёз ойларида, сув танқисчилигини келтириб чиқаради.

Фарғона водийсидаги Тянь-Шань тоғ тизмасига кирувчи тоғ дарёлари ва сойлари тоғлардан текисликка қараб оқади. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб туман ҳудудидаги адир, адирорти текисликлари ва тоғолди ҳудудла-

рининг интенсив ўзлаштирилиши натижасида бутунги кундаги мавжуд дарё ва сойлар сувлари Сирдарёга деярли етиб бормаслиги кузатилади (фақат баҳорги ва ёзги сув тошқинларини ҳисобга олмаганда). Асосий дарё ва сойларнинг сувлари том маънода суғоришга сарфланиди.

Туман гидрографиясида Ғовасой алоҳида аҳамият касб этиб, Чотқол тизмасининг жанубий ён бағридан бошланади. Ангрен платосида чуқур даралар ҳосил қилиб оқади. Дарё ҳавзасида иккита кўл бўлиб, дарё сувининг 10 фоизи шу кўллардан оқиб ўтади. Ғовасойнинг йиллик сув сарфи 5,08 м³/сек. Қор ва музликлардан тўйинади. Дарё водийсида йиллик ёғин миқдори 474 мм. Дарё сувининг 21 фоизи сизот (булоқ) сувларидан иборат. Март-август ойларида дарё тўлиб оқади ва йиллик сув оқимининг 87 фоизи шу даврга тўғри келади.

Резаксой (Сумсарсой) Кучала тизмасидан (3700м.) бошланади. Узунлиги 32 км. Ҳавзасининг майдони 92,5 км². Юқори оқими Кучаласой дейилади. Айирмасой қўшилгандан сўнг Сумсарсой номини олади. Соё водийси асосан майда шағал ва тош билан қопланган. Йиллик ўртача сув сарфи 0,97 м/сек., оқим модели 10,5 л/сек. кв. км.

Шунингдек, Олмасой, Шўрбулоқсой, Қуруқсой, Сасиқсой, Чустсой каби мавсумий сойлар фақатгина ёғин-сочин сероб бўлган, сел вақтидагина оқади. Бу сойлар атрофида жарликлар яхши шаклланган, водийларнинг ўзандан баландлиги 25-30 м.ни ташкил қилади.

Туман ҳудудида тарқалган тупроқлар. Туман ҳудудининг асосий қисми адирлар бўлиб, уларни оч тусли бўз тупроқлар эгаллаб ётади. Туманда суғорма деҳқончилик ривожланган ҳудудларнинг 80 фоизи шу минтақага тўғри келади. Бу тупроқларнинг асосий хусусияти чиринди қатламининг юпқалиги, миқдорининг озлиги, тупроқ скелетлик даражасининг юқорилиги, майин жинслар қатлами 30-50 см. қалинликда эканлиги, карбонатлар ва гипсларнинг юқори қатламларда жойлашганлиги, сув ўтказувчанлиги ва сувга чидамлилиқ даражаси ҳамда тупроқ эрозиясига тортилиш даражасининг юқорилиги билан ажралиб туради.

Суғориладиган ўтлоқ тупроқлар пролювиал қатламлашган ётқизиклар устида юзага келганлиги сабабли генетик горизонталлари яхши ифодаланмаган. Чунончи, унинг энг юқори 20-25 см.ли ҳайдов қатлами, унинг

остида 15-18 см.ли ҳайдов ости қатлами ажратилади. Баъзи ерларнинг 60-70 см. чуқурлигида чириндига бой соз қатлам ҳам учрайди. Тупроқларда чиринди миқдори 1.3-1.4 фоиз атрофида бўлиб, сизот сувлар минераллашув даражасига кўра, турли даражада шўрлангандир.

Оч тусли бўз тупроқлар эса юпқа (15-20 см.), шағал устида ҳосил бўлган чириндиси оз (0,5-0,8 фоизгача), 10-12 см. Чуқурликда эса гипс жойлашган. Улар бўз рангли тангасимон ва майда кесаксимон таркиблидир. Унинг остида 10 см. қалинликдаги қатлам бўз рангли, қуйи томонга доғлар камайиб боради. Улар йирик кесаксимон ва мустаҳкам таркиблидир. Карбонатли қатлам 12-15 см. дан бошланса-да, типик бўз тупроқлардагиси яхши ифодаланмайди. Унга нисбатан гипсли қатлам яққол билиниб туради ва 50-70 см. чуқурликда.

Адирорти текисликлари ва адирликларнинг айрим жойларида сизот сувлари ер юзасига яқин жойларда шўрҳоқлар ҳосил қилган. Бундай шўрҳоқлар Баймоқ, Чустнон, Резаксой, Шоён ва Шўрбулоқ қишлоқлари ҳудудларида учрайди. Айни вақтда бир қатор мелиоратив тадбирлар мажмуаси, яъни, яхоб бериш, коллектор-дренаж тизимини барпо қилишга неоген ва қуйи тўртламчи даврда яратилган шўрҳоқлардан иборат сув ўтказмайдиган қатламларнинг ер юзасига яқин жойлашганлиги кучли таъсир қилади.

Типик ва оч тусли бўз тупроқлар тарқалган ҳудудлар 1970 йиллардан буён суғорма деҳқончилик мақсадларида фойдаланиб келинади. Натижада, бу ерларнинг интенсив ўзлаштирилиши ва суғорилиши туфайли типик ва оч тусли бўз тупроқ ҳосил бўлган. Шунингдек, суғориладиган бўз тупроқлардан узоқ вақт деҳқончилик мақсадида фойдаланилиш бўз-воҳа тупроқларининг пайдо бўлишига олиб келди. Бизнинг фикримизча, бундай ерларда ўзлаштиришнинг дастлабки йиллари чиринди миқдори камайиб борган, сўнгра агротехник тадбирлар оқибатида чиринди миқдори ортган ҳамда фойдаланишнинг давом этиши тупроқда карбонатлар ва гипснинг ювилишига, конкренцияларнинг парчаланишига олиб келган. Тупроқ кесмаси қалинлашган ва хилма-хил моддалар миқдори ортиб, каллоид зарралар кўпайган. Шуниси характерлики, бу тупроқлар тарқалган ерларда суғориш (иригацион) эро

зияси ҳам кенг тарқалган. Адирлар интенсив ўзлаштирилиши оқибатида тупроқнинг юқори унумдорлик қоплами ювилиб, шағалли қисмлари очилиб қолишидан ташқари, сув уриб кетган ўпирилмалар, жарликлар юзага келмоқда. Туманда суғориш эрозиясига қарши суғориш техникаси ва метёрига амал қилиш, ўқ ариқларни ҳар 20-25 метрдан ўтказиш унинг ювилишига чидамлик даражасини ошириш, турли «к-4», «к-9» полимерлардан фойдаланиш тадбирлари амалга оширилиши зарур. Чотқол тоғ тизмаси дашт ҳудудларида гилли-чириндили оч қўнғир тупроқлар тарқалган. Бу тупроқларда чимли ўсимлик илдизлари кўп, майда кесаксимон таркибли, 40-50 см. қалинликка эга зич қатламдан иборат. Қуйроқда эса оч-қўнғир тупроқлар оч тусга кирган, салгина кесаксимон таркиби кам зичланган қатламлардан иборат. Бу тупроқларда чиринди миқдори 4-6 фоиздан иборат бўлиб, аминосиликатларнинг қуйи қатламларга томон кам ювилганлиги (айниқса, альп ва субальп тоғ-ўтлоқ тупроқларида кучли ривожланган) ва подзолланиш жараёни суст ривожланганлиги билан ажралиб туради.

Ўсимлик дунёси. Чўл ўсимликларидан (текислик) то альп ўтлоқлари (юксак тоғлар-бетагалик) қадар баландлик минтақаси қонуният бўйича тарқалган ўсимлик олами Чуст тумани учун ҳам характерлидир. Бу қонуниятлар бўйича ўсимликларнинг тарқалиши К.Зокиров ва П.Зокировлар ишларида яхши ёритилган. Чўл ўсимликлари туман ҳудудининг жанубида, Сирдарёнинг чап соҳилидан токи Катта Наманган каналигача бўлган (жумладан, Шимолий Фарғона канали) ерларда тарқалган. Тупроқ грунтининг характерига кўра, тўқай ўсимликлари: қамиш, тол, жингул каби сизот сувлари ер юзига чиқиб ётган ерларнинг ўсимликларидир. Галофитлар шўрхок ва шўрланган ерларда кенг тарқалган бўлиб, ажриқ, шўраларнинг турли вакиллари, салсола (артемизи) кабилардир. Псамофитлар-қум сезувчилар: черкез, қандим, турангил, саксовул кабилар билан банд. Антропоген таъсир туфайли ҳудуд кенг миқёсда ўзлашган. Пахта, шоли, беда ва маккажўхори асосий маданий экинлар сифатида экилади. Улар оралаб бегона ўтлар-курмак, қамиш, қўға, итузум, бурган, ажриқ ва ариқ бўйларида ялпиз ўсиб ётади. Ўзлаштирилмаган жойларда шувоқ, шўра ва эфимер

ўсимликлари ўсиб ётади. Рельефнинг кўтарилиши билан шўра-бошоқлилар катта майдонларни эгаллайди. Бу ўсимликлар қиш ва баҳорда ёғиннинг кўп бўлиши ҳисобига ўсади. Айниқса, баҳордаги ёғинлар эфимерларнинг қалин ва кўп ўсишига олиб келади. Ёз бошланиши билан ёғингарчилик тўхтайдди, ҳаво ҳарорати кўтарилади, тупроқ намсизланади, шағал қизиб кетади ва эфимерлар гуллаб, мевалаб, ўз ҳаётини тугатади. Кўп йиллик шувоқ ва шўралар эса то кеч кузгача ўсиб ётади.

Ҳайвонот дунёси. Туман ҳудудида ҳайвонот дунёсининг дашт, чўл минтақасига хос вакиллари учрайди. Ҳайвонларнинг аксарияти иссиқ ва қуруқ иқлимга мослашган судралиб юрувчилар, кемирувчилар, йиртқичлар ва қушлар вакилларидир. Инсоннинг хўжалик фаолияти, яъни геоэкологик муҳитнинг ўзгариши натижасида ҳайвонларнинг кўплаб турлари ҳам ўзгармоқда. Марказий текисликлар ва адирларда каламуш, юмронқозик, дала сичқони, эчкизмар, калтакесак, типратикан, чўл тошбақаси ва илонларнинг айрим вакиллари яшайди. Деярли барча сув ҳавзаларида балиқнинг бир неча турлари ва ондатралар, ҳамда говасойда қундузнинг маълум бир турини учратиш мумкин.

Туманда маданий ландшафтларга энг яхши мослашгани қушлардир. Улар боғлар, экинзорлар, бинолар ва бошқа иншотларга ҳам ин қуриб, маданий биотоплар ҳосил қилган. Айниқса, экинзорлардан ўтувчи симёғоч ва баланд дарахтларда лайлақлар кенг тарқалган.

Ҳашаротларнинг турлари ҳам талайгина. Жумладан, асаларининг тарқалиши ўз навбатида туманда доривор набототнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Чуст туманида ҳозирги кунда асаларичиликка бўлган эътибор ортиб бормоқда. Тумандаги барча хўжаликларда ҳозирда 1420та асалари уялари мавжуд. Айнан сифатли асал маҳсулотларини етиштиришда Ғова, Варзик, Қорақўрғон ва Баймоқ ҳудудининг юқори қисмлари табиий шароити, иқлими, ҳароратнинг пастроқлиги анча қўл келади.

Кейинги йилларда атроф-муҳитнинг зарарланиши оқибатида кўплаб ҳашаротлар, қушлар, сувларидаги балиқлар нобуд бўлмоқда. Шу сабабли тоғли ҳудудлар ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ишларини илмий асосда ташкил этиш ҳаётий заруратга айланди.

ҚАДИМИЙ ЧУСТ ТАРИХИ

ЧУСТ СЎЗИНИНГ МАЪНОСИ

Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида ёзилган луғатларга изоҳ берилар экан, ушбу саҳифалардан бирида Чуст сўзига ва унинг маъносига шундай изоҳ бериб ўтган: Чуст сўзи форсий тилдан олинган бўлиб, **тез, чаққон, ҳозир жавоб** деган маънони билдиради. Баъзи манбаларда эса Тус деб ҳам аталган ва юритилган. Бундан ташқари, шоҳ, саркарда ва олим Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида ҳам Тус (Чуст) сўзи тилга олинган бўлиб, Тус - кенг текислик жой маъносини билдиришини қайд этади.

Туман тарихи. Бибиона маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган Буваномозор ёнидаги тепалик билан боғлиқ. Чуст, Далварзин, Ашколтепа, Тергачи ва шу каби қишлоқларда ушбу даврнинг белгиларини учратиш мумкин. Ўзбекистон Фанлар академияси олимларининг Чуста олиб борган археологик қазишма ишлари Ўзбекистон халқлари тарихига жуда кўп янгиликлар киритган. Энди эътиборни «Буваномазор» сўзига қаратамиз, Биби - ҳиндча сўз бўлиб, «муқаддас аёл» маъносини билдиради. Биби сўзи чуствликлар талаффузида «бува», «буви» шаклида ишлатилади ва она деган маънони англатади. Кексаларнинг ривоятига кўра, Бибиона мўътабар аёл бўлиб, Қосимшайх бобонинг сингиллари бўлган экан. Икковлари ҳам Мавлоно Лутфуллох билан замондош бўлиб, улар ҳам XVI асрда яшаб ўтган. Мавлоно Лутфуллохнинг келиб чиқиши ва шажараларини қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

Чустга доир дастлабки илмий маълумотлар таниқли шарқшунос олим академик А.Ф.Миндендорфнинг «Фарғона водийси очерклари» номли асарида ҳам (С. Петербург 1882 йил) учрайди. Унда баён этилишича, «Фарғона водийсида шўр сувли ерлар кўп бўлиб, Чуст - Туснинг номи ҳам шу сабаб қўйилган» деган фикрлар ҳам келтириб ўтилган.

Туман ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар фақатгина «Буваномазор» тарихий ёдгорлиги билан чегараланиб қолмай, ён атрофдаги қишлоқларда ҳам бир қатор муҳоналар, қабрлар қолдиқлари топилиб, ўрганил-

ган. Шунингдек, милоддан аввалги VIII асрлардан то эрамизнинг VI асрларига қадар рўй берган маданий-иҷтимоий ўзгаришлар, қишлоқ ва овулларда яшовчи, асосан чорвачилик, дехқончилик билан шуғулланувчи ўтrock, кўчманчи қабила ва уруғлар ҳаёти ҳамда турли маросимлари билан боғлиқ маълумотлар ўрганилган.


Тумандаги Варзик, Ғова ва Қорақўрғон ҳудудларида жойлашган Шоҳ, Чимбийсой, Қўчқор ота, Қизил ариқ каби қадимий қабристонларда 1983-1989 йилларда олиб борилган илмий тадқиқотлар ўша даврда махсус хилхоналар - оилавий мақбаралар мавжудлигидан далолат беради.

Россия империясининг «Туркистон ўлкасини бошқариш» режаси бўйича 1926 йил 29 сентябрда Ўзбекистон ССР Марказий ижроия комитетининг қарорига кўра, Чуст алоҳида «район» деб эълон қилинган. Чустдан 1930 йил 20 августда Поп тумани, 1973 йил 26 декабрда Косонсой тумани Ўзбекистон ССР Марказий ижроия комитетининг тегишли қарорлари билан ажралиб чиққан. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январдаги «Маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, Чуст тумани ва шаҳар Кенгашлари ижроия комитетлари тугатилиб, Чуст тумани ва Чуст шаҳри ҳокимликлари ташкил топди. Туманда Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари фаолият кўрсата бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 сентябрдаги «Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 459-сонли қарорига мувофиқ, туман ҳокимининг 1997 йил 27 октябрдаги 10F335-сонли қарори билан туман ва шаҳар ҳокимликлари аппаратлари бирлаштирилди. Чуст туманида Халқ депутатлари туман Кенгаши янгидан шаклланди.

Ҳозирда Чуст тумани қуйидагича маъмурий ҳудудларга бўлинган: жами 71 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларнинг 20 таси Чуст шаҳрида, қолган 51 таси 11 та қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган. Умумий ер майдони 916,7 кв. км. Жами аҳоли сони 230000га етди. Туманда истиқомат қилаётган аҳолининг 107952 (49,5 фоиз) нафари аёл, 109996 нафари (50,5 фоиз) эркеклар, 147290 ўзбек (67,6 фоиз), 65864 тожик (30,2 фоиз) ва бошқа миллатлар 4794 нафар (2,2 фоиз)ни ташкил этади.

МАВЛОНО ЛУТФУЛЛОҲ ЧУСТИЙ
(1487-1571 й.) ШАЖАРАЛАРИ



Чуст дўпписи тарихи ва бугуни. Мустақилликка эришганимиздан сўнг, миллий ва маданий қадриятларга бўлган эътибор янада ортиди. Давлат мустақиллиги натижасида миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитлар яратиб берилди. Республика-мизнинг қадимги ва миллий анъаналарини мужасам этган шаҳарлар, яъни миллий ҳунармандчилик асосида вужудга келган шаҳарлари сирасига Чустнинг ҳам кириши бежиз эмас. Биринчи навбатда унинг миллий ҳунармандчилиги намунаси чуст пичоғи ва дўпписи тилга олинади. Қадимдан ўзининг уста ҳунармандлари ва дўппидўз аёллари меҳнатлари билан дунёга юз тутган. Тарихий манбаларнинг шохидлик беришича, аҳоли қадимги даврлардан то ҳозирги кунгача ҳунармандчилик ва унинг турлари билан шуғулланиб келишган.



Дўппидўз Ҳалима опа шогирди билан Чуст дўппиларини тайёрлаш устида.

Йиллар ўтиши мобайнида дўппининг нусхалари ортиб борган. Дўппининг тўрттула, зирова, ова, аюб, зира, сотим, тоғ, илова, булбулча рамзи, узум, қуёш рамзи, буғдой ва ҳумо қуши рамзли нусхалари шаклланиб борган. Ўз даврининг асосий савдо йўли бўлган ғарб ва Шарқни ўзаро боғлаб турган Буюк ипак йўли орқали ҳам савдо-гарлар томонидан кўҳна Чустнинг миллий ҳунармандчи-

лигини нафақат Ўрта Осиёга, қолаверса, бутун дунёга намоен этишган. Собиқ иттифоқ даврида ҳам Чуст дўппилари чустлик аёллар томонидан Бадий буюмлар фабрикасида тикилган. Фабрикада тикилган дўппилари Польша, Познан, Япониянинг Токио шаҳарларида бўлиб ўтган жаҳон ҳалқлари амалий санъати кўрик-танлов ва кўргазмаларида қатнашиб, фахрли ўринларга эга бўлган.

Чуст дўпписи ҳақида сўз юритилганда, албатта, ўз ишига меҳр, масъулият ва сабр-тоқат билан меҳнат қилган аёллар кўз олдингизга келади. Чуст аёлларининг аксарияти бу миллий ҳунармандчилик билан ҳозир ҳам шуғулланишади.

Жумладан, 2006 йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган кўргазмада қатнашган Ҳалима опа Олий ўринга сазовор бўлган. 2008 йилда Наманган вилоятида ўтказилган «Дўппи тикдим ипаклари тилодан» кўрик-танловида қатнашиб, биринчи ўринни олиб, яна бир бор ҳақиқий дўппидўз аёллар Чуста эканлигини исботлаган. Пойтахтимизда бўлиб ўтган республика босқичида қатнашиб, «Устоз-шогирд» номинацияси бўйича фахрли иккинчи ўринга лойиқ топилган. Икки нафар фарзанднинг онаси ва уч нафар набиранинг бувиси Ҳалима опа ҳозирги кунда 100дан ошиқ аёллар билан дўппичиликни давом эттириб азалий меросимизни келажак авлодга етказиш, юртимизни равнақи ва ривожланиш йўлида ўз меҳнатлари билан хизмат қилмоқда.

Дўппининг тайёрланиши ва тикиш босқичларини аёллар амалга оширса-да, тайёрланаётган маҳсулотнинг сифати ва харидоргирлигини оширувчи дўппи пресслаш жараёнини асосан туман марказида жойлашган дўппи пресслаш дўконларида эркаклар томонидан бажарилади. Пресслаш ҳам авлоддан-авлодга ўтишда ривожланиб борган. Туман марказидаги пресслаш дўконларида ишловчи фидойи инсонлар бир авлод вакиллари ҳисобланишади. Хусусан, шу авлоднинг бош вакилларида бири 76 ёшли Солижон ота Рўзиматов 60 йилдан буён шу иш билан машғул бўлиб, эл юрт хизматида меҳнат қилиб келаётганларини айтиб ўтдилар. Ҳозирги кунда ҳам Солижон ота ўзлари бир кунда 15-20 та дўппини пресслайди.

Нўъмонжон ака эса 50 та дўппини преслайди. Уларга маҳсулотнинг ярим хом-ашёсини асосан туманнинг Каркидон, Баймоқ, Ғова қишлоқларида истиқомат қилувчи аёллар ва ёш қизлар етказиб беришмоқда. Аҳоли тайёрлаётган ярим хом-ашё, туман марказидаги бозорда тури, сифати, харидоргирлигига қараб сотилади. Тайёр ҳолга келган асл Чуст дўппилари дастлаб Чуст бозорларида, қолаверса, вилоятимиз ва республикамизнинг бозорларида дўппининг тури, сифати ва қайтарилмас нусхаларига қараб 20000-30000 минг сўмгача сотилади. Дўппи нусхалари орасида энг қимматбаҳо ва нозик нусхаси ҳисобланган сатн дўппининг тайёрланиш жараёни бошқа турларига қараганда узоқроқ давом этади ва бу турини асосан туман марказидаги аёллар, яъни 4-5 киши тайёрлайди холос. Тайёр бўлгандўппининг бу нозик нусхаси ҳозирги кунда юртимиз бозорларида 100-120 минг сўмга баҳоланмоқда. Сатн дўппилари кўпроқ юртимизга ташриф буюрган хориждан келган меҳмонларга сотилади. Сатн дўппилари қадимий ўзбек ҳалқининг ноёб бош кийимларидан бири ҳисобланади. Чуст аёллари ва қизлар тайёрлаган маҳсулотлари нафис ва қайтарилмас нусхалари билан Марғилон шаҳри, Андижон вилоятида тайёрланадиган дўппиларидан фарқ қилади.

Қадимий Чуст пичоқлари. Ўзбекистонда хунармандчилик кишилиқ жамияти ривожини оқибатида аста-секин дехқончилик ва чорвачилиқдан ажралиб чиққан. Турли ижтимоий формациялар доирасида техника ривожини билан алоқадор ҳолда такомиллашга борган саноат ишлаб чиқариш куртагидир. Турли ихтисосликлар, яъни пичоқчилик, каштачилик, зардўзлик, заргарлик, дўппидўзлик, кулолчилик, дурадгорлик, тўқувчилик, тикувчилик, мисгарлик, темирчилик, бинокорлик, ўймакорлик ва бошқалар тарихий жараён натижасидир. Миллий хунармандчилигимизнинг асосий йўналишлари қаторида пичоқчилик санъати туманнинг қадимий асосий меҳнат фаолиятларидан бири ҳисобланади. Чуст пичоғининг келиб чиқиши тоғли ҳудудларидан бири бўлган Ғова қишлоғининг тарихи ва аҳолисининг дастлабки меҳнат қуроллари билан бевосита боғлиқ. Тоғли ҳудудда истиқомат қилган қадимий Чуст аҳолиси ноёб металлдан нафақат



**Чуст пичоғининг биринчи усталаридан бўлган
Абдурахмоновлар авлоди.**

ўзларига меҳнат қуроллари, қолаверса, ўзларини ҳимоя қилишда ўзлари ясаган дастлабки Чуст пичоқларидан фойдаланишган. Улар қора пўлатдан тайёрлангани учун турли даврларда ҳам ўз нуфузини йўқотмаган. Ҳаттоки Қўқон хонлиги даврида ҳам Чуст хунармандлари пичоқ, ханжар ва қиличлар билан хонликни таъминлаб, ҳарбий салоҳияти юксалишида ўз меҳнатлари билан хонлик эътиборида бўлишган. Аҳоли ижтимоий ҳаёти ва турмуш тарзида ишлатиш учун асосан пичоқнинг ёрма, суқма, скат турлари қўл меҳнати орқали тайёрлаб берилган.

Ҳозирда пичоқчилик туманда санъат даражасига кўтарилган. Уста хунарманд Муҳаммаджон Абдурахимовнинг таъкидлашича, пичоқ ясашда, аввало, инсонда яратилаётган пичоқ учун меҳр, сабр-тоқат ва катта меҳнат талаб этади. Шундагина ҳақиқий Чуст пичоқлари тайёрланади. Бунга 3-4 кун вақт керак бўлади. Уста шу меҳнат орқали фаровон рўзғор тебратди, фарзандларни ўқимишли қилиб вояга етказди. Ҳозирги кунда ҳам ўз севиб ардоқлаган касби устида ишлаб, халқ хизматида эканлигидан мамнун.

Муҳаммаджон устанинг 7-авлоди ҳам шу касб билан шуғулланаши пичоқчилик ўзига хосликдан далолат беради. Уста ҳунарманд ўзи тўртинчи авлод бўлиб меҳнат қиляпти. Абдурахимовлар авлоди Азимбой уста, Абдурахмон уста, Каримбой уста, Муҳаммаджон уста, Аъзамжон уста, Бахтиёр усталар занжирини ҳосил қилади.

Бу ҳунармандлар тайёрлаётган пичоқлар туман марказидаги бозорда алоҳида расталарда нафақат туман, вилоят, балки республиканинг турли вилоятларидан келганлар харид қилишмоқда. Бундан ташқари, Республикамизга ташриф буюрган чет эллик меҳмонларга Чуст пичоғининг кап, сурма ва дандон турлари совға тариқасида берилади.



II БЎЛИМ

ТУМАНДА ИЖТИМОИЙ СОҶАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Демографик жараёнлар ва меҳнат ресурслари шаклланишининг асосий хусусиятлари. 2011 йил 1 январгача бўлган маълумотда бу ерда 224,9 минг киши ёки вилоят аҳолисининг 9,6 фоизи, вилоят қишлоқлари аҳолисининг эса 8,6 фоизи истиқомат қилади. Мазкур туман аҳоли сони бўйича Наманган вилоятида биринчи, республикада 157та қишлоқ туманлари орасида 9-чи ўринни эгаллайди.

Туманда аҳоли зичлиги ўртача бир квадрат километр майдонга 240,0 кишини ташкил этади. Бу миқдор гарчи республика кўрсаткичига нисбатан 3,7 марта юқори бўлса-да, ўртача вилоят (315,1 киши/кв.км) даражасидан паст. Туман ҳудудида аҳоли анча нотекис жойлашган. Аҳолининг кўпчилиги гидрографик объектлар, яъни кўп сонли сой бўйларида ҳамда Чуст шаҳри атрофидаги қишлоқларда истиқомат қилади.

Маълумки, мустақиллик даврида мамлакатимиз демографик ривожланиши учун ўзига хос воқеълик-аҳоли табиий ўсиш суръатининг жадал пасайиб бориши кузатилмоқда. Албатта, бундан Наманган вилояти, жумладан, Чуст тумани ҳам мустасно эмас. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, агар 1996 йилда туман бўйича аҳолининг табиий ўсиши 26,4 промиллени ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб, 13,8 промиллега тушиб қолди ёки 10 йил давомида бу кўрсаткич деярли 2 баробарга қисқарди. 2007 йилдан бошлаб аҳолининг табиий ўсиши аста-секин ортиб, 2009 йилда 18,6% промиллени ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, Чуст тумани аҳолисининг ўсиш суръати ўртача вилоят кўрсаткичидан орқада қолмоқда. Агар 2000-2009 йилларда Наманган вилояти бўйича аҳоли сони 115,5 фоизга ортган бўлса, Чуст туманида бу кўрсаткич 114,8 фоизини ташкил этди.

Шу давр ичида ўлим кўрсаткичлари ҳам изчил камайиб борди. Хусусан, ҳар 1000 аҳолига нисбатан ўлим

кўрсаткичи 1999 йилдаги 5,1 киши ўрнига 2006 йилда 3,9 кишини ташкил этди. Бу эса нафақат Наманган вилоятида, балки бутун республикада ҳам энг қуйи (яъни, ижобий) натижалардан биридир. Умуман, аҳоли табиий ўсиш суръати пасайиб бораётганига қарамасдан, республика қишлоқ туманлари орасида Чуст ҳозирги пайтда юқори ўринлардан бирини эгаллайди.

Никоҳ - жамият томонидан тартибга солинувчи, эркак ва аёлларнинг бир-бирларига ва фарзандларига нисбатан ҳуқуқлари-мажбуриятларини белгиловчи муносабатлар шакли. Шу билан бирга никоҳ аҳоли табиий ўсишининг муҳим манбаларидан биридир. Биз юқорида аҳоли табиий ўсиш кўрсаткичлари изчил пасайиб бораётганини таъкидлаган эдик. Мамлакатимизда шунга мос ҳолда ҳар 1000 кишига нисбатан никоҳ кўрсаткичлари ҳам пасайиб бормоқда. Чуст туманида 2010 йилда 1794 та никоҳ ва 58 та ажралишлар қайд этилди. Ўртача республика ва вилоят кўрсаткичларига таққосланганда туман бўйича никоҳнинг юқорилиги ҳамда ажралишнинг пастлиги аниқланди. Ушбу кўрсаткичлар туманда аҳоли барқарор бўлиш имкониятлари нисбатан юқорилигидан далолат беради.

2012 йил 1 январь ҳолатига туман ҳудудида 1 та шаҳар, 11 та қишлоқ фуқаролик йиғинлари, 34 та қишлоқ аҳоли пунктлари жойлашган бўлиб, унда шаҳар аҳолисининг салмоғи 31,6 фоизни ташкил этган. Яқин йилларгача республика аҳолисининг кўпчилиги, яъни 2/3 қисми қишлоқларда истиқомат қилар эди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2009 йил 13 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктлари маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 68-сонли қарори қабул қилинди. Бу қарорга илова сифатида Чуст туманидаги 11 та қишлоқлар шаҳарча мақомига эришди.³

³ Постановление Кабинета Министров РУз от 13.03.2009 г. №68 «О дополнительных мерах по совершенствованию административно-территориального устройства населенных пунктов Республики Узбекистан». «Собрание законодательства Республики Узбекистан», Ташкент, 2009г. №12, С. 130.

Мазкур қарор бутун республикада бўлгани каби Чуст туманида ҳам шаҳарлашув даражасининг ортишига жуда катта таъсир кўрсатди. Бунинг натижасида 2010 йил 1 январь ҳолатига туманда урбанизация даражаси 68,5 фоизга етди. Ҳозирги пайтда туманда 23 та қишлоқ аҳоли пункти мавжуд бўлиб, тадқиқот жараёнида улар аҳоли сонига кўра гуруҳлаштирилди. Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодексининг 9-моддасига кўра, аҳоли сонига қараб қишлоқ аҳоли пунктлари қуйидагиларга бўлинади:

- йирик аҳоли пункти - аҳоли сони 5000 дан ортиқ кишидан иборат;
- катта аҳоли пункти - аҳоли сони 3000 дан 5000 гача кишидан иборат;
- ўртача аҳоли пункти - аҳоли сони 1000 дан 3000 гача кишидан иборат;
- кичик аҳоли пункти - аҳоли сони 1000 гача кишидан иборат.⁴

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, тумандаги қишлоқларнинг асосий қисми (69,6%) аҳоли сони 1000-3000 кишидан иборат бўлган ўртача аҳоли пунктларидан иборат. Уларда туман қишлоқлари жами аҳолисининг 2/3 қисми истиқомат қилади.

Аҳоли сони 3000 кишидан ортиқ қишлоқлар 4 та, уларда жами қишлоқ аҳолисининг 28,2 фоизи яшайди. 1000 кишидан кам аҳоли истиқомат қиладиган қишлоқлар эса 3 та. Уларда туман қишлоқ аҳолисининг 5 фоиздан кўпроқ қисми яшайди, холос. Мазкур ёзилган ҳўлланманинг 3.2. бўлимида мактабларнинг туман ҳудуди бўйлаб жойлашуви ва улардаги ўқувчилар сони ўрганилди. Мантиқан олиб қараганда, аҳоли компакт жойлашган катта қишлоқлардаги мактаблар йирик, улардаги ўқувчилар сони эса кўп бўлиши керак. Бироқ ўртача катталиқдаги айрим қишлоқларда 100-150 ўқувчидан иборат бўлган бир неча кичик мактаблар мавжуд. Хусусан, тумандаги 9 та мактабда ўқувчилар сони 200

⁴ Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик кодекси. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2006 йил, 27-сон, 245-модда.

нафардан кам. Жумладан, Қайирма (аҳоли сони 2875 киши) қишлоғидаги 39- ва 47-мактабларда ўқувчилар сони мос равишда 335 ва 80 нафарни ташкил этади. Маълум бўлишича, асосан бошланғич синф ўқувчиларининг узоққа қатнашга қийналишларини ҳисобга олиб ташкил этилган ушбу мактаблар йирик қишлоқлардан бир неча км. узоқроқдаги нисбатан кичик аҳоли пунктларида жойлашган бўлса-да, мактаб ўқувчиларининг спорт билан мунтазам шуғулланишини ривожлантириш мустақилликнинг дастлабки йилларида асосий мақсадлардан бири ҳисобланган.

Туман аҳолиси миллий таркиби бўйича ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Бу ерда аҳолининг 2/3 қисми ўзбек, 30 фоизи тожиклардан иборат. Рус, татар, қирғиз ва бошқа миллат вакиллари 2 фоиздан ошади. Тумандаги мавжуд 70 та мактабдан фақат 10 фоизи - 7 та мактабда ўқиш бошқа тиллар (5тасида - тожик, 2тасида - рус тили)да олиб борилади. Бошқача қилиб айтганда, ўзбеклар жами туман аҳолисининг 67,6 фоизини ташкил этгани ҳолда, 90 фоиз мактаблардаги ўқувчилар ўзбек тилида таълим оладилар. Бу нарса давлат тилига бўлган эътибор кучайиб бораётганлигини кўрсатади.

Туман маркази - Чуст шаҳри, Саримсоқтепа, Варзик шаҳарчалари ва Варзигон қишлоғи аҳоли асосан тожиклардан иборат. Гова ва Баймоқ қишлоқларининг ҳар бирида 20-30 оиладан иборат қирғиз маҳаллатлари яшайди. Рус ва татар миллатига мансуб аҳоли эса асосан Чуст шаҳрида истиқомат қилади.

Мамлакатимиз демографик ривожланишида рўй бераётган туғилиш ва аҳоли табиий ўсиш суръатларининг пасайиши, шунга мос ҳолда жами аҳоли таркибида меҳнатга лаёқатли аҳоли салмоғининг ортишига олиб келди. Бу ҳолат Чуст тумани аҳолиси таркибида ҳам кузатилмоқда. Жумладан, агар 2000-йилда ушбу кўрсаткич 48,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб, у 57,6 фоизга кўтарилди.

Ўтган 10 йил ичида жами аҳоли сони 14,8 фоизга ўсгани ҳолда, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони

36,4 фоизга ортган. Таъкидлаш жоизки, иқтисодиётда банд аҳоли сони изчил ортиб бормоқда ва ўтган давр ичида бу кўрсаткич 32,8 фоизни ташкил этди. Бу ҳолат аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан ҳали кўп ишлар қилиниши зарурлигини англатади.

Қишлоқ хўжалиги. 2010 йилда тармоқдаги банд ходимлар сони 18,9 минг киши, жумладан деҳқон хўжаликларида 5579 киши, фермер хўжаликларида 12749 киши ҳамда қишлоқ ва ўрмон хўжалигида (деҳқон хўжаликларисиз) 581 киши банд бўлиб, уларнинг тумандаги жами иш билан таъминланганларга нисбатан салмоғи 26,9 фоизни ташкил этди. Айни пайтда, мазкур кўрсаткич фақат иқтисодиётнинг расмий секторига тааллуқли. Бундан ташқари, иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли таркибидаги, жумладан, уй меҳнатида банд кишилар сифатида қайд этилганлар орасида ҳам (18176 киши) шахсий томорқа хўжалигида ишлайдиганлар кўпчиликини ташкил этади.

Моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари, жумладан, саноат (2875 киши) ва қурилишда (2779 киши) иш билан таъминланган аҳолининг мос равишда 4,1 ва 4,0 фоизи банд. Мазкур тадқиқот ишининг 2.2-бўлимида Чуст тумани бўйича 2000-2010 йиллар мобайнида саноат маҳсулотлари ва ХИМ ишлаб чиқариш мос равишда 8,1 ва 16,4 марта ўсгани ҳақида сўз юритилган эди. Амалга оширилган таҳлиллар саноатдаги бандлик ҳам динамик (2000-2010 йилларда ўсиш 143 фоизни ташкил этди), ҳам таркибий жиҳатдан (агар 2000 йилда жами иш билан таъминланганларга нисбатан саноат улуши 3,7 фоиз бўлган бўлса, 2010 йилда - 4,1фоизга) ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

Ҳозирги пайтда бевосита бюджетдан молиялаштирувчи ижтимоий (соғлиқни сақлаш, халқ таълими) соҳаларда ходимнинг муқим иш ўрни кафолатланган. Мазкур соҳаларда 10 мингга яқин ходим иш билан банд бўлиб, уларнинг жами бандликдаги салмоғи 14,2 фоизни ташкил этади. Ҳозирги пайтда туманда жами иш билан таъминланганларнинг 38,3фоизи норасмий сек-

торда банд бўлиб, улардан вақтинча бир марталик ишларни бажарувчилар 16,5 фоизини, тадбиркорларга кўмаклашувчилар 6,6 фоизини, бошқа хусусий тадбиркорлар 1,7 фоизда эканлиги ўз ифодасини кўрсатмоқда. Чуст тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази маълумотларига кўра, 2010 йилда 11557 киши вақтинча бир марталик ишларни бажариш билан шуғулланганлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида»ги 232-сонли қарорининг 8.2 ва 9.2 иловаларида асосий эътибор янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига қаратилган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, бу соҳада 2011 йилда муайян ишлар амалга оширилган. Дастурнинг 8.2-иловасида келтирилган параметрларга мувофиқ, 2011 йилда Чуст туманида 5295 та, жумладан, саноатда 424 та янги иш ўрни яратиш белгиланган. Хусусан, туман бўйича жами янги яратилган (5340 та) иш ўринларининг 8,0 фоизи саноат, 5,4 фоизи қишлоқ хўжалиги, 1,4 фоизи қурилиш тармоқлари ҳиссасига тўғри келади. Айни пайтда, янги иш ўринларининг 32,6 фоизи кичик корхона ва микрофирмалар ташкил қилиш эвазига яратилган бўлса, 37,6 фоизи уй меҳнатини шакллантириш ҳисобига барпо этилган. Меҳнат бозорида талаб ва таклиф мутаносиблигини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларининг малакали ходимларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида туман ҳокими бошчилигида Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тузилган ва «Таълим муассасалари битирувчиларини сифатли тайёрлаш ва улар меҳнатидан самарали фойдаланишнинг 2006-2010 йилларга мўлжалланган туман ҳудудий дастури» ишлаб чиқилган ва ҳокимнинг 2005 йил 31 декабрдаги 354-сонли қарори билан тасдиқланган. Ушбу жараёндан келиб чиқиб, мазкур дастур ҳамда унинг бажарилиш ҳолати ўрганилди.

Соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги ислохотларнинг амалга оширилиши

Аҳоли саломатлиги - ҳар бир мамлакат тараққиётида муҳим аҳамият касб этувчи йўналишлардан биридир. Шу боис, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий жабҳалари ривожланиш босқич йилларида соғлиқни сақлаш тизимида жуда катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, соғлом оилани шакллантириш ва ирсий касалликларга чалиниш мумкин бўлган ҳолатларни камайтириш мақсадида мамлакатимизда турмуш қураётган шахсларни никоҳдан олдин мажбурий кўриқдан ўтказиш тизими йўлга қўйилди.

Қишлоқ жойларда барча ҳомиладор аёллар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан соғлом насли шакллантириш учун зарур поливитаминлар билан таъминланмоқда. Махсус давлат дастури доирасида замонавий она ва бола скрининг марказлари тармоғи ташкил этилган. Улар ишга тушган 2000 йилдан буён мамлакатимизда ирсий ва нуқсонли болалар туғилиши 1,7 марта камайди.

Республикамызда икки ёшгача бўлган барча болалар бепул эмланмоқда, бу ўз навбатида дифтерия, қоқшол, полиомиелит каби касалликларга бутунлай барҳам бериш имкониятини яратди. Ўзбекистонда комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ўтган 22 йил давомида оналар ва гўдаклар ўлими 3 баробарга камайди. Ўзбекистон 2011 йилда «Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингда ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллади. 1991 йилдан буён ўтган даврда юртимызда одамларнинг ўртача умр кўришини 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўришини эса 75 ёшга узайтиришга эришилди».⁵

Сўнгги ўн йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий лаборатория,

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она-соғлом бола» мавзuidaги халқаро симпозиумда сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи» газетаси, 2011 йил 29 ноябрь.

ташҳис ва даволаш ускуналари билан жиҳозлашга 750 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда бюджет маблағлари йўналтирилди, имтиёзли кредит ва грантлар жалб қилинди. Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасига қилинган харажатлар 3,6 барабар ўсди ва бу ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийб 4,0 фоизни, мамлакатнинг Давлат бюджетига эса 15,7 фоиздан ортиқни ташкил қилаяпти.⁶

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини яхшилаш борасида 1998 йил 10 ноябрда «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони муҳим аҳамият касб этди. Унга кўра, 1998-2005 йиллар давомида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепцияси қабул қилинди. Ушбу ишлар изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан олиб келинадиган тиббиёт ускуналари, бутловчи буюмлар, тиббиёт ускуналарининг эҳтиёт қисмлари ва сарфланадиган материалларига нисбатан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2004 йил 6 декабрдаги 535-сонли буйруғи врачлар сонини аниқлашда ўзига хос мезон вазифасини ўтади. Ушбу буйруқнинг 7-илоvasи 1.6-бандида «ҚВП хизмат кўрсатадиган аҳоли сони соғлиқни сақлаш тизимидаги юқори бошқарув органлари томонидан ҳар бир ҚВП учун алоҳида белгиланади. Бунда ўртача битта умумий амалиёт врачлари учун унга бириктирилган аҳоли сони 1500-2000 кишидан ортмаслиги керак» - деб белгиланган. Буйруқнинг 16-илоvasида қишлоқ врачлик пунктининг намунали низоми берилган бўлиб, унинг 1.4-бандида ҚВПлар бир қанча типларга бўлиниши асослаб берилган. Жумладан,

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори. «Халқ сўзи» газетаси 2011 йил 1 декабрь.

унда шундай ёзилади: «ҚВП унга бириктирилган аҳоли сони, аҳоли пунктлари, алоқа ва транспортдан узоқлиги каби омилларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. ҚВП хизмат кўрсатадиган аҳоли сонига боғлиқ ҳолда қуйидаги типларга бўлинади:

- биринчи тип 1500-2000 киши;
- иккинчи тип 2500 дан 3500 кишигача;
- учинчи тип 3500-5000 киши ва ундан ортиқ;

Мазкур ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, тумандаги айрим ҚВПлар малакали врачлар билан таъминланган.

Чуст туманида ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзгаришлар ва малакали тиббиёт ходимларини ортиши, ҳамда тиббиёт асбоб ускуналарини кичик ҳудудга кириб келиши йилдан-йилга ортиб ўз самрасини бермоқда. Натижада соғлом авлоднинг шаклланишида ва юртмизнинг янада юксалишида Чуст туманининг тиббиёти ривожланмоқда.

Ҳудуддаги мавжуд биргина туман соғлиқни сақлаш бирлашмасига қарашли Тошқўрғон ҚВП мисолида ҳам ривожланиш босқичларини кўришимиз мумкин.



Тошқўрғон ҚВП паспорти

Вилоят Наманган туман Чуст.
ҚВП номи Тошқўрғон.
ҚВП категорияси II.
ҚВП қабул қилиш қуввати 50 қатнов.
Хизмат кўрсатадиган аҳоли пунктлари Машиад МФЙ, Тошқўрғон МФЙ.
ҚВПнинг уртача хизмат кўрсатиш радиуси 4,1 км энг кам 0,2 км энг кўпи 8 км.
ҚВП шифосининг ҳолати Наолаштирилган

Санитария-техник ҳолати:

- Ичимлик суви билан таъминланганлиги: Марказлашган.
- Канализация ўтганлиги – маҳаллий.
- Иситиш тармоғи маҳаллий.
- Ёритилиши: Табiiй ва сунъий.
- Вентиляцияси: Табiiй ва сунъий.

Тошқўрғон қишлоқ врачлик пункти 6018 аҳолига хизмат қилиб, унда 22 та малакали врач ва тиббиёт ҳамширалари сифатли ва бирламчи тиббий-ёрдамни кўрсатади. Ўзига бириктирилган ҳудуд аҳолисига белгиланган тартибда ва имкониятларни инобатга олиб, шошилинч тиббий хизмат фаолиятида. ҚВПга «Саломатлик-2» дастури бўйича тиббий асбоб-ускуналар босқичма-босқич олиб келиб ўрнатилмоқда. Ҳозирги кунгача Тошқўрғон ва Машҳад аҳолисига «Саломатлик-2» дастури бўйича умумий қиймати 3061875.85 сўм, 6 турдаги тиббий анжомлар ва апаратуралар келтириб, ўрнатилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар туғрисида»ги ПҚ 1096-сонли қарорига асосан ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда скрининг марказларини ташкил этиш борасида режалар тузилиб, туғиш ёшидаги 1608 нафар аёллар тиббий кўрикдан 100 фоиз ўтказилиб, соғломлаштириш режалари ишлаб чиқилган.

Маълумки, жойнинг рельеф хусусиятлари аҳоли саломатлигига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Муайян ҳудудларнинг баландлик ёки пастликда жойлашганлигига кўра, у ерда яшовчи кишилар саломатлиги ва касаллик турлари ҳам ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради.

Чуст тумани ҳудуди асосан адирликлардан иборат бўлиб, унинг ўртача мутлоқ баландлиги 850 метр, ер юзаси шимоли-ғарбдан жануби-шарққа томон пасайиб боради. Бу эса ҳудудда ўзига хос нозогеографик вазиятни вужудга келтиради, яъни бунда туманнинг1 юқори (шимоли-ғарбий) қисми қуйи (жануби-шарқий) қисмига нисбатан ўзининг иқлим, тупроқ, сув таркиби ва бошқа жиҳатлари билан сезиларли фарқланади. Чунки, жойларнинг балан-



Тошқўрғон ҚВПсининг фидойи тиббиёт ходимлари.

длиги денгиз сатҳига нисбатан пасайиб борган сари уларда ҳавонинг айланма ҳаракати, ер ости ва ер усти сувларининг хусусиятлари ҳам ўзига хос тарзда ўзгариб боради. Ушбу ҳолатларнинг эса мазкур ҳудуд аҳолиси саломатлигига ўз таъсирини кўрсатиши табиий.

Бинобарин, аҳоли саломатлигига саноатнинг маълум миқдорда таъсири бўлса-да, бизнингча туман аҳоли саломатлигини белгиловчи бош мезонлардан бири, бу - қишлоқ хўжалигидир. Унда банд аҳолининг асосий қисми пахта ва ғаллачилик билан шуғулланади. Бу эса улар орасида айни шу соҳа билан узвий боғлиқ бўлган хасталикларни келтириб чиқаради. Уларнинг олдини олиш мақсадида тумандаги барча ҚВПларда мустақиллик йилларидан бошлаб қишлоқ врачлик пунктларига замонавий тиббиёт анжомлари мавжуд олиб келиб ўрнатилиб, врачлар ва ҳамширалар сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Бу ўринда аҳоли турмуш шароитлари: турар-жойлар ҳолати, аҳоли зичлиги, канализация, тоза ичимлик суви ва бошқа маиший иншоотларнинг бор-йўқлиги, аҳолининг моддий фаровонлиги, озиқ-овқат таркиби, тиббий санитария маданияти, миграция жараёнлари ва соғлиқни сақлаш соҳаси ишларининг аҳволи (умумий қилиб айтганда, ижтимоий инфратузилма тизими) муҳим мазмунга эга. Ушбу омилларнинг ҳар бири аҳоли саломатлигига ўзига хос таъсир кўрсатади.

Маълумки, Наманган вилоятининг Чортоқ туманида қўлаб санаторий ва дам олиш масканлари жойлашган. Табиий географик жиҳатдан кўпгина ўхшашликлар мавжуд. Келгусида туман ҳудудида шу каби масканларни барпо этиш имкониятларини аниқлаш мақсадида мутахассислар орасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, туманнинг Оғасарой ва Ғова аҳоли манзилгоҳлари ҳудудида саломатликни қайта тиклаш ва дам олиш масканларини яратиш имкониятлари мавжуд.

Туманда кишилар турмуш даражаси ва аҳоли саломатлигини яхшилаш, аввало мамлакатимиз раҳбарияти томонидан белгиланган тўб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш, халқ ҳўжалигини замонавий талаб ҳамда эҳтиёж доирасида ривожлантириш ва ҳудудий ташкил этиш, экологик муҳит мусаффолигини таъминлаш каби масалалар билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу муаммоларни илмий асосда ечиш нафақат Чуст туманида, қолаверса, республикамизнинг барча минтақаларида соғлом авлодни вояга етказиш, аҳолининг моддий ва маънавий фаровонлигини ошириш имконини беради.

Таълим тизими ривожланиши. Таълим тизимини ривожлантириш-ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатнинг ажралмас таркибий қисмидир. Зеро, ҳеч бир давлат фуқаролари билим даражасини оширмасдан, замонавий илм-фан калитларини қўлламасдан тараққиётнинг юксак чўққиларини забт эта олмайди. Мамлакатимизда истиқлол йилларида таълим соҳасини ислоҳ қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий базаси яратилди, унинг молиявий асоси мустаҳкамланди. Хусусан, 1997 йилда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида» ва «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди; кейинги йилларда давлат бюджети харажатлари таркибида таълим соҳасининг улуши кескин ортди. Ижтимоий соҳалар, хусусан, таълим соҳасини ривожлантиришга оид давлат тадбирларининг кўпчилиги маҳаллий бошқарув органлари орқали амалга оширилади. Буни маҳаллий бюджет таркибида таълим соҳасига ажратилган маблағлар ўсишида ҳам кўриш мумкин. 2006-2010 йилларда мазкур соҳа учун йўналтирилган бюджет маблағлари 3,3 марта ошган,

унинг Чуст тумани бюджети харажатлари таркибидаги салмоғи эса мос равишда 47,4 ва 54,5 фоизни ташкил этган.

2004-2009 йилларга мўлжалланган «Давлат умуммиллий дастури»га мувофиқ, тумандаги мавжуд мактаблар таъмирдан чиқарилди. Шу жумладан, 13 та мактаб капитал реконструкция, 31 та мактаб капитал таъмир, 12 та мактаб жорий таъмирдан чиқди. Улар замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари, ўқув услубий материаллар билан тўлиқ таъминланди. Бу таъмирлаш жараёнида ўз навбатида болаларнинг спорт билан доимий шуғулланишларини инобатта олиб, ҳар бир ўрта мактаблардаги спорт биноларига жуда катта эътибор берилди.

Тумандаги ёш авлодни баркамол ва етук инсон бўлиб улғайишида мактабларда ташкил этилган спорт тўғараклари ва спорт анжомларининг ўрни катта. Болалар спортининг туманда ривожланиши туфайли спорт мактабларининг ташкил этилди ва бу мактабларда кашф этилаётган ёш спортчи йигит-қизлар ўз саломатлигини тикламоқда. Нафақат жисмонан бақувват бўлиши, балки жаҳон ареналарида юртимиз байроғи ва мадҳияси кўкларга кўтарилишида Чустлик ёшларнинг интилишлари самараси йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Болалар спортининг ташкил этилиши ва ривожланиши. Келажакимиз ворислари учун истиқлол сабаб юртимизда ижобий туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Чуст туманида ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида-ноқ ёшларни маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, айниқса, улар ўртасида спортни янада оммалаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилиб, бугунги кунгача давом этиб келмоқда. Барпо этилган барча иншоотлар қурилиши учун жами 1 млрд. 358 млн. сўм маблағ сарфланди. 2003-2010 йилларда жамғарма маблағлари ҳисобидан туманда фойдаланишга топширилган жами 7 та спорт иншоотларидан 2 таси тип лойиҳаси асосидаги спорт мажмуаси, 4 та мактабга спорт заллари, 1 та мавжуд спорт иншоотлари реконструкциясини мисол тариқасида келтириш ўринлидир. Иншоотларнинг 6 таси ёки 85 фоизи қишлоқ ҳудудларида жойлашган.

Чуст туманида ҳам жисмоний тарбия ва болалар спорт соҳасида жуда катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Туманда қуриб фойдаланишга топширилган ихтисослашган 7 та



**Чуст туман хотин-қизлар қўмитаси раиси
Насиба Бозорова 7-ўрта мактабидаги спорт мусоба-
қаси иштирокчилари билан.**



**Чуст тумани Олмос қишлоғидаги 17-ўрта
мактабда 12х24 метр ҳажмда спорт зал биноси
қуриб фойдаланишга топширилди.**

спорт иншоотларининг атрофида жамми 8 та таълим муассасаси жойлашган. Уларда 1861 нафар ўқувчи ёшлар таълим олади. Спорт иншоотларида волейбол, баскетбол, футбол, қўл тўпи, шахмат, миллий кураш, белбоғли кураш, дзюдо, стол тенниси, енгил атлетика, кичик футбол турлари ташкил этилган. Уларга 1368 нафар шуғулланувчи жалб этилган, шулардан 657 нафари қизларни ташкил этади. Юқорида келтирилган 7 та спорт объекти (2 таси тип, 5 таси мактаб спорт зали, 1 таси ўйингоҳ) белгиланган меъёрлар асосида спорт жиҳоз ва анжомлар билан тўлиқ таъминланган.

2010 йил - «Баркамол авлод йили»да Олмос қишлоғидаги 17-мактабнинг 1та янги спорт зали қуриб,фойдаланишга топширилди. Иншоот учун жами 194 млн. сўм маблағ сарфланди. Жами 7 та объектнинг 6 таси (83,7 фоиз) Халқ таълими бўлимига, 1 таси (16,3 фоиз) Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги тасарруфидадир.

Чуст туманида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларини ҳозирги кунда ҳудудий манбалар ҳисобидан шакллантириш ишлари амалга оширилмоқда. Бутунгача фойдаланишга топширилган иншоотларнинг барпо этилишида ҳомийларимизнинг ҳиссалари катта. Тумандаги ташкилот, корхона ва муассасалардан жамғармага жалб этилаётган маблағлар туманга, спорт иншоотлари ва жиҳозлари сифатида ортиғи билан қайтмоқда, яъни бу 2,5 баробар кўп демақдир. 2003-2010 йилларда туман бўйича 602,3 млн. сўм маблағ йиғилган бўлса, ўз навбатида 1 млрд. сўмдан зиёд - йиғилган маблағ 2,5 баробарга кўпайиб, замонавий спорт иншоотлари қурилиши давом эттирилиб, спорт анжомларининг замонавий турлари олиб келиб ўрнатилмоқда.

Туманда жамғарма томонидан барпо этилган спорт иншоотларида 1375 нафар ўғил-қизлар спорт секцияларга жалб этилган бўлиб, улардан 60 нафари Республика миқёсидаги ўтказилган мусобақаларда иштирок этиб, 17 та 1-ўрин, 11 таси 2-ўрин, 8 та 3-ўринни қўлга киритган. 6 нафар ёшлар халқаро миқёсдаги мусобақаларда иштирок этиб, 1 нафари 2-ўрин, 5 нафари 3-ўрин соҳиби бўлганлар. 2011 йилда ҳам Жамғарма вилоят филиалига 158,7 млн. сўм ҳомийлик маблағи туширилди.

Туман ўқувчи ёшларининг спорт соҳасида малакасини ошириш ва тажриба орттириш мақсадида хориж давлатларига юборилмоқда:

2010 йил 2 нафар стол теннисчиси Латвиянинг Рига шаҳрига, 1 нафар боксчимиз Озарбайжоннинг Боку шаҳрида халқаро турнирларда иштирок этиб, ўз малакаларини ошириб қайтдилар.

2011 йил 3 нафар стол теннисчиси Латвиянинг Друсти ва Рига шаҳри, 4 нафар стол теннисчиларимиз Молдавиянинг Дубосари шаҳри ва яна бошқа халқаро турнирларда иштирок этиб ўз малакаларини ошириб қайтдилар.

Туманда спорт соҳасида яратилган шароитлар ҳамда соҳага бўлган эътибор натижасида иншоотларда спорт турлари бўйича шуғулланиб келаётган ўқувчилардан 71 нафари республика миқёсида, 9 нафари эса халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида иштирок этишган. Республика мусобақалари иштирокчилари 21 нафарга, халқаро мусобақалар иштирокчилари 5 нафарга етган.

2010 йилда Халқаро миқёсда ўтказилган спорт мусобақаларида иштирок этган спортчилардан 2 нафари 2-ўрин, 2 нафари 3-ўрин, Республика миқёсдаги спорт мусобақаларида иштирок этган спортчилардан 41 нафари 1-ўрин, 14 нафари 2-ўрин, 16 нафари 3-ўринни қўлга киритган.

Тумандаги 5-ТИП спорт иншоотида спорт билан шуғулланувчи ўқувчиларнинг 9 нафари Халқаро спорт мусобақаларида иштирок этиб, 1 нафари (11,1 фоиз) 2-ўринни ва 8 нафари (88,8 фоиз) 3-ўринни қўлга киритган.

2011 йилда 6-ОЗБЎСМ тарбияланувчиси, терма жамоа аъзоси бўлган 1-нафар спортчимиз халқаро мусобақада иштирок этиб, фахрли 1-ўринни эгаллаб олтин медални қўлга киритди.

2003-2010 йилларда фойдаланишга топширилган барча спорт иншоотлари 95млн. сўмлик 52 турдаги спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминланди. Ўтган 2010 йилнинг ўзида эса фойдаланишга топширилган спорт иншоотларига Республика жамғармаси томонидан 19,5 млн. сўмлик спорт жиҳозлари етказилди.

Президентимизнинг кўрсатмаларига асосан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан биргина 2010 йилда тумандаги барча ўрта умумтаълим мактаб-

ларига жами 20,8 млн. сўмлик 80 комплект теннис столлари тарқатилди. 2005 йилдан бошлаб жойлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига 1536 комплект, жами 84,4 млн. сўмлик, 2010 йилнинг ўзига эса тумандаги ана шундай ёшларга 500 комплект ёки 14,325 млн. сўмлик спорт кийимлари Президент совғаси сифатида топширилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг асосий мақсади ёшларни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг оммавий спортга бўлган иштиёқини ошириш, спорт билан шуғулланишлари учун етарли шарт-шароит яратишдан иборатдир.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳар бир кичик боланинг ўзига хос катта дунёси борлигини унутмаслигимиз, бунга алоҳида эътибор беришимиз лозим. Шундагина ёш авлоднинг келажаги буюк, баркамол инсон бўлиб тарбияланишида ўзига хос ёрдам бериши бежиз эмаслиги тарих учун қисқа давр бўлган мустақиллигимизнинг дастлабки ўн йиллигида ўз самарасини бермоқда. Бундай хайрли ишларни амалга оширишда ҳар-бир фуқаро ёш авлодни тарбиялашда ўзининг меҳнатини аямаслиги лозим, деб ҳисблаймиз. Тадқиқот жараёнида қишлоқлар аҳолиси таркибида ўқувчилар сони ёрдамида қишлоқ манзилгоҳлари бўйлаб мактабларнинг жойлашувидаги муаммолар аниқланди. Ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, 34 та қишлоқ манзилгоҳидаги 54 мактабда 26472 ўқувчи таълим олади ва бу соҳадаги ўртача туман кўрсаткичи 18,7 фоизни ташкил этади. Бу соҳадаги энг юқори кўрсаткичлар Какликқўрғон (31,9 фоиз), Тошқўрғон (30,5фоиз) ва Тепақўрғон (28,2 фоиз) қишлоқларига тегишли.

Тошқўрғон ва Тепақўрғон қишлоқларида (ҳар бирида 3 тадан мактаб жойлашган) ўрта умумтаълим мактаблар билан бир қаторда, мактаб-интернатлар фаолият кўрсатади. Жумладан, Тошқўрғондаги 52-мактаб компьютерни чуқур ўрганишга ихтисослашган. Иқтидорли ўқувчиларга мўлжалланган Тепақўрғондаги 49-мактаб эса карсоқовлар махсус мактаб интернати бўлиб ҳисобланади. Уларнинг ҳар иккисига ҳам бутун Наманган вилоятидан турли ёшдаги ўқувчилар келиб ўқийдилар.

Мактабгача таълим муассасалари - республикамиз таълим тизимининг энг қуйи босқичи. Мазкур муассасалар ривожланишига ҳукуратимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.05.2009 йилда «Халқ таълими муассасалари харажатларини молиялаштириш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 139-сонли қарори қабул қилинди. Унга кўра, молиявий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда боғчаларнинг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш, уларга бухгалтер лавозимини киритган ҳолда босқичма-босқич юридик шахс мақомини бериш масаласи кўзда тутилган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш жараёнида туман ҳудудида жойлашган болалар боғчалари сони камайиб, сифат даражасининг ортиши кузатилмоқда.

Чуст туманидаги мактабгача таълим муассасаларининг ҳудудлар бўйича тақсимланиши

Т/Р	Қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари	Мактабгача муассасалар сони ва тарбияланувчилар сони
1.	Чуст шаҳрида	18/1747
2.	Алча	1/50
3.	Варж	4/380
4.	Олимс	3/150
5.	Ғова	3/248
6.	Ёриқиллоқ	2/88
7.	Қариқдон	3/216
8.	Қарнон	2/148
9.	Қорақўрған	2/136
10.	Саримсоқтепа	Физикан/11
11.	Хисорак	2/118
12.	Шоён	1/85
13.	Ариқбўйи	Физикан/20
14.	Зувутқон	Физикан/30
15.	Баймоқ	1/55
16.	Оғасарой	2/150
17.	Бағвақчи	1/150
18.	Сариқамаш	1/150
19.	Тепакўрған	1/38
20.	Ст. Чуст	1/45
21.	Разинсой	1/85
22.	Жами:	49/3962

Ҳозирги пайтда туман ХТМФМТТЭ бўлими таркибига кирувчи мактабгача таълим муассасалари 49 тани, уларнинг филиаллари эса 20 тани ташкил этади. Чуст туманида ҳозирда 1-7 ёшгача бўлган болалар сони 13610 нафарни ташкил қилиб, шундан 3962 нафари болалар боғчаларига борадилар. Тумандаги болалар боғчаларининг умумий қуввати 5995 нафарни ташкил этиб, ҳозирда қувватдан фойдаланиш даражаси 66,1 фоизга тенг.

Умумтаълим мактабларида замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, ўқув-услубий материаллари, компьютер борасида мукаммал ишлай оладиган малакали кадрлар билан тўла таъмин этилган. Ҳозиргача тумандаги 23 та мактаб давлат томонидан компьютер ва электрон дарсликлар билан таъминланган. Тумандаги мактабларда жами 317 та замонавий синфхоналаридаги 4755 дона компьютердан доимий равишда фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Улардан таълим жараёнида самарали фойдаланиш, уларга сервис хизмати кўрсатиб борилишини таъминлаш мақсадида республика «Ўзбекўқувавтоматика» унитар корхонасининг Наманган филиали билан шартнома тузилган. Компьютер саводхонлиги бўйича вилоят педагогларини 18 соатлик ўқув дастури асосида компьютерлашган мактабларда ўқитилиб 81.2 фоиз натижага эришилди. Республика ёзги соғломлаштириш мактабида ўтказилган халқаро олимпиадада Чуст туманидаги 52-мактаб ўқувчиси М.Ибрагимов 1-ўринни олиб, вазирликнинг 1-даражали диплом ва қимматбаҳо совғаларига эга бўлди, ўқитувчи М.Тошевнинг 9-синфларда информатика фани бўйича методик тавсияси Республика таълим маркази томонидан оммалаштирилди.

Республика миқёсида ахборот коммуникация технологияларини таълим жараёнига тадбиқ этиш бўйича Наманган вилоятида жами 125 та пилот, яъни кластер мактаблари бўлиб, шундан 7 таси Чуст туманида жойлашган. №3, №17, №19, №35, №40 мактаблар шулар сирасига киради. Тумандаги мавжуд мактаблар педагог кадрларининг компьютер саводхонлигини ошириш учун шу мактабларга бириктириб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таъ-

лим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги 191-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 декабрдаги «ZiyoNET» ахборот тармоғини янада ривожлантириш тўғрисида»ги 282-сонли қарорига асосан Чуст туман ХТМФМТТЭ бўлимига қарашли умумтаълим мактаблари RWS (Perfectum), «UzMobile», «East telecom» компаниялари орқали телефонлаштирилди. Ҳозиргача туманнинг 14 та - 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 64, 65, 66-умумтаълим мактабларида ҳозирги кунгача «ZiyoNET» интернет тармоғи узликсиз ишлаб келмоқда. 14, 15, 16, 17, 18, 22, 24, 26, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 38, 40, 43, 48, 51, 53, 61, 62, 67-умумтаълим мактаблари «UzMobile» филиали томонидан телефонлаштирилиб, «ZiyoNET» ахборот таълим маркази тармоғига уланган.

Уларнинг замонавийлиги ва ишга яроқчилиги ва дарсларда фойданилаётганлиги туман ХТМФМТТЭ бўлими мутахассислари томонидан мунтазам назорат қилиб бориламоқда.

Чуст туманидаги мактабларнинг қарийб барчасида 2004-2009 йилларида замонавий ўқув ва лаборатория ускуна жиҳозлари ҳамда ўқув услубий материаллар билан тўлиқ таъминланди. Умумтаълим ўрта мактабларида замонавий ўқув жиҳозлари барча мактабларнинг физика, кимё биология ва информатика ўқитувчилари ҳамда уларнинг лаборантлари иштирокида тўпланган тажрибалар ва таклифлар бериш ҳамда малакали кадрлар сонини ошириш мақсадида ҳар йили ўқув семинарлари ўтказилиб келинмоқда.

Шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутларнинг қисқартириб бориши - мамлакатимиз минтақавий иқтисодий сиёсатининг ўзагини ташкил этади. Бу эса ёшларнинг интеллектуал салоҳиятидаги фарқларни камайтиришга кўп жиҳатдан боғлиқ. Бунда замонавий таълим воситаси - компьютер ва интернетнинг ўрни мислсиз даражада катта. Тумандаги мавжуд қишлоқ мактабларининг аксариятида компьютерни мукамал биладиган ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг компьютер технологияларини ўзлаштириш даражаси йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Кимё фанининг тарақиёти Олмос қишлоғида, қора-капа маҳалласидаги ўрта мактабда ҳам мустақиллик йилларида жуда кўп ижобий ишлар амалга оширилди. Мактаб 1929 йилда ташкил қилинган, ҳозирги кунда 1128 нафар ўқувчиларга 85 нафар ўқитувчилар таълим-тарбия бериб келмоқда. Вазирлар маҳкамасининг «2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2004-йил 9-июнда қабул қилинган 321-сонли қарорини ижроси юзасидан 2006 йил мактаб капитал таъмирдан чиқарилди. Унга жами 203000000 (икки юз уч



Ю. Тўхтасинов ўтказаятган тажриба ўқувчилар нигоҳида.

миллион) сўм маблағ сарфланди. Ҳозирги кунда мактабнинг 2 нафар кимё ўқитувчиларидан 1-тоифали Юлибой Тўхтасинов ва унинг шогирди Мадина Ҳабиёвалар ўқувчиларга ҳар дарсни янги педтехнологиялардан фойдаланган ҳолда қизиқарли ва мазмунли тарзда ўтиб келишмоқда. Ҳозирги кунгача мактабда турли фанлардан илмий ва амалий конференциялар ўтказилмоқда. Жумладан, 2010 йил 17 март куни Наманган вилояти ўқтувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти Наманган Давлат университети табиий фанлар факультети кимё кафедрасининг ташаббусига кўра, кимё лабораторияси жиҳозлари билан ишлаш мавзусида вилоят миқёсидаги семинар ўтказилди.

Касб-ҳунар коллежлари ёшлари келажагимиз пойдевори. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз раҳбари ва ҳукумати томонидан баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, бутун ёшлар «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «Мактаб таълимини ривожлантириш умум-миллий дастури» асосида барча шарт-шароитлар, имкониятлар яратилган замонавий мактаб ва коллежларда билим олиб, ўзлари танлаган касб-ҳунар сирларини ўрганмоқдалар. Хусусан, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимида амалга оширилган туб ислохотлар натижасида барпо этилган замонавий коллежлар тобора ёшларнинг сеvimли масканига айланиб бормоқда. Таълим тизими жараёнида ёшлар билан ишлашнинг кенг қамровли воситаларидан фойдаланилаётгани катта аҳамият касб этади. Бу ривожланиш босқичларини Чуст туманида фаолият олиб бораётган касб-ҳунар коллежлари мисолида кўришимиз мумкин. Яқинда туманда коллежларнинг фаолияти, ёшлар билан ишлаш, уларни жамиятнинг фаол аъзолари сифатида шакллантиришнинг замонавий ва самарали усуллари, хусусан, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури асосида амалга оширилаётган ишларга бағишланган семинар ўтказилиб, Чустнинг мазкур соҳадаги тажрибаси вилоят миқёсида ибрат қилиб кўрсатилди. Айниқса, коллежларда талабаларнинг қизиқиш ва интилишлари асосида қўшимча фойдали ишлар, машғулотларга жалб қилиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш таъминланмоқда. Ҳуқуқий, иқтисодий маънавий-маърифий билимларни бойитиш мақсадида ўтказилаётган тадбирлар ёшлар онгини, тафаккури ва дунёқарашида ижобий ўзгаришларни юзага келтириб, ўз олд-ларига қўйган юксак мақсад сари интилишларини қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳунар ўрганиши, маълум бир касб эгаси бўлиши учун шарт-шароит яратиб бериш «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсадларидан ҳисобланади. Бу соҳада юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш вазифаси таълим тизимининг муайян бўғини касб-ҳунар коллежлари зим-

Наманган давлат университети талабари тўғрисида МАЪЛУМОТ

5-жадвал

	Жами	Худудлар қисмида																									
		Наманган														Қорағлтө- ристон Республикаси	Фарғона	Андижон	Харазм	Жиззах	Булро	Қашқадарё	Самарқанд	Сурғондарё	Сурдарё	Насрий	Тошкент вилояти
2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	
		Тўрақўрғон	Наманган	Поп	Уйи	Норин	Янгиқўрғон	Чортоқ	Қуст	Қосонсой	Миябўлоқ	Улқўрғон	Наманган ш.														
Умумий таалабалар сони (қундузги бакалаврият)	4716	589	315	237	504	43	421	420	478	272	211	318	52	-	112	195	2	3	4	5	4	2	1	3	9	28	
Туманлар бўйича % ҳисобида		12,4	6,6	5,0	10,6	9,1	89	89	10,1	5,7	4,4	6,7	3,2		23	4,1	0,04	0,06	0,08	0,1	0,08	0,04	0,02	0,04	0,1	0,5	

масига юклатилган. Туман ҳудудида жойлашган касб-хунар коллежларининг ихтисослашуви, улардаги ўқувчилар қамрови, битирувчиларнинг ишга жойлашиш масалалари ўрганиб чиқилди.

Бугунги кунда тумандаги 11та коллежда ўн беш минг нафарга яқин чуствлик ўғил-қизлар билим олиб, олтмишдан зиёд йўналишларда касб-хунар сирларини ўрганмоқдалар. Бунинг натижасида барча таълим муассасалари ўқувчиларнинг билим олишлари ва хунар ўрганишлари учун зарур бўлган қулайликлар ва имкониятлар билан кенг қамровли тарзда таъминланган. Ўқув жараёни яхши йўлга қўйилганлиги сабабли туман ёшлари ҳисобланган йигит ва қизларининг қарийиб юзга яқини ҳар йили тумандаги КХК ларини тамомлаб, республикамизнинг турли олий ўқув юртларига ўқишга кирмоқдалар. Чуствлик ёшлар бундай ютуқларга эришишини вилоятдаги 3 та олий ўқув юртлари ичида ўз илмий салоҳияти, педагогик кадрлари ҳамда иқтидорли талабалари билан алоҳида ўрин эгалловчи Наманган давлат университети мисолида кўришимиз мумкин.

Тумандаги ҳар-бир коллеж қошида талабаларнинг қизиқиш ва интилишларидан келиб чиқиб миллий хунармандчилик, тикувчилик, қадимий тўқимачилик, косибчилик, қандолатчилик, пазандалик, аёллар ва эркеклар сартарошлиги, дурадгорлик, иссиқхона, парандачилик, чорвачилик, асаларичилик, боғдорчилик, қўзиқорин етиштириш, фитобар, тил ўрганиш, нотиклик санъати каби йигирмадан зиёд йўналишда тўғарақлар ташкил этилган. Бугунги кунда ушбу тўғарақларга ўнг мингдан зиёд ўғил-қизлар ёки жами коллеж талабаларининг 70 фоизга яқини жалб этилган. Интелектуал ва хунармандчилик тўғарақлари билан бир қаторда ташкил этилган ёрдачи хўжалиқлар ёшларга амалиёт ўчоғи, тадбиркорлик, хўжалик ишларини юритиш ишларини ўрганиш, табиат, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини асраб авайлаш бўйича ўзига хос мактаб бўлиши билан биргаликда билим

юртлари учун қўшимча даромад манбаи бўлиб ҳам хизмат қилмоқда.

Жумладан, олис Варзик қишлоғида жойлашган Чуст Ижтимоий-иқтисодий ва сервис касб-ҳунар коллежида талабалар яратган иссиқхонада етиштирилган помидор ва бодрингнинг биринчи ҳосилидан беш юз минглик сўмдан зиёд даромад олинди. Бундан ташқари, 20 туп лимон дарахти парвариш қилинмоқда. Тарвузлар тувакчада ундирилиб, кейин томорқага кўчириб етиштирилди. Коллеж ҳовлисining этагидаги қўрада икки бош новвос, тўртта зотдор қўй, юзга яқин товуқ парваришланмоқда. Талаба ёшлар коллеждаги бундай саъй-ҳаракатларни ўз уйларида ҳам қўллашмоқда, натижада Варзик аҳоли пунктидаги хонадонларнинг 80 тасида мўъжазгина иссиқхоналар ташкил этилди. Туман ҳокимлиги ва прокуратураси ташаббуси билан яқинда тумандаги барча коллежларда «Ҳамфикр тежамкорлар», «Комил инсон тарбияси» ва «Касбим-фахрим» деб номланган янги тўғарақлар ҳам ташкил этилди. Оила ва коллеж ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида асос солинган мазкур тўғарақларда ҳаёт ва фаолияти ибратли ота-оналар, маҳалла фаоллари, турли касб соҳиблари ва мутахассислар иштирокида ёшларнинг иқтисодий саводхонлигини оширишмоқда. Мамлакатимизнинг табиий бойликларини асраб авайлаш, тежамкорлик, соғлом турмуш тарзини ривожлантириш, касбга йўналтириш сингари тарбиявий ва амалий аҳамиятга эга машғулотлар йўлга қўйилди.

Президентимизнинг «Юксак маънавият - енгилмас куч» асарида келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилиши, эртанги кунимиз қандай бўлиши бугун ёшларнинг қандай таълим-тарбия олишига боғлиқлиги таъкидланар экан: «... Истиқлол даврида барпо этилган, барча шарт-шароитларга эга бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўқув юртларида таҳсил олаётган, замонавий касб-ҳунар, илм-маърифат сирларини ўрганаётган, ҳозирданоқ икки-уч тилда бемалол гаплаша оладиган минг-

минглаб ўқувчилар, катта ҳаётга кириб келаётган, ўз истеъдоди ва салоҳиятини ёрқин намоен этаётган ёш кадрларимиз мисолида ана шундай орзу интилишларимиз бугуннинг ўзида ўз ҳосилини бераётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз», - дея ғурур билан эътироф этилади.

Туман ҳудудидаги 11 та КХҚда ишга жойлашиш кўрсаткичи бир хил бўлмай, ўзаро фарқланадилар. Жумладан, бу соҳадаги ижобий натижалар Мустақиллик маиший-хизмат кўрсатиш КХҚ (69,5 фоиз), Чуст Саноат, транспорт ва алоқа КХҚ (66,7 фоиз) ва Баймоқ агроиктисодиёт КХҚларда (58,9 фоиз) қайд этилди. Айниқса, мазкур билим масканларининг «Ўсимликшунослик бўйича фермер хўжаликлари ташкил этиш», «Тикувчилик», «ЭХМ», «қишлоқ хўжалик машина ва жиҳозларини ишлатиш ва техник хизмат кўрсатиш», «Бухгалтерия ҳисоби», «Автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш» йўналишларини тамомлаган ёшларнинг жуда кўпчилиги ўз ихтисосликлари бўйича ишга жойлашганлар.

Ўз ихтисослигидан бошқа соҳаларда ишлаётган ёшларнинг асосий қисми Чуст Тиббиёт коллежи (65,3фоиз), Чуст Спорт коллежи (63,7фоиз) ва Педагогика коллежи (52,5фоиз) битирувчиларидир. Мазкур ўқув юртларини тамомлаб, эгаллаган касблари бўйича ишга жойлашганлар жами битирувчилар сонига нисбатан мос равишда 16,7; 11,9 ва 28,6 фоизни ташкил этгани ҳолда, улар орасида ишсизлик даражаси тегишлича 16,2; 22,3 ва 17,7 фоизга тенг бўлган.

Бугун нафақат Чуст тумани коллежларида, қолаверса, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимизнинг чексиз ғамхўрликларига жавобан баркамол авлодни ана шу эътирофга муносиб тарбиялашга ҳозирда жуда катта эътибор қаратилган. Бу наманганлик ёшларнинг фан, спорт, санъат ва бошқа йўналишларда эришаётган ютуқлари мисолида ҳам ўз аксини топмоқда.



Ўзбекистон Халқ шоири
Муҳаммадшариф Эгамберди
ўгли Сўфизода 1869 йилнинг 29
январида пичоқчи-ҳунарманд
оиласида тугилди. У ёшлигида-
ноқ хат саводни эрта ўргангач,
Бедил, Навоий, Муқимий ва
Фурқатлар ижодини чуқур ўрганди.
Муҳаммадшариф Сўфизода
А.Авлоний, А.Қодирий, С.Айний
ва Ҳамзалар билан бир сафда
бўлган, миллий маданият ва
адабиётни юксак поғоналарга
кўтарган ватанпарвар шоирдир.



Истироҳат боғидаги зиёратгоҳ.



Пичоқчи ҳунарманд усталар



Хунарманд уста - Азимжон Убайдуллаев.



«Uz-daewoo» автомобилларига эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.



«Styleteks» қўшма корхонасининг моҳир тикувчилари.



Тошқўрғон ҚВП паспорти

Вилоят Наманган туман Чуст.

ҚВП номи Тошқўрғон.

ҚВП категорияси III.

ҚВП қабул қилиш қуввати 50 қатнов.

Хизмат кўрсатадиган аҳоли пунктлари Машхад МФЙ, Тошқўрғон МФЙ.

ҚВПнинг уртача хизмат кўрсатиш радиуси 4,1 км энг ками 0,2 км, энг кўпи 8 км.

ҚВП бундосининг ҳолати Мослаштирилган



Тошқўрғон ҚВПсининг паспорти.



Мураббий ва ёш теннисчи қизлар.



Спорт - келажак авлодларимиз қўлида.



Ўқитувчи А. Тошпўлатов ўқувчилар билан лаборатория машғулотида.



Таъриба - ижод мактаби.



14-мактабдаги намунали компьютар хонаси.



Туманда намунали лойиҳа асосида қурилган уйлар.



Келажак авлодлар истиқомат қиладиган маскан.

III БЎЛИМ

ЧУСТ ТУМАНИДА МОДДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОҚЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Қишлоқ хўжалиги-туман иқтисодиётининг асосий тармоғидир. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши туман иқтисодиётида етакчи роль ўйнайди. Ривожланишдаги ижобий ҳолатлардан бири сифатида шуни таъкидлаш жоизки, иқтисодиёт секторлари ва тармоқлари маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми таркибида мазкур соҳа салмоғи кейинги йилларда изчил камайиб бормоқда. Хусусан, бу кўрсаткич 2000 йилда 50 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб 43,7 фоизга тушиб қолди. 2011 йилда Чуст тумани ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 138,4 млрд. сўм бўлиб, жами Наманган вилояти кўрсаткичига нисбатан 10,0 фоизни ташкил этади. Бу эса 2000 йилга нисбатан анча паст (18,1 фоиз), демакдир. 2011 йилда туманда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2000 йилга нисбатан, таққослама баҳоларда 163,0 фоизга ўсди.

Чуст туманида ҳудуднинг ўзлаштирилиши ва аҳоли зичлигининг қишлоқ хўжалик иқтисослашувига таъсири вилоятнинг бошқа маъмурий-ҳудудий бирликларига қиёсий ҳолда ўрганилди.

Юқоридаги маълумотларидан кўриниб турибдики, асосан тоғ, адир ва чўл ҳудудларидаги катта майдонларни эгаллаган туманлар деҳқончилик қилиш учун ноқулай ва шу боис уларнинг ўзлаштирилиш даражаси паст. Таъкиқот жараёнида асосий эътибор Чуст туманидаги ҳолатга ва унинг вилоят маъмурий-ҳудудий бирликлари орасида тутган ўрнига қаратилди. Туман майдонининг катталиги бўйича вилоятда Поп туманидан кейинги иккинчи, ҳудуднинг ўзлаштирилиш коэффициенти бўйича эса мос ҳолда охиридан иккинчи ўринни эгаллайди. Чуст тумани ҳудуди 937 км² га тенг, Наманган вилояти ҳудудининг 12,6 фоизини, тумандаги жами экин майдонларининг эса 11,2 фоизини ташкил этади. Тумандаги суғориладиган экин майдонлари 33373 га бўлиб, у туманнинг умумий ер майдонини 36,3 фоизини ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалик экинлари турлари ҳақида МАЪЛУМОТ

Кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил	2009 йил
Жами экин майдони, га	21649	21628	21655
Шу жумладан:			
Дон	10771	10770	11649
Пاختа	9730	9600	8653
Картошка	77	60	70
Сабзавот	169	14	250
Польза	27	5	23
Ем-гашак	961	1123	1010
Мевалар	3185	3185	3055
Узум	1345	1354	1356
Ялпи маҳсулот, тонна			
Жамидон	44422	47186	47559
Пاختа	21060	16001	15689
Картошка	1090	1113	1271
Сабзавот	3203	5799	7000
Польза	395	465	558
Мева	6962	7367	7715
Узум	3599	3692	3702
Ҳосилдорлик ц/га			
Дон	41,2	43,5	44,0
Пاختа	21,6	16,7	18,0
Картошка	141,6	185	162,0
Сабзавот	189,5	234	238,0
Польза	242,6	267	222,0
Мева	8,4	23,1	25,2
Узум	22,6	23,3	26,0

Наманган вилояти иқтисодиётидаги айрим муаммоларни бартараф этиш юзасидан вилоятимизда самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавзасида қишлоқ хўжалиги экинлари вегетацияси даврида сув тақчиллиги муаммосини юмшатиш ва ҳавзадаги сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда сув заҳираларини барпо қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 25 январда Наманган вилояти Чуст тумани

худудда Кенгкўлсой ва Резаксой сув омборлари қурилиши тўғрисида махсус қарор қабул қилди.⁷

Резаксой сув омбори қурама тоғ тизмасидан оқиб келадиган Резаксой дарёси воҳасида жойлашган бўлиб, дарё шимолдан жанубга томон пасайиб боради, ғарб ва шарқда баландлиги 100-150 метр бўлган адирлар билан ўралган. Бу ҳудуднинг қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланадиган ер майдонлари асоси адирлар оралиғидати кичик боғлар, узумзор ва ҳайдаладиган ерлардан иборат. Резаксой Шимолий Фарғонадаги кичик дарёлардан ҳисобланиб, 3700 метр баландликдаги Қирғизистон ҳудудда жойлашган Кучала тизмасидан бошланиб, асосан ёз мавсумида Какликқўрғон ва Резак қишлоқлари ўртасида қуриб қолиши кузатилади.

Резаксой дарёси суви оқими билан Резаксой сув омборини сув билан тўлғазиш имконияти мутлақо йўқ. Резаксой сув омбори сув захирасини бунёд этиш учун Тўхтағул сув омборидан қиш мавсумида қўйиб юбориладиган сувларни Шимолий Фарғона ва Катта Наманган каналларидан насослар ёрдамида сувни юқорига чиқдириб беришни назарда тутувчи лойиҳаси амалга оширилди.

Резаксой сув омборининг биринчи навбат варианты лойиҳа бўйича 660,0 млн м³ сув сифимига мўлжалланган бўлиб, тўғон баландлиги 660,0, узунлиги 5560 метр. Бунга эришиш учун 61967 минг м³ ер ишларини амалга ошириш кўзда тутилади. Резаксой сув омборининг биринчи навбат қурилиши 2004 йидан бошланди ва икки босқичда амалга оширилади. Тўғоннинг биринчи босқич баландлиги 48 метр, тўғри узунлиги 1528 метр бўлади. Биринчи босқичдаги сифими 50 млн. м³ ни ташкил қилади. Сув омборининг биринчи босқичдаги қурилишига республика бюджетидан 23 млрд. сўм маблағ ажратилган. 2006 йил ноябрь ойида фойдаланишга топширилди. Сув омбори қурилиши бошлангандан буён 2196 минг м³ тупроқ ишлари амалга оширилди ва 2358 минг м³ шағал ташилиб, 8 минг м³ бетон қўйилди.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Кафолатланган сув таъминотини яхшилаш ва Сирдарёнинг мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида 46-сонли қарор. 2003. 25 январ. (махсус қарор).

Сув омборини сув билан асосан Шимолий Фарғона ва Катта Наманган каналларидан қиш ойларида максимал фойдаланиш ҳисобига тўлдириш кўзда тутилади. Мавжуд тўпланган сув захираларидан Наманган вилоятининг Чуст, Тўрақўрғон ва Поп туманлари, шунингдек, Тожикистон Республикасининг Ашт тумани қишлоқ хўжалиги корхоналари фойдаланишлари мумкин.

Резаксой сув омборини сув билан тўлдиришнинг асосий манбаи ҳисобланган Катта Наманган магистрал канали 3-5 км. оралиқда Шимолий Фарғона канали билан паралел ўтган. Каналнинг умумий узунлиги 123,8 км. бўлиб, бунинг 14 километри Қирғизистон Республикаси ҳудудидадир.

Катта Наманган каналининг биринчи навбат узунлиги 62,4 км. бўлиб, сув ўтказиш қуввати 40 м³/сек. дан 61 м³/сек.гача. Каналнинг 1 ва 2 навбатлари ўртасида 1983 йилда қурилган «Наманган» насос станцияси (71,6 м. баландликка 42 м³/сек. қувватда сувни кўтариб беради) жойлашган. Катта Наманган канали иккинчи навбат узунлиги 61,4 км., жумладан, «Наманган» насос станциясидан Кенгқўлсой сув омборигача бўлган каналнинг узунлиги 32,6 км. бўлиб, сув ўтказиш қуввати 33,4 м³/сек. дан 40 м³/сек.гача. Кенгқўл сув омборидан Резаксойгача бўлган 14,6 км. каналнинг сув ўтказиш қуввати 23 м³/сек. дан 33,4 м³/сек.гача.

Кенгқўлсой сув омборининг биринчи навбат қурилиши 55 млн. м³ сувга ва лойиҳа қуввати 190 млн. м³ сувга мўлжалланган.

Шимолий Фарғона Канали(ШФК)нинг Учқўрғон гидроузелидан Резаксойга қадар узунлиги 80 км., канал бошида сув ўтказиш қобилияти 101 м³/сек. бўлса, Резаксой сув омборига сув тортувчи қисмида 40 м³/сек. ШФКдан Резаксой сув омборига қадар сув тортувчи машина каналининг сув ўтказиш қобилияти 40 м³/сек. бўлиб, каналнинг узунлиги 1,78-1,2 км. ва баландлиги 83-95 м.дан иборат.

Резаксой сув омборини сув билан тўлдиришнинг иккинчи манбаи ҳисобланган Катта Наманган Канали(КНК) дюкер орқали тўғри Резаксой ўзанига қуйилади ва насос станцияси қурмай 200-250 млн. м³ сув тўплаш имконини беради. Резаксой сув омбори ШФК ва Сирдарё сув берувчи каналининг сув ўтказиш қуввати 40 м³/сек.

Кўриниб турибдики, Норин-Сирдарё ирригация тизимида кафолатланган сув таъминоти кўпинча сув режими-ни тартибга солувчи сув омборлари қуришни тақозо қилмоқда. КНК охирида барпо этилаётган Резаксой ва Кенгкўлсой сув омборлари 850 млн. м³ сувни қишлоқ хўжалиги экинларининг айна суғориш мавсумида бир маромда етказиб бериш имкониятини беради.

Айни вақтда, КНК, ШФК ва Резаксой сув омбори сувларидан самарали фойдаланиш мақсадида сув ресурсларини тартиблашнинг мутлақо янги схемасини ишлаб чиқиш зарурияти ҳам юзага келди. Наманган вилоятида дарё оқимини тартиблаш, тақсимлаш ва самарали фойдаланиш учун КНК ва ШФК минтақасида сув хўжалиги баланси асосида ягона сув хўжалиги тизимини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Умуман, яқин истиқболда Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавзасида сув хўжалиги мажмуасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари:

- ШФК ва КНКнинг суғориш имкониятларини кенгайтириш мақсадида қурилаётган сув омборларини (Резаксой, Кенгкўлсой) лойиҳа қувватларида сув билан тўлдириш;

- Қиш ойларида йиғилган сув заҳираларидан қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун вегетация даврларида самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;

- ШФК ва КНК тизимида қишки оқимни йўлга қўйиш ва фойдаланишда юқори самарадорлик даражасига эришиш (таъмирлаш)ни назарда тутати.

Жумладан, Чуст туманида ҳам жами суғориладиган экин ер майдонлари 33373 гектарни ташкил этиб, шундан давлат балансидаги 22 та насос станциялари орқали 13474га (жами суғориладиган экин майдонларининг 40,3 фоизи), 31 та фермерлар балансидаги ички насос станцияларида 2536 га. (7,5 фоиз), артезиан қудуқлари (тик қудуқлар) орқали 2263 га. (6,7фоиз) экин майдонлари суғорилади. Туман бўйича жами 18273 га. ер майдонлари сунъий равишда суғорилиб, улар жами суғориладиган экин майдонларининг 54,7 фоизини ташкил этади.

Худудда сунъий равишда суғориладиган ер майдонлари асосан 3 та баланслик минтақалари бўйлаб суғорилади:

1. Тошлоқ ерлар.
2. Дашт ерлар.
3. Текисликда жойлашган ер майдонлари.

Бу ҳудудларда етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархи канал, сув омбори, сой, ариқ ва закан-зовур сувларидан суғориладиган экинлар ва етиштириладиган маҳсулотлар таннархига нисбатан юқори. Сув истеъмоли бўйича пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари ўртасида ҳам тафовутлар мавжуд. Агар 1 га. пахта учун 1200 м/куб сув керак бўлса, ғаллани бир марта суғориш учун эса 1000 м/куб сув лозим бўлади.



Баймоқ ҳудудидаги насос станциясининг ҳозирги кўриниши.

Чуст тумани табиий географик ўрни жиҳатидан адир минтақасида жойлашгани сабабли, туман ҳудудидаги суғориладиган экин майдонлари 3 гуруҳга бўлинади:

1. **Тошлоқ ерлар.** Бундай ерлар суғориш манбасига қараб, ўз навбатида яна 3 қисмга бўлинади. **А) Артезиан** - 120 м/куб соатига сув берса (соатига 320 кв. энергия сарф қилади - амалдаги нархда) 1 га. ерни 1 марта суғориш учун фақатгина электр энергиясига 29120 сўм маблағ сарфланади. Бундай усулда вегетация даври мобайнида тошлоқ ер майдонларида етиштириладиган 1 га. пахта 8-10 марта

суғорилади. Худди шундай ҳолат 1 га. ғаллани бир марта суғориш учун 1000 м/куб (масалан, 267 кв. х 91 сўм қ 24297 сўм) сув зарурлигини ҳисобга олсак, мос равишда 8 марта суғориш учун 194133 сўм, 10 мартада эса 242666 сўм маблағ сарфланади.

Б) Ички (фермерлар балансидаги) насослар секунди-га 50 м/куб сув берса, соатига (75 кв. энергия амалдаги нарҳда 91 сўмдан) 180000 м/куб сувни ташлаб беради. Шу аснода 1 га. пахта учун 1200 м/куб, ғаллани бир марта суғоришга 1000 м/куб сув керак бўлса, унинг энергия харажати вегетация давридаги 8-10 марта суғорилишига қараб арифметик ҳисоб-китобга эришиш қийин эмас.

2. Дашт ерларни суғориш усули ва унга сарфланадиган харажатлар юқорида қайд этилганидек, *артезиан - тик қудуқлар* мисолидаги каби бўлади.

3. Текисликдаги ерларда экин майдонларини суғориш ва уларга кетадиган сарф-харажатлар турлича. Фаолият юритаётган 22 та насос станцияларида турли қувватга эга 78 та агрегат мавжуд. Чуст тумани сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ) маълумотларига кўра, уларнинг умумий қиймати 3492,1 млн. сўмни ташкил этади. Тумандаги жами суғориладиган майдонларнинг (33373 га.) 39,3 фоизи насос станциялари ёрдамида суғорилади. Тумандаги 22 та насос станциялари вегетация даврида 110 м³ ҳажмдаги сувни адир ҳудудларига етказиб беради. Таъкидлаш жоизки, Резаксой-1, 2, 3, Тепақўрғон-1, 2 3, Садача ва Зарафшон насос станциялари сувни муайян баландликка кўтариб, бир-бирларига етказиб берадилар ва улар ўзига хос ягона тизимни ташкил қилади. Айнан мана шу тизим таркибига кирувчи 8 та насос станцияси ҳисобига жами насос станциялари орқали суғориладиган ерларнинг 78 фоизи, юқорига чиқариб бериладиган сув миқдорининг 78 фоизи ҳамда ишлаётган агрегатларнинг 52,6 фоизи тўғри келади. Чуст туманида етиштириладиган жами ғалланинг 38,1, пахтанинг 44,3, боғ ва токзорларнинг 49,8 фоизи насос станциялари ёрдамида суғорилади. Туман бўйича 22 та давлат балансидаги насослар учун вегетация даврида соатига 3212000 сўмлик электр энергияси сарфланади. Туманда қишлоқ хўжалик экин майдонларининг 2536 гектари ёки жами экин

майдонларининг 7,6 фоизи ички насослар ёрдамида суғорилади. Таъкидлаш жоизки, ички насослар ёрдамида суғориладиган экин майдонларининг асосий қисми давлат буюртмаси орқали экин турлари, пахта (45,6 фоиз) ва галла (49,5фоиз) ҳиссасига тўғри келади. Аграр соҳада амалга оширилган ислохотлар натижасида мулкчилик шаклларига кўра хўжалик субъектлари таркибида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари фермер ва деҳқон хўжаликлари етиштирилмоқда (99,3фоиз). 2000-2008 йилларда фермер хўжаликлари сони 520 тадан 1921 тага етди ёки 3,7 марта ортди. Шу давр ичида фермер хўжаликлари ихтиёридаги экин майдонлари 4030 гектардан 33900 га ёки 8,4 марта кўпайди. Туманда қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган экин ерларининг 52,8 фоизи фермерлар ихтиёрида.

2010-2011 йилларда Чуст туманида асосий қишлоқ хўжалик кўрсаткичларининг ўсиш динамикаси



Қишлоқ хўжалиги экинларининг деярли барча турлари етиштирилади. Яқин йилларга қадар муайян қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш бўйича ўзига хос ҳудудий

тафовутлар унчалик кўзга ташланмасди. Бироқ аграр соҳада бозор муносабатларининг чуқурлашуви, товар ишлаб чиқарувчилар айнан бозор учун ишлаётганликларининг тобора кўпроқ идрок қилишлари туфайли бу жараёнлар яққолроқ намоён бўлмоқда. Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги пайтда минтақада қишлоқ хўжалиги ҳудудий ихтисослашувининг шаклланиш жараёни рўй бермоқда.

Фарғона водийсининг бошқа ҳудудларидаги каби Чуст туманидаги қишлоқ аҳоли пунктларининг айримларида қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда ҳудудий ихтисослашувни кўришимиз мумкин. Жумладан, туманнинг қадимий қишлоқлари сирасидаги Баймоқ аҳоли пунктида азалдан сабзавотчилик, яъни сабзи маҳсулотини етиштириш ва уни харидорларга етказиш, нафақат туман деҳқон бозорида, қолаверса, вилоятимизнинг бир неча туман бозорларида (Тўрақўрғон тумани Шаҳан қишлоғи) ўзининг харидорларига эга. Ҳозирги кунда Баймоқда етиштирилаётган бу маҳсулотни етиштириш билан биргаликда уни қайта ишлаш учун имкониятлар яратишни қишлоқ тадбиркорлари ўз олдига мақсад қилиб қўйишган. Бунинг учун албатта чет эл инвестицияларидан фойдаланиб, ҳудудга янги кичик сабзи маҳсулотини қайта ишлашга мўлжалланган технологияларни олиб кириш зарур. Чунки сабзи шарбати тиббиёт соҳасида қўлланилиб, Республика аҳолисига саломатликни тиклаш ва бир неча касаликларни олишга тавсия этилмоқда. Сабзи шарбати таркибида калий, калций, кобальт ва В витамини мавжуд. Шунинг учун ҳам сабзи шарбатини болалар ва иммунитетни паст бўлганлар, терисида ўзига хос муаммоси борларга ичиш фойдалироқ бўлади. Сабзи шарбатидаги бетакаротин кўз учун жуда фойдали. Бу шарбатни бирор ёғли таомдан кейин ичиш жуда фойдалидир. Бундай пайтларда ҳаммасидан кераклиси ўсимлик ёғи қўшилган турли хил салатлардир. Лекин сабзи шарбатини хаддан ташқари кўп ичмаслик лозим. Меъеридан ортиқча истеъмол қилиш жигарга салбий таъсир кўрсатиб, инсон рангини сариқ тусга киритиши мумкин. Бир кунда ярим стакан сабзи шарбатини 2-3 марта истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ.

Сабзи шарбати мазали таъмга эга бўлиши учун бир қошиқ сут, қаймоқ ёки бошқа шарбатлардан қўшишингиз мумкин.

- У ишгаҳани очади, овқат ҳазм қилиш, кўриш қобилиятини яхшилайдди, тишларни, асаб тизимини мустаҳкам қилади, иммунитетни оширади, инфекцияга қарши антиоксидант ҳисобланади.

Сабзи маҳсулотини етиштириш туман ҳудудининг барчасида ҳам бир хил даражада эмас. Хусусан, туманнинг айрим қишлоқ аҳоли пунктларида ҳудудий ихтисослашув яққол намоён бўлса, бошқаларида унчалик сезилмайди. Жумладан, Баймоқ қишлоғи аҳолининг асосий машғулот турларидан бири - сабзи етиштириш ҳисобланади. қишлоқдаги 600 га яқин хонадоннинг ҳар бири йилига камида 2 тоннадан сабзи ҳосили йиғиштириб олишини ҳисобга олсак, Баймоқ қишлоғи бўйича бу кўрсаткич 1000 тоннадан ортади. Сабзи уруғининг анчагина қисми иккиламчи экин сифатида буғдой ҳосили ўриб-йиғиб олингандан кейин, бўшаган майдонларга экилади. Ихтисослашувнинг чуқурлашиб бориши, биринчидан, муайян экин турини етиштириш бўйича агротехника усулларни мукамал билиш ҳамда уни авлоддан-авлодга қолдириш ва мунтазам такомиллаштириш имконини беради; иккинчидан, ҳудуднинг муайян экин тури етиштиришга ихтисослашганлиги ҳақидаги ахборот бозорда харидорлар орасида ҳам кенг тарқалади. Бу нарса харидорлар онгида айнан ўша ҳудуд



маҳсулоти бошқаларникидан афзалроқ, деган фикрни туғдиради. Баайни, ҳудуд тадбиркорларининг бозорда етакчи мавқеи эгаллашларини таъминлайди.

Умуман, экин турларига ихтисослашувнинг чуқурлашуви табиий-иқлим шароити ва бозор омили натижасида рўй беради. Нима учун айнан Баймоқ ҳудудида сабзи кўп етиштирилади, деган саволга улар, қишлоқдаги қизил тупроқ таъсири катта, деб изоҳлайдилар.

Тадқиқот жараёнида вилоятда сабзи етиштиришга ихтисослашган бошқа аҳоли пунктлари ҳам мавжудлиги аниқланди. Характерли жиҳатларидан бири шундаки, агар Баймоқда асосан сариқ сабзи экилса, Наманган туманининг Ғалча қишлоғида кўпроқ қизил сабзи етиштирилади.

Табиийки, баъзи йиллари бозорда сабзининг нархи кескин тушиб кетади. Бундай пайтларда баймоқликлар сабзини қайнатиб, ҳўкизларни семиртириш мақсадида фойдаланадилар. Бошқача айтганда, у чорвачиликни ривожлантиришга ҳам ижобий таъсирини кўрсатади.

Ҳозирги пайтда Баймоқда сабзи етиштириш билан биргаликда қишлоқ тадбиркорлари томонидан уни қайта ишлаш имкониятлари ҳам ўрганилмоқда. Бунинг учун чет эл инвестицияларидан фойдаланиб, ҳудудга янги кичик сабзи маҳсулотини қайта ишлашга мўлжалланган технологияларни олиб кириш зарур.

Ғова қишлоғи тоғ ҳудудда жойлашган бўлиб, кўпчилик хонадонлар ўз ҳовлилари атрофини ўрашда тераклардан фойдаланишади. Дарахт кесиб олингандан кейин, илди-зидан ўсиб чиққан кўчат яна ривожланади. Бу ҳолат 3 мартагача давом этади (бундан кейин илдиз айнийди). қишлоқ иқтисодиётига унинг рекреацион салоҳияти ижобий таъсир кўрсатади.

Ўтган асрнинг 60-70 йилларида Наманган вилоятининг Поп ва Чуст туманлари ўзининг сержун зотли эчкилари билан машҳур бўлган. Уларни Ўзбекистон Чорвачилик илмий-тадқиқот институти олимлари маҳаллий чўпонлар билан ҳамкорликда етиштирганлар. Бу зот М.Ф.Иванов методи асосида ангор эчкиси билан жайдари эчкиларни чатиштириш натижасида етиштирилган. Сержун зотли эчкилардан (ҳар бир серкадан 4-6 кг., урғочи эчкидан эса 3-5 кг.) узунлиги 15-18 см. жун олинади.

Ҳозирги пайтда эчкичилик билан туман шимолидаги Қорақўрғон, Варзик қишлоқлари аҳолиси шуғулланади. Қорақўрғонлик Нормамат ота Сулаймонов хонадонида 100дан зиёд эчки боқилади. Эчки жунлари асосан Чуст бозорида сотилади. Жуннинг нархи унинг сифатига қараб ўзгариб боради: қора тивитли эчки жун, қора ангор, оқ тивитли, оқ ангор. Агар жун сентябрь-октябрь ойларига қадар сақланса, унинг нархи бир неча марта кўтарилиши мумкин.

Ҳозирги пайтда ММТП (муқобил машина-трактор парклари) нафақат хизмат кўрсатиш муассасаси, шу билан бирга у фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ўзига хос ташкилий тузилма сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда. Чуст туманида 17 та ММТП бор. Улар хизмат кўрсатадиган фермер хўжаликлари ҳудуди собиқ ширкат хўжаликлари чегарасига тўғри келади. Тадқиқот жараёнида Чуст туманидаги мавжуд 1138 та фермер хўжаликлари фаолияти мазкур 17 та ҳудуд кесимида кўришимиз мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, экин майдонларининг асосий қисми (83,1фоиз) пахта-ғаллачилик йўналишидаги фермерлар тасарруфида. Асосан текислик ҳудудларида жами экин майдонлари таркибида пахта, ғалла экинларининг салмоғи катта. Бу соҳадаги энг юқори кўрсаткичлар Чуст (99,1фоиз), Ўзбекистон (96,3фоиз), Каркидон (95,5 фоиз), Баймоқ (93,7фоиз), Машғал (93,2фоиз) ММТП ҳудудларига тегишли. Ўртача битта фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдони туман бўйича 51,2 гектарни ташкил этади. Бу соҳада ҳудудлар бўйича ўзаро фарқлар мавжуд. Хусусан, хўжаликлари энг катта ва энг кичик майдонларни эгаллаган Зарафшон (65,2 га.) ва Ғовасой (31,2 га.) ҳудудлари ўртасидаги тафовут 2 мартадан ошади.

Мева ва узум етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларининг ер майдонлари фермерлар учун ажратилган жами экинзорларнинг 13,2 фоизини ташкил этади. Шунга қарамасдан, фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари орасида боғдорчилик-узумчилик йўналишидаги фермерлар салмоғи юқори (44,6 фоиз). Бу нарса мазкур соҳада ўртача битта фермер хўжалигига ажратилган экин майдони (6,6 га.)нинг нисбатан камлиги билан тавсифланади. Туманда бу соҳадаги чуқур ихтисослашув Ғовасой ва Дамобод ҳудудларида кузатилади. Мазкур ҳудудларда

фаолият кўрсатаётган фермерлар таркибида боғдорчилик-узумчилик йўналишидаги хўжаликлар салмоғи мос равишда 71,0 фоиз ва 87,2 фоизни, жами экин майдонларидаги улуши эса 61,9 фоиз ва 70,0 фоизни ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, ўртача битта фермер хўжалигига тўғри келадиган боғ ва тоқзорлар майдони бўйича фарқлар жуда катта. Бу соҳадаги энг қуйи кўрсаткич Чуст ҳудудига (0,87га), энг юқори кўрсаткич эса Ғовасой (17,9га) ва Дамобод (16,0га) ҳудудларига тегишли.

Сабзавот-полизчилик йўналишида туман бўйича 21 та фермер хўжалиги мавжуд. Улар 31,6 гектар майдонни эгаллайди. Ушбу соҳага ихтисослашган хўжаликлар сони бўйича ҳам, уларнинг эгаллаган майдони бўйича ҳам Олмос қишлоғи жами туман кўрсаткичининг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Бу мазкур ҳудуд сабзавот ва полизчиликка анча чуқур ихтисослашганидан далолат беради. Ваҳоланки, Чуст туманининг табиий-иқлим шароити айниқса, картошкадан мўл ҳосил олиш имконини беради.

Маълумки, қишлоқ хўжалик экинлари ихтисослашуви уларнинг жой рельефига, табиий иқлим шароитига мос ҳолда жойлаштирилиши билан боғлиқ. Ушбу омил ҳисобга олинмаган ҳолларда ҳосилдорлик паст бўлиб, баъзан қилинган меҳнат самараси сезиларсиз даражада бўлиши мумкин. Масалан, туманнинг чекка шимолида, ўртача баландлиги денгиз сатҳидан, 1000 м. баландликда жойлашган «Ғалаба» массивида ғалла (23,0 ц/га) ва пахта (14,7 ц/га) ҳосилдорлиги кўрсаткичлари жуда паст. Ваҳоланки, 2009 йилда туман бўйича бу кўрсаткичлар мос равишда 41,4 ва 23,3 5 ц/га ни ташкил этди. Айниқса, «Солижон Саримсоқов», «Элдорбек Сулаймонов» фермер хўжаликларида пахта ҳосилдорлиги бор-йўғи 5,5 ц/га ни ташкил этган. Қорақўрғон фермер хўжалигида эса ғалла ҳосилдорлиги фақатгина 8,0 ц/га га тенг бўлган. Бизнинг фикримизча, ҳудуднинг агроиқлимий шароитларини ҳисобга олган ҳолда, бу ерда пахта ва донли экинлар экишни чеклаш, унинг ўрнида мевазор боғлар барпо этиш мақсадга мувофиқдир. Айни пайтда, ғалла етиштириш бўйича энг юқори кўрсаткичга эришган фермер хўжаликлари жумласига «Лаъл» (68,3 ц/га.), «Собиржон Мирзалиев» (63,6 ц/га.), «Самижон ота Бойбоев» 62,2 ц/га.), «Турғунхон ота» (61,7 ц/га.), «Шоғофур Абдужалил» (60,6 ц/га.), «Қурбонов

Нозимжон» (60,0 ц/га.) кабиларни киритиш мумкин. Пахта етиштириш бўйича эса «Бобожон ота Хусаинов» (44,2 ц/га.), «Сунбула» (40,7 ц/га.), «Раҳмонжон ота Хусанов» (38,8 ц/га.), «Махмутаи» (38,6 ц/га.), «Жаҳонгир» (37,2 ц/га.), «Жамшид-2» (36,9 ц/га.), «Умурзоқбобо» (36,4 ц/га.), «Қўктош Султони» (36,1 ц/га.) каби фермер хўжаликлари юқори натижаларга эришдилар.

Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таркибида деҳқон хўжаликлари томорқаларида етиштирилган маҳсулот ҳажми салмоқли ўрин эгаллайди. Ушбу соҳа ривожланишига ҳукуматимиз томонидан мунтазам ғамхўрлик қилиб келинмоқда. Деҳқон хўжаликлари учун томорқа ерларнинг ажратилиши, қорамолчиликни ривожлантириш мақсадида микрокредитлар бериш тизимининг йўлга қўйилганлиги, арзонлаштирилган нархларда кимёвий ўғитлар ҳамда чорва озукаси сотиш шохобчаларининг ташкил этилганлиги ва бошқалар шулар жумласидандир. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан Республикамининг барча ҳудудлари каби Чуст туманида ҳам ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, қишлоқ аҳоли пунктида истиқомат қилувчи қўштакларнинг ҳар бири 20 тупдан дарахт экиш ташаббусини ҳудудда оммалаштириб, мевали дарахтзорлар сонинини орттиришга эришилди. Ушбу тадбир ҳам мазкур соҳа ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Маълумки, мамлакатимизда глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш бўйича махсус ҳукумат дастури ишлаб чиқилган. Мазкур дастур доирасида Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 февралдаги 03-10-24 сонли йиғилиш баёнида кўзда тутилган мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, жумладан, Чуст туманида ҳам аҳоли хонадонларида етиштириладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини 30 фоизга кўпайтириш ва нархини 20 фоизга арзонлаштириш бўйича муайян чора-тадбирлар белгиланган.

Бу тадбирни амалга ошириш учун туман ҳокимининг 2010 йил 9 мартдаги 25-ф сонли қарори қабул қилинди ва унга кўра, аҳоли хонадонларида етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳақидаги маълумотлар (ҳар бир экин тури учун ажратилган майдон, мевали дарахтлар ва чорва моллари сони, томорқадан олинадиган даромад)

қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари кесимида рўйхатга олинди.

Таҳлил жараёнида ушбу маълумотлардан батафсил фойдаланишга ҳаракат қилинди. Ҳисоб-китоб натижалари тоғли ҳудудларда томорқа учун ажратилган ер майдонлари текислик ҳудудларга нисбатан бирмунча катта эканлигини кўрсатди. Жумладан, ўртача туман бўйича бир хонадонга тўғри келадиган томорқа майдони 0,09 гектарни ташкил этгани ҳолда, Варзик қишлоғида бу кўрсаткич 0,16 га, Шўрбулоқда 0,17 га, Резаксойда 0,19 гектарга тенг.

Томорқалардан олинадиган даромадларни ўртача 1 гектар майдонга ва ўртача бир хонадонга тўғри келиши бўйича қишлоқ фуқаролик йиғинлари кесимида ўрганиб чиқилди. Таҳлил натижалари ушбу кўрсаткичлар ҳудудлар кесимида анча нотекислигини кўрсатади, яъни, ўртача 1 гектар майдондан олинадиган даромадлар бўйича ҳудудлараро фарқлар 4,1 марта, ўртача бир хонадонга тўғри келадиган даромадлар бўйича фарқлар эса 3,7 мартага тенг.

Аҳолининг шахсий ва дала томорқаларидан самарали фойдаланиш борасида туманда катта имкониятлар бор. Чуст туманида аҳолининг 2,9 минг гектар шахсий ва дала томорқалар экин майдонлари мавжуд бўлиб, бу майдонлардан 8,5 минг тонна дон, 24,6 минг тонна сабзавот, 9,4 минг тонна картошка, 6,7 минг тонна мева, 3,4 минг тонна узум, 2,4 минг тонна полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. 2012 йил йилда мавжуд ерлардан янада самарали фойдаланишни ташкил этиш, 3 мартадан ҳосил олишни жорий этиш ҳисобига 1 га. томорқа экин майдонларидан олинадиган ўртача даромадни қарийб 20-23 млн. сўмга етказиш мумкин. Бунинг ҳисобига аҳолида 61,7 млрд. сўмлик маблағ шаклланади. Агарда олинган ҳосилни ўз эҳтиёжи учун ишлатган тақдирда ҳам, бозорда шу маҳсулотни сотиб олишга сарфланадиган маблағ иқтисод бўлиб, аҳолининг sanoat товарлари харид қилиш ва хизматлардан фойдаланишга имкониятлари кенгайди ва ички талабнинг кучайишига қўшимча туртки беради.

Кейинги йилларда республикамиз ҳукумати томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш асортиментини кенгайтириш, қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини яхшилаш ва даромадларини ошириш мақсадида асараричилик, паррандачилик, балиқчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Туманда асаларичиликнинг ривожланиши. Чуст туманининг табиий-иқлим шароити асаларичиликни ривожлантириш учун ниҳоятда қулай. Шунинг учун кейинги пайтларда мазкур соҳани ривожлантириш учун бўлган эътибор кучайиб бормоқда. Тумандаги барча хўжаликларда ҳозирда 1420 та асалари уялари мавжуд, шундан 1330 таси ёрдамчи хўжаликларда. Тумандаги 21 та хўжалик асаларичилик билан шуғулланади. 2 та фермер хўжалигидаги 90 та уяларда 30 тонна асал маҳсулотлари етиштирилади. Асаларичиликка ихтисослашган хўжаликлар асосан туманининг Фова, Варзик, Баймоқ қишлоқларида жойлашган. Чуст туманининг истиқболли ривожланишида асаларичиликни кенг қўламда ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Табиий географик ўрни жиҳатидан туманининг тоғолди ҳудудларида 800-1000 тагача асалари уяларини ташкил этиш мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири шундаки, асал пайдо бўлишига 12^o-13^oС даража иссиқлик бўлиши керак. Агарда ҳарорат 45^oС ва ундан юқорига кўтарилса, асалнинг сифати ва шифобахшлик хусусияти йўқолади. Шунинг учун асал сифатини яхшилаш мақсадида тоғолди ҳудудларда ва аҳоли пунктларидан узоқроқ жойларда асаларичиликни ривожлантириш тавсия этилади. Бундай ҳудудларда етиштириладиган асаллар **полифёр** асаллари ҳисобланиб, уларнинг таркиби акация, шашир, оққурай, янтоқ, читир, ғўза гуллари ва бошқа ўсимлик гуллари чангидан иборат бўлади ва шифобахшлиги асосан маданийлашган ўсимликлардан тайёрланувчи **монофёр** асаллардан анча фарқ қилади. Туманда асаларичиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. Жумладан, «Ханифабуви» 20 та асалари оиласини боқиш учун 15 млн. маблағ талаб этишини кўрсатган. Шундан 5 млн. ўз маблағлари, 10 млн. сўм Халқ банки кредитлари ҳисобидан. Улар 2012 йил якуни бўйича 0,5 тонна асал етказиб берадилар. Туманда келажақда ҳам Фова, Варзик, Қорақўрғон ва Баймоқ қишлоқларининг юқори қисмларида сифатли асал маҳсулотларини етиштириш мақсадга мувофиқ.

Паррандачилик. Ҳозирги пайтда Чуст туманида паррандачиликка ихтисослашган 3 та фермер хўжалиги мавжуд, шундан 2 таси Фова ва 1 таси Каркидон аҳоли пунктида жойлашган. Фова қишлоғидаги «Қурбон домла»

фермер хўжалиги 2010 йилда товукхона биносини қуриш учун Халқ банкidan 14 млн. сўм миқдорида кредит олиб, 2000 минг бош парранда билан иш бошлаган. Шу ҳудуддаги «Ханифа бува» фермер хўжалигида 3500 бош товуклар парвариш қилинади. Каркидон аҳоли пунктидаги «Улкан Манзур» фермер хўжалигидаги паррандалар сони 2500 тага етди. Бу уч фермер хўжалиги халқимиз бозорига йил мобайнида 217 минг дона тухум етказиб беради. Буларнинг умумий ер майдони 17 га. ни ташкил этади.

Балиқчиликнинг ривожланиши. Бу борада 8та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Баймоқ қишлоғи ва Чуст станциясида 3 тадан, Резаксой қишлоғида эса 2 та фермер хўжалиги мавжуд. Уларнинг ер майдони 20 га. ни ташкил этади. Бу фермерлар тасарруфидаги ҳовузларда асосан балиқнинг сазан, амур, оқ дўнгпешона турлари етиштирилади. 2012 йил ҳолатига маҳсулот етиштириш 25-30 тоннага етди. Туманнинг истиқболли ривожланишида аҳолини балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида Ҳисорак, Резаксой, Чустнон ва Баймоқ ҳудудларида балиқчиликни ривожлантириш ва кўпайтириш мумкин. Чунки, туманнинг ушбу ҳудудлари текислик бўлиб, бу ерларда сув муаммоси деярли йўқ.

Туман саноати ривожланиш даражасини баҳолаш

Мамлакат ёки унинг айрим ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўп жиҳатдан саноат тараққиётига боғлиқ. Зеро, тараққий этган мамлакатлар иқтисодий ривожланиш тарихига назар ташласак, ушбу мамлакатлар айнан саноатни ривожлантириш орқали ҳозирги юксак натижаларга эришганининг гувоҳи бўламиз.

Чуст тумани вилоят маъмурий-ҳудудий бирликлари орасида аҳоли жон бошига нисбатан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 8-, ХИМ ишлаб чиқариш бўйича эса 6-ўринни эгалламоқда. Айнан шу кўрсаткичлар 2008 йил якунлари бўйича ўрганилганда, улар мос равишда 10 ва 9-ўринларни ташкил этганлар. Бу туманда саноат ривожланишининг ўсиш суръатлари ўртача вилоят кўрсаткичига нисбатан анча юқорилиги кўрсатади. Наманган вилояти бўйича саноат маҳсулотлари ва ХИМ ишлаб чиқаришда мос равишда 4,0 ва 4,2 марта ўсиш рўй бергани

холда, Чуст тумани бўйича ушбу кўрсаткичлар тегишлича 5,5 ва 7,4 баробар ортган.

Саноат маҳсулотлари таркибида халқ истеъмоли моллари 2011 йилда Чуст туманида 58,4 фоизни ташкил этди (ўртача вилоят кўрсаткичи - 61,6 фоиз). Ушбу йўналиш бўйича динамик таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, агар 2000-2004 йиллар орасида мунтазам пасайиш рўй берган бўлса, 2004-2011 йиллар мобайнида изчил ўсиш кузатишмоқда.

Тумандаги энг йирик саноат корхонаси - «Чуст пахта толаси» ОАЖ томонидан 2009 йилда 209,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган (туман ялпи саноат маҳсулотларининг 55,3 фоизи), 517 ишчи-хизматчи фаолият кўрсатган (саноатда банд ходимларнинг 43,1 фоизи). Ушбу завод тумандаги дастлабки саноат корхонаси бўлиб, 1936 йили ташкил топган. 2006-2010 йилларда 31,3 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқарилган, шундан 25,1 минг тоннаси, яъни 80 фоиздан кўпроғи экспортга жўнатилган.

Мустақиллик йилларида ривожланаётган экспортчи корхона

Ишлаб чиқарувчиларни қўлаб-қувватлаш, уларга яра-тиб берилаётган кенг имконият ва имтиёзлар ҳамда қулай инвестицион муҳитнинг самараси, айниқса, кичик ва ўрта бизнеснинг жадал ривожланаётганлигида, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлари билан ички ва ташқи бозорга дадил кириб бораётган корхоналар сафи кенгайиб бораётганида яққол ўз ифодасини топмоқда. Мустақиллик биз учун катта имкониятлар эшигини очиб берди. Истиқлол йилларида кўплаб оддий хунармандларимиз тадбиркорга, кичик устахоналаримиз иқтисодий бақувват, рақобатбардош саноат корхоналарига айланди. Бутун ўша Чуст дўпписи, пичоғи атамалари билан ёнма-ён Чуст чинниси, мармари, металлогарантерияси, трикотажи, матбаачилиги каби иборалар ҳам пайдо бўлдики, буларнинг ҳаммаси истиқлолнинг улуғ неъматларидир. Жумладан, Наманган вилоятининг қадимий туманларидан бири ҳисобланган кўҳна ва навқирон Чуст туманида фаолият кўрсатаётган «Styletextile» масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай корхоналар жумласидандир. Замонавий тикувчилик технологияси билан жиҳозланган корхонада трикотаж маҳсулотлари тайёрланади ва маҳ-

сулотнинг салмоқли қисми ташқи бозорга чиқарилмоқда. Бу корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўз навбатида Республикамизнинг ички ва ташқи бозорларга ўзининг трикотаж маҳсулотларини етказиб, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти, Наманган вилояти ҳамда Чуст туманнинг иқтисодиёти ва ривожланишига имкониятлари билан ўз ҳиссасини қўшмоқда. Корхонада тайёрланаётган трикотаж маҳсулотлари ўзининг сифати ва харидоргирлиги билан бошқа ишлаб чиқаришда рақобат бўлиб келаётган саноат корхоналаридан кундан-кунга нуфузи ортиб бормоқда.



Наманган вилоят ҳокими, Олий мажлис сенатори Баҳодир Юсупов «Styletextile» қўшма корхонасининг очилиш маросимида рамзий лентани қирқиб берди.

Чуст шаҳри ҳудудда мустақиллик шарофати билан ўз фаолиятини бошлаган «Styletextile» маъсулияти чекланган жамияти бутунги кунда маҳсулотларининг деярли 90 фоизини экспорт қилмоқда. Яқинда корхона халқаро тендерда қатнашиб, ғолиб чиқди ва зиммасига 2014 йилда Сочи шаҳрида бўлиб ўтадиган олимпиада иштирокчиларига, яъни Олимпиада-2014 иштирокчиси ҳисобланган спортчиларга 3000000 АҚШ долларилик спорт формалари тайёрлаб бериш мажбуриятини олди. Бундай ютуқларга

эришишда, аввало, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва ўз навбатида тадбиркор, саноат корхонасининг раҳбари Дилшод Раҳматуллаевнинг хизматлари катта. Корхонада ўтган йили тўлиқ модернизация ишлари амалга оширилиши натижасида тайёрланаётган маҳсулотларга талаб ортмоқда. Ҳозирга келиб корхонанинг Тошкент, Москва, Киев шаҳарларида катта салоҳиятли буюртмачилар билан шартнома имзолаб келаётган кучли маркетинг гуруҳлари корхонанинг мунтазам ишлаб туриши, ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши табиий. Маҳсулотларга Россия ва Украинада талаб катта бўлмоқда. Дарҳақиқат, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК таркибига кирувчи мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган трикотаж кийим-кечаклар ўзининг сифатлилиги, дизайн нуқтани назаридан замонавийлиги билан тобора харидоргир бўлиб бораётир. Масалан, 2009 йилда «Styleteks» ёрлиғи билан ташқи бозорга чиқарилган маҳсулотлар қиймати 789 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ўтган йилда корхона 2 миллион 523 минг АҚШ доллари қийматига тенг экспорт амалиётини бажарди. Жорий йилда бу кўрсаткич янада юқори бўлишига шубҳа йўқ, чунки 4 ойликнинг ўзидагина экспорт ҳажми 925 300 долларни ташкил этди.

Вазирлар Маҳкамасининг «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида»ги 232-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтган йили жамият томонидан «Барийон» АЖ ҳудудида бўш турган иншоотда 200 миллион сўмлик ҳажмда реконструкция ишлари бажарилди. Янги цех ташкил қилинди ва 300 минг АҚШ доллариллик JUKI тикув дастгоҳлари билан жиҳозланди. Ишчиларнинг малака ва маҳоратларини оширишга алоҳида эътибор қаратилган, натижада ишлаб чиқариш қуввати ошиб, маҳсулот сифати янада яхшиланди. Масалан, 2010 йил мобайнида 2 миллион АҚШ доллариллик маҳсулот четга экспорт қилинган бўлса, жорий йилнинг дастлабки чорагида 1 000 000 долларлик тайёрланаётган экспортбоп маҳсулотларни четга сотишга эришилди.

Экспорт салоҳиятининг ортиб бориши, биринчи навбатда корхонада хизмат қилаётган ишловчиларнинг меҳ-

нат ва маиший шароитларини яхшилаш, манфаатдор-ликларини ошириб бориш имкониятини бермоқда.

Жумладан, санитария талабларига жавоб берадиган замонавий ишлаб чиқариш цеҳи, бир йўла 400 кишига хизмат кўрсатадиган ошхона, интернет тармоғига уланган компьютерлар билан жиҳозланган маъмурият биноси ва бошқалар меҳнат унумдорлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Энг эътиборли жиҳати, корхонада 500 нафарга яқин киши иш билан таъминланган, уларнинг 80 фоизи хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар ташкил этади.

Бундан ташқари, айрим технологик жараёнлар бўйича касаначилик меҳнати асосида ҳам кўпчилик иш билан таъминланмоқда. «Styleteks» масъулияти чекланган жамиятининг муваффақиятли фаолияти туманнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, аҳолининг турмуш фаровонлигини янада яхшиланиб боришида акс этмоқда. Бу корхонада тайёрланаётган маҳсулотларга келажақда безак бериш учун ускуналар ўрнатилади. Бу режаларнинг амалга ошиши натижасида яна 100 та янги иш ўрни яратилади.



Туман ёшлар «JUKI» тикув дастгоҳларида экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашмоқда.

Тумандаги ошиқ-мошиқ маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган корхоналар фаолияти ҳақида

2011 йилдан иш бошлаган ошиқ - мошиқ корхоналари «Чуст металл-сервис», «Миразамов Мирҳафиз», «Файз Пўлат сервис», «Ашон текстил» корхоналарининг барчаси хом ашё, яъни темир листларни Тошкент шаҳридаги «Нур Пўлат» МЧЖ дан олишади.

«Файз Пўлат сервис» корхонасида ишлаб чиқариладиган шкаф ва сервантларга метрлик ошиқ мошиқларни ишлаб чиқармоқда. Корхонанинг асосий харидорлари Фарғона водийси вилоятларига ошиқ-мошиқ маҳсулотларини етказиб, янги харидорларини сонини кўпайтирмоқда. Жумладан, Андижон вилоятидаги мебел усталари ва хунарманд тадбиркорлари билан янги шартномаларни имзоланмоқда.

«Чуст металл сервис», «Миразамов Мирҳафиз» корхоналарида асосан эшик ва дераза ромлари учун ошиқ-мошиқ ишлаб чиқарилади. Бу корхоналардаги ишчиларнинг ойлик иш ҳақининг юқорилиги «Файз Пўлат сервис» корхонасида ишлаб чиқариладиган шкаф ва сервантларга метрлик ошиқ-мошиқлардан бу корхоналардаги маҳсулотларнинг харидорлари кўпроқни ташкил этишида. Шу боис бу уч корхонада ишлаб чиқариш юқорироқ.

Нафақат Наманан вилояти, қолаверса, водий вилоятларида ҳам айнан ошиқ-мошиқ ишлаб чиқарадиган корхоналар йўқлиги аниқланди. Ҳаттоки, Республиканинг бошқа вилоятларида ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган экан. Бу кичик корхоналарнинг келгуси бизнес режаларида ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириб, чет эл технологияларини олиб кириш ва ишчи кучлари сонини кўпайтиришдан иборат. Бунинг учун корхоналар туман ва вилоят банкларидан кредит олиш учун дастлабки ҳужжат ишларини бошлаганлар.

«БТ-2001» МЧЖ. Юртимиз бозорларининг темир буюмлари билан савдо қиладиган расталарида турли ўлчамдаги ошиқ-мошиқлар, эшик, дераза тутқичлари, мебел осмалари ва бошқа кўплаб қурилиш ашёларига кўзингиз тушган, бу буюмларнинг аксарияти Чустлик хунармандлар томонидан тайёрланган. Бугунги кунда туманимизда металлогалянтерия маҳсулотлари ишлаб

чиқарувчи корхоналар 9 тани ташкил қилади. Жумладан, «БТ-2001» МЧЖ. Рустам Шарипов раҳбарлик қилаётган ушбу корхонада турли ҳил ўлчамдаги ошиқ-мошиқ ишлаб чиқармоқда. Хусусий тадбиркор ўз шиори остида бутунги кунда юртимиз учун меҳнат қилмоқда. Унингча, янгиликка интилиб, изланиб яшамаган тадбиркор бутун замондан орқада қолади. Тадбиркор миллий банкдан олган 110 минг АҚШ долларилик кредит эвазига Хитойдан металл сиртини рухлаш ва никеллаш гolvаник тизимини олиб келиб ўрнатди. Бу технология Фарғона водийсида ягоналиги, маҳсулотнинг сифати ва рақобатбардошлиги билан ажралиб туради. Тайёрланаётган тайёр маҳсулотлар нафақат Чуст бозорлари, қолаверса, Республикамизнинг турли вилоятлари ҳамда қўшни Республикаларга экспорт қилинмоқда. Жумладан, тайёр маҳсулотлар Оролбўйи ҳудудлари, Қорақалпоғистон Республикасигача етказиб берилмоқда.

Истиқболли ривожланишдаги корхоналардан яна бири-«Автосаноат пласт». Ушбу корхонада реконструкция ишлари ниҳоясига етмоқда. Мазкур корхона ҳадемай Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган «SPARK» русумли автомобилларига бутловчи қисмларини тайёрлашга киришади. Хитойдан олиб келинаётган умумий қиймати 302 минг АҚШ долларилик асбоб-ускуналар ва мини технологиялар олиб келиниб, мустақиллигимизнинг 22 йиллик тўйига корхона ўзининг биринчи маҳсулотлари билан тўйона сифатида қатнашади. Маҳсулотларини ҳозирги кунда ҳам истеъмолчиларга етказиб бермоқда.

Хўжабод маҳалласида замонавий маросимлар саройи

Хўжабод маҳалласидаги тадбиркор Фахриддин Расулов Юсуфжон ўғли бу кичик ҳудудга «Паризод» деб аталган муҳташам маросимлар саройини бунёд этди. Ўз халқи учун яхши ниятларда иш бошлаган тадбиркорнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда охириги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бу ерда тўй, никоҳ маросимлари, маънавий-маданий тадбирлар, учрашувлар ўтказилиши мумкин. Қуриб битказилган иншоот Расуловлар оиласидан ҳамюртларимизга байрам совғаси бўлади.

Бутунги кунда туманда уч минг нафардан зиёд кичик

бизнес ва ва хусуий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Шу йилнинг тўрт ойи мобайнида улар сафи яна 400 тага кўпайди. Улар томонидан 1 апрель ҳолатига кўра, 1 миллиард 5557.8 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки ҳисса кўп демакдир.

Истиқлолимиз шарофати билан яқинда бир гуруҳ чустлик ҳунарманд ва тадбиркорларимиз Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган халқаро саноат технологияси ярмаркасида иштирок этишди. Хитойлик ҳамкорларимиз билан ўнга яқин фойдали шартномалар имзоланди. Шунга кўра, «Барион» МЧЖда яқин орада қуёшдан иссиқлик энергияси олувчи ускуналар ҳамда «LSD» русумидаги телевизорлар, видеоплейлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шунингдек, янги мебелсозлик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи қўшма корхоналар ҳам фаолият юритила бошлайди.

Туман марказида жойлашган собиқ «Барион» заводи дастлаб 1972 йилда 9 та цехдан иборат Тошкент электро-техника заводининг филиали сифатида ташкил қилинган. Унда телевизор ишлаб чиқаришда қўлланиладиган Д 226 Б, Д ярим ўтказгичлар (диодлар) ишлаб чиқарилган ва ишчи-хизматчилар сони 2500 тага етган. 1986 йилда мазкур филиал базасида «Барион» заводи ташкил этилди. Бу даврга келиб ишчилар сони 3200 кишидан ортиб кетган. 1995 йилда корхона акционерлик жамиятига айлантирилган. 1997 йилда Асака автомобиль заводига 6 турдаги бутловчи қисмларни чиқариш йўлга қўйилди ва ҳозирги кунгача ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирги кунда туман иқтисодиётини ривожлантиришда, ишлаб чиқаришни янги турларини йўлга қўйиш учун бу заводнинг бўш майдонлари, ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи ва малакали мутахассислар мавжуд.

Мамлакатимизнинг фуқаролари қатори, чустликлар ҳам энг улуғ, энг азиз байрам - Истиқлолимизнинг 22 йиллигига қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Туман марказининг Ипак йўли, Наманган кўчалари ёқасида бири-биридан кўркам, қўш қаватли бинолар қад ростламоқда. Мавжуд барча қишлоқ аҳоли манзилгоҳларида ҳам бунёдкорлик ишлари авжида.

«Тошхожаев мактаби» номини олган Чуст босмахонаси

Чуст тадбиркорлари ҳақида сўз борар экан, унинг матбаачилик мактаби ҳақида тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Водийда бу мактабни «Тошхожаев мактаби» ҳам дейишади. Боиси, кўҳна шаҳарнинг ҳурматли зиёлиларидан тажрибали ношир, Шукурхон Тошхожаев раҳбарлигида «Чуст босмахонаси» масъулияти чекланган жамияти фақат туман газетасигина нашр этиладиган кичкина корхонадан замонавий ишлаб чиқариш мажмуасига айланди. Истиқлол йилларида ўз умрини ўтаб бўлган эски маатбаа машиналари замонавий полиграфия ускуналари билан алмаштирилди. Барча жараёнлар компьютерлаштирилди. Бугунги кунда Чуст босмахонасида ўнга яқин газета ва журналлар босилмоқда. Республикамизнинг нашриётлари тамғаси билан бадий, илмий рисоалар нашри ҳам йўлга қўйилди. Нашр этилган китоблар ўз кўриниши, сифати, дизайни билан марказий нашриётларда чиқаётганларидан асло қолишмаслиги эътиборлидир.

Сўнги йилларда яна бир хайрли ишга йўл курилди. Босмохона қошида «Зарб» кичик корхонаси ташкил этилиб, юридик мақомга эга тадбиркорларга, ташкилотларга муҳр ва штамплар шу ернинг ўзида тайёрлаб бериладиган бўлди. Босмахона қошидаги фирма дўконида юзга яқин турдаги матбаа маҳсулотлари билан савдо қилинмоқда. Ҳоҳловчилар ўзларига зарур маҳсулотлар, таклифномалар, ташриф қоғозлари учун шу ернинг ўзида буюртмалар беришмоқда.

Саримсоқтепада чинни буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди

Қадимдан ҳаммамизга маълумки, савдогарлар карвон йўллари орқали савдо-сотиқ ишларини амалга оширишган. Бу даврда дастлабки тадбиркорларимиз қадимий Чин давлатигача бориб, у ерга олиб борилган маҳсулотларни айрибошлаб, дастлабки чинни буюмларни Буюк ипак йўли орқали Ўрта осийга, жумладан, юртимиз ҳудудига олиб киришган. Вақтлар ўтиши натижасида Ўзбекистон замини ҳам азалий орзуси мустақилликка эришгач, дастлабки

йилларданоқ юртбошимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар ва шароитлар очиб берилди. Жумладан, 2011 йил Президентимиз томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар» йили деб эълон қилинди ва бу асосда алоҳида давлат дастури ишлаб чиқилди. Жойларда ҳозирги кунда бунинг амалмий натижаларини кўришимиз мумкин. Хусусан, Кўҳна ва навқирон Чустда ҳам бир қанча ишлар амалага оширилмоқда. Тумандаги аҳоли пунктларидан Саримсоқтепа қишлоғида яшовчи тадбиркорлар Неъматжон Содиқов ва Баҳодир Ҳайдаровлар чинни буюмларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Янги ташкил этилган мўъжаз корхонада кунига 1.54 мингта коса. 350-400 чинни товоқлар ишлаб чиқилиб, ички бозорларда сотилмоқда. Маҳсулот сифати ва унинг чидамлилиги қадимий хитой чинни буюмларидан ҳеч қолишмаслиги харидорлар томонидан эътироф этилмоқда.

«Agromir Chust»

Ўзбекистон-Британия ҳамкорлигида «Европа Тикланиш ва Тараққиёт» банкидан 1714800 АҚШ долларилик кредит олиб, Чуст туманига Италиянинг «Alberto- Bertuzzi» компаниясининг жаҳон талабги мос технологик қурилмаларини 2003 йил март ойида олиб келинди. Чет эл ва маҳаллий етакчи мутахассислар иштирокида қисқа муддат ичида корхонани ишга тушириб, ҳозирги кунгача бу қўшма корхона ўз фаолиятини юритиб келмоқда. Чет эл технологиясини корхонадаги қуввати ўзига хослиги билан ажралиб туради. Жумладан, томат пастасини ишлаб чиқариш учун суткасига 300 тонна помидор, меванинг бир неча турларини қайта ишловчи бу корхонада 200 тонна турли-хил меваларни, мева пюресини тайёрлаш учун 125 тонна меваларни қайта ишлаш қувватига эга. Корхона ривожланиши ва маҳсулотни ишлаб чиқарилиши юқори даражада бўлгани учун «Европа Тикланиш ва Тараққиёт» банкидан олинган кредит 2007 йилгача тўллалигича тўланиб, 2007 йил корхона Германиянинг «Вухтер» компаниясидан нархи 630 минг евролик олмани қайта ишлайдиган ускунани олиб келди. Шу йилнинг ўзида қўшма корхонанинг яна бир цехи ишга тушган.

Туман ҳудудининг марказида жойлашган ушбу қўшма корхона асосан мева ва сабзавотларни қайта ишлашга ихтисослашган бўлиб, йилига 54000 (элик тўрт минг) тонна мева-сабзавотларни қайта ишлаш қувватига эга. Мева ва сабзавотларни етказиб бериш бўйича Наманган, Фарғона, Андижон вилоятларида жойлашган агрофирма, фермер хўжаликлари, хусусий боғлар ва аҳоли билан




Германиянинг «Вухег» компаниясининг олмани қайта ишлаш технологияси.

контракция шартномалари асосида иш олиб боради.

Юртбошимизни олиб бораётган одилона сиёсатлари ва амалга оширилаётган ишларнинг ичида биринчи навбатда ишлаб чиқаришга эътибор қаратилиши республиканинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишини белгилайди. Халқимизнинг азалий орзуси бўлган мустақиллик, юрти- мизда етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш ва уни экспортбop маҳсулотга айлантирилмоқда.

«Agromir Chust» 2010 йилга келиб корхонани янада кенгайтириш мақсадида қиймати 300 минг АҚШ доллара тенг олма концентрантини тозалаш ускунаси келтирилиб, ҳозирги кунда ишга туширилди.



Олма концентратини пишириш технологияси.

«Agromir Chust» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонасида тайёрланаётган экспортбоп маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши натижасида корхонанинг 80 фоиз маҳсулотлари МДҲ давлатларига жумладан, Қозоғистон, Қирғизистон ва Россияга экспорт қилинса, қолган 20 фоизи нафақат туманимиз ички бозорлари, қолаверса, вилоят ва республикаимиз бозорларида харидорларга сифатли, арзонлиги ва рақобатбардошлиги билан вилоятдаги бошқа корхоналар маҳсулотларидан ажралиб туради.

Тадқиқот жараёнида туман ҳудудида жойлашган саноат корхоналари фаолиятидаги самарадорлик кўрсаткичлари ўрганилди. Ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, бу соҳада энг юқори кўрсаткич «Голден Фрут» қўшма корхонаси (ўртача бир ходимга тўғри келадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми - 46,4 млн. сўм), «Ал-Бойс» МЧЖ (23,5 млн. сўм), «Чуст пахта толаси» ОАЖ (23,1 млн. сўм) кабиларда кузатилди.

Чуст туманида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарининг мулк шакллари бўйича таркиби ўрганилди. Натижалар шуни кўрсатадики, миқдоран кам бўлсада

(2та), кўлами бўйича йирик корхоналар ОАЖлар ҳиссасига тўғри келади. Уларда туман саноатида банд ишчи-хизматчиларнинг 45 фоизи, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг эса 69,8 фоизи жамланган. Бу соҳада қўшма корхоналар кўрсаткичлари ҳам анча юқори. Ушбу гуруҳга кирувчи корхоналар туманда 3 та бўлиб, улардаги банд ходимлар сони 23,1 фоизни, ишлаб чиқариш ҳажми эса 22,1 фоизни ташкил этади.

Саноат корхоналарининг мулк шакллари бўйича таркиби*

№	Мулк шакллари	Корхоналар сони	%да	Банд ишчи-хизматчилар сони	%да	Саноат ишлаб чиқариш ҳажми,	%да
1.	Очиқ акционерлик жамият (ОАЖ)	2	9,5	540	45,0	12143,4	69,8
2.	Ёпиқ акционерлик жамият (ЕАЖ)	2	9,5	75	6,3	298,2	1,7
3.	Масъулияти чекланган жамият	9	42,8	271	22,6	1047,8	6,0
4.	Қўшма корхона (ҚК)	3	14,4	277	23,1	3854,9	22,1
5.	Хусусий корхона (ХК)	5	23,8	36	3,0	64,5	0,4
	Жами	21	100,0	1199	100,0	17408,8	100,0

* Чуст тумани статистика бўлими маълумотлари асосида муаллиф ҳисоблаган

Маълумки, мамлакатимиз минтақавий иқтисодий сиёсатида махсус давлат дастурларини қабул қилиш ва амалга ошириш йўли билан иқтисодий ривожланиш даражаси паст бўлган ҳудудларни қўллаб-қувватлаш устувор йўналишлардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш

Дастури тўғрисида»ги 232-сонли қарори Наманган вилояти, жумладан, Чуст тумани саноат ишлаб чиқариши юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур қарорнинг 4-иловасида қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган минерал хомашё конларида амалга оширилаётган ишларга оид бўлиб, унда Чуст туманидаги ғишт ва черепица хомашёси мавжуд бўлган Варзигон ва Карнон конларида бажарилиши режалаштирилган ишлар ҳақида сўз юритилган.

Варзигон кони Чуст шаҳридан 12 км. шимоли-шарқда жойлашган. Унда 2005 йилгача «Наманганвилоятгаз» давлат унитар корхонаси томонидан иш олиб борилган. Ҳозирги кунда «Тўйчи полвон ота» хусусий корхонаси томонидан пишган ғишт маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Заводнинг лойиҳавий қуввати 5 млн. дона. Ишчилар сони 14 та. Ер қатъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун 27 апрель 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитасидан NA 0049/5 рақамли лицензия олинган.

Чуст шаҳридан 7 км. шимоли-ғарбда жойлашган Карнон конида «6-ХМКК» МЧЖга қарашли «Чуст боғишамол ғишт» ШК томонидан пишган ғишт маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси томонидан 1 июль 2010 йилда ер қатъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун NA 0058 F-5 рақамли лицензия олган. Лойиҳавий қуввати йилига 5 млн. дона. Ишчилар сони 32 та.

Шунингдек, ушбу конда «Чуст саховат» МЧЖ томонидан пишган ғишт маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Лойиҳавий қуввати йилига 3 млн. дона. Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси томонидан 11 октябрь 2010 йилда ер қатъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун NA 0070 F-5 рақамли лицензия олган.

5.1-илова Наманган вилоятида хорижий инвестициялар иштирокидаги янги корхоналар ташкил этиш масалаларига бағишланган. Мазкур дастур асосида туманда 2 та, яъни пластик черепица ва озиқ-овқат ачитқиси (дрожжа) ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар ташкил этиш кўзда тутилган.

Биринчи лойиҳанинг муассиси «Голден новвот» МЧЖ бўлиб, уни қуриш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш майдонлари ва инфратузилма объектлари: 0,48 га. умумий майдон, жумладан 0,1 га. бино ва қурилмалар майдони, электроэнергия, газ, сув таъминоти ва канализация мавжуд. Умумий қиймати 100 минг АҚШ доллари бўлган лойиҳа тўлиқ хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилиши режалаштирилган. Ҳукумат қарорига биноан, «Ўзқурилишматериаллари» АҚ, вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси, Чуст тумани ҳокимлиги, «Голден новвот» МЧЖ лойиҳани амалга ошириш учун масъул қилиб белгиланган.

6-иловада Наманган вилоятидаги истиқболли саноат корхоналарини техник жиҳатдан модернизация қилиш ва молиявий соғломлаштиришга оид чора-тадбирлар бажарилиши юзасидан маълумотлар кўрсатилган. Мазкур йўналишда тумандаги 2 та корхона, яъни собиқ «Нодира» фабрикаси ва «Барион» ОАЖ базасида ишларни амалга ошириш белгиланган. Собиқ «Нодира» фабрикаси ҳудудида 4 та корхона («Чуст металл сервис савдо» МЧЖ, «Феруз» МЧЖ, «Чуст Алижон қурилиш сервис» МЧЖ, «Иброҳимжон Аҳмедов» МЧЖ) жойлаштирилиб, уларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

«Чуст металл сервис савдо» МЧЖ бўйича:

- гальваник линия (70,0 минг АҚШ доллари), электроэрозия станогги (30 минг АҚШ доллари), босим остида қуйиш ускунаси (40,0 минг АҚШ доллари), 8 дона пневматик пресс (60,0 минг АҚШ доллари) каби янги ускуналар сотиб олиш, бунинг эвазига ишлаб чиқариш қувватини 40,0 млн. сўмга етказиш ва 20 та янги иш ўринлари яратиш;

- эски ускуналарни янги замонавийларига алмаштириш эвазига ишлаб чиқариш қувватини йилига 100 млн. сўмгача етказиш ва 10 та янги иш ўринларини яратиш;

- янги станоклар сотиб олиш учун Ўзмиллийбанкдан 200,0 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиш режалаштирилган.

Ҳозирги пайтда дастурда белгиланган тадбирлар бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, 5 та янги

қолиплар тайёрланиб, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2 та 63 тонналик пневматик пресс фойдаланиш учун ўрнатилди ва 7 турдаги йўлак плиткалари ва девор плиткалари (брусчатка) маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2011 йил 1 октябр ҳолатига 81,4 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва ишчилар сони 28 нафарга етказилди. Чуст туман Миллий банк томонидан 100 минг АҚШ доллари миқдорига кредит олиш учун техникавий шартлар тузилди ва белгиланган ҳужжатлар банкка тақдим этилди.

«Феруз» МЧЖ фаолияти

- бўш майдонлар негизда қандолат ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

- корхона биносини капитал таъмирлаш;

- 40 та янги иш ўринлари яратиш;

- мавжуд 70 дона тикув дастгоҳларини ишга тушириш, ишлаб чиқариш қувватларини йилига 400 млн. сўмга етказиш;

- 100 та янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган.

Ҳозирги пайтда бўш турган ишлаб чиқариш майдонлари «**Меҳрангиз иқлим бону**» хусусий корхонасига ижарага берилган. Бу корхона томонидан макарон, нон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ҳамда 5 нафар иш ўрни яратилган. 2011 йил 1 октябр ҳолатига 42,0 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

«**Чуст Алижон қурилиш сервис**» МЧЖ бўйича йиллик 260 тонна салфетка ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга янги лойиҳани ташкил этиш, ишлаб чиқариш қувватини йилига 200,0 млн. сўмга етказиш ҳамда 15 та янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган. Ҳозирги пайтда корхона томонидан замонавий гигиеник қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи технологиялар ўрнатилган. 2010 йилда бу ерда 28,0 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ишчилар сони 5 нафарга етказилди. 2011 йил маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 36,8 млн. сўмни ташкил этди.

«**Иброҳимжон Аҳмедов**» МЧЖ бўйича йиллик 132 минг дона пластмасса пақир ва тоғора ишлаб чиқариш қувватига эга янги лойиҳани ташкил этиш, ишлаб чиқа-

риш қувватини йилига 300,0 млн. сўмга етказиш ҳамда 25 та янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган. Бугунги кунда корхонада пластмасса маҳсулотларини қолипловчи дастгоҳ ҳамда 15-125 мм.лик пластмасса трубалари ишлаб чиқарувчи технологиялар ўрнатилган. Ҳозирда 5 нафар иш ўрни яратилиб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва 1 январь 2011 йил ҳолатига 42,5 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

«Барион» ОАЖни молиявий соғломлаштириш бўйича қуйидаги чоралар белгиланган:

1. «Ўзавтосаноат» АК давлат улушини «Матиз ва Дамас автомобиллари учун қуёшдан сақловчи соябонлар ишлаб чиқариш» лойиҳаси ташкил этишга йўналтириш.

2. Телевизор ва телевизор антенналари ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ҳудуд қисми ва ишлаб чиқариш иншоотларини сотиш.

3. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни ташкил этиш мақсадида корхона ҳудудини мақбуллаштириш.

Ҳукумат дастурида 2011 йил 3-чорагида йиллик қуввати 100,0 минг комплект автомобил филтрлари ишлаб чиқаришни жорий этиш кўзда тутилган эди. Бироқ, мазкур лойиҳани Тошкент шаҳридаги бошқа корхонада ўзлаштирилганлиги сабабли, «Ўзавтосаноат» АК томонидан «Барион» ОАЖ негизида қўшимча 4 та босма деталлар қолиплари берилди ва ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Қарорга асосан «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси томонидан «Барион» жамияти ҳудудида 2011 йил 3-чорагида LCD ва CRT телевизорлар (йилига 50 минг дона) ҳамда 2011 йил 4-чорагида телевизор жиҳозлари ва антенналар (йилига 50 минг дона) ишлаб чиқаришни ташкил этиш белгиланган. Лойиҳани амалга ошириш мақсадида ҳозирда «Барион Элтех Инвест» МЧЖ ташкил этилиб, давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Корхона таъсисчилари бўлиб «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси (6 фоиз), «Барион» МЧЖ бино-иншоотлар билан (15 фоиз) ҳамда «ХТТ ва ТХК» МЧЖ ускуна-жиҳозлар билан (79 фоиз) киритилган. Ҳозирда ишлаб чиқариш биносини қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда ва таъмирлаш ишларига дастлабки 145,0 млн. сўм маблағ сарфланди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009
йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларида уй-жой қурили-
ши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1167-сонли қарорини
Чуст туманида бажарилиши**

Тумандаги «Олмос» ҚФЙ, «Қорақапа» маҳалласида намунавий лойиҳадаги барча қулайликларга эга бўлган ҳамда муҳандислик коммуникациялари билан таъминланган якка тартибда уй-жой массиви қурилишига туман ҳокимининг 2009 йил 5 ноябрдаги 476-сонли қарори билан 40 та турар-жой учун 3,6 гектар ер майдони танланди. Ушбу массивда 12 та икки қавватли ва 28 та бир қавватли турар-жойлар қурилиши амалга оширилди. Маҳалла гузаридида озиқ-овқат дўкони, нонвойхона, интернет хизмати ҳамда 20 ўринли чойхона қурилиши ҳам кўзда тутилган. Қурилишнинг жами қиймати 2361,3 млн. сўм, шундан 25 фоизлик тўлови 590,3 млн. сўм, якуний тўлов 263,8 млн. сўм, узоқ муддатли ипотека кредитлари 1507,2 млн. сўмни ташкил этган. Юқоридаги намунавий уй-жой массивида тумандаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 январдаги «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1051-сонли қарорига асосан ташкил топган «Варзик калта чинор қурилиш монтаж» масъулияти чекланган жамияти томонидан 1403,0 млн. сўмлик шартнома тузилди. 12 та 2 қаватли ва 12 та 1 қаватли уйлар ҳамда туманда фаолият кўрсатаётган «Меҳр-Бунёдкор» масъулияти чекланган жамияти томонидан 958,0 млн. сўмга шартнома тузилиб, 16 та 1 қаватли уйларда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди. Тумандаги «Темирчи» масъулияти чекланган жамияти томонидан намунавий лойиҳада 1,7 км. тоза ичимлик суви тармоғи тортилган бўлса, туман электр тармоқдари томонидан 1,3 км. дан зиёд электр тармоғи, тумангаз томонидан 1,0 км. табиий газ тармоғи тортилиб, фойдаланишга топширилди. Шунинг-

дек, тумандаги «Мақсудхон-Д» хусусий агрофирмаси ҳамда «Яккабулоқ қурилиш монтаж» кичик корхонаси томонидан лоток қўйиш ишлари, «Зийнат Сабр Содиқ» масъулияти чекланган жамияти томонидан йўл ишлари бажарилди. Қурилиш давомида уй-жой эгалари ўзларига белгиланган девор олишда, Олмос қишлоқ фуқаролар йиғинидаги барча маҳаллаларда яшовчи фуқаролар ободонлаштириш ишларида яқиндан кўмак беришди. Ҳозирги кунда 40 та уй-жойдан 10 тасига аҳоли жойлаштирилди. Туманда 2011 йилда 4 та ҳудудда 55 та намунавий турар-жой бинолари қурилиши режалаштирилган бўлиб, «Хисорак» ҚФЙ, Саримсоқтепа аҳоли пункти ҳудудида 10 та, «Карнон» ҚФЙ, қуйикарнон аҳоли пункти ҳудудида 20 та, «Хисорак» ҚФЙ, Дуоба-1 аҳоли пункти ҳудудида 15 та, «Хисорак» ҚФЙ, Дуоба-2 аҳоли пунктида 10 та уйларнинг барчасида қурилиш ишлари бошланди. Уйларнинг умумий қиймати 4675,0 млн. сўм, бошланғич бадал учун талаб этиладиган 25 фоизли тўлов режаси 1168,8 млн. сўм бўлиб, ҳақиқатда 1237,8 млн. сўмга ёки 105,9 фоизга тўловлар режаси бажарилди. Бугунги кунда 40 фоизга молиялаштирилди. Ҳозирда Қуйикарнон ҳудудида тумандаги «б-ХМКК» МЧЖ томонидан, «Дуоба-1» ва «Дуоба-2» ҳудудларида «Чустқурилишашё», «Мададкор», «Крошка строй сервис» хусусий корхоналари, «Варзик калта чинор қурилиш монтаж» МЧЖ ва «Меҳр-Бунёдкор» МЧЖлар, «Саримсоқтепа» ҳудудида «Мақсудхон-Д» ва «Амир Тоҳирий тезкор қурилиш» корхоналари томонидан қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Дуоба-1 ва Дуоба-2 ҳудудларидаги 25 та уйда ер ишлари бошланган 6 тасида бетон ишлари якунланган. Саримсоқтепа массивидаги 10 та уйнинг ер ишлари бошланди.

IV БЎЛИМ

ЧУСТ ТУМАНИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўрта муддатли истиқболлари. Бозор муносабатлари шароитида прогнозлаштириш муҳим аҳамият касб этади ва бошқарувнинг бутун тизими асосига айланади. Прогнозлаштиришда минтакавий прогнозлар алоҳида ўринда туради, чунки минтакалар ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олмасдан туриб бирорта ҳам ўрта ёки узок муддатли умумдавлат дастурини амалга ошириш, иқтисодий ислохотларни муваффақиятли ўтказиш мумкин эмас. Бундан ташқари, фақат минтакавий ривожланиш прогнозларигина турли соҳаларда ва ҳар хил даражаларда давлат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларини амалга ошириш имкониятини баҳолаш, шунингдек, танг вазиятлар пайдо бўлиши эҳтимолини аниқлаш имконини беради.

Минтакалар учун ривожланишнинг ҳудудий дастурлари ва прогнозларини тузиш таҳлилий ва методологик ишларнинг кенг доирасига, шу жумладан, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, иш ўринларини ташкил этиш, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва бошқа дастур кўрсаткичлари бўйича уларнинг бажарилмаслик ҳолатларини танқидий ўрганиб чиқишга асосланиши керак. Дастур кўрсаткичлари бажарилмаслигининг сабабларидан бири - уларнинг айримлари реал имкониятлар ва резервлар чуқур ўрганилмай туриб, энг асосийси, олдинга қўйилган вазифалар ижросининг механизмлари ва воситалари аниқланмасдан тасдиқланишидадир. Давлат дастурларини тузиш ҳудудий ривожланишни прогнозлаштириш билан мустаҳкам боғлиқ бўлиши зарур.

Тадқиқот жараёнида Наманган вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси томонидан ўрта ва узок муддатли даврларда ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича бажарилган прогноз ҳисоб-китоблари, турли олимларнинг мазкур ҳудуд бўйича истиқболни белгилашга оид фикр-мулоҳазалари ва бу башорат қилинган кўрсаткичларнинг амалга ошганлик ҳолатлари ўрганилди. Биз ўрта муддатли

(2011-2020 йиллар) прогноз ишларини бажаришда аҳоли ўсиши, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида кутиладиган ўзгаришларни имкониятимиз даражасида акс эттиришга ҳаракат қилинди. Моддий ишлаб чиқариш тармоқлари (саноат ва қишлоқ хўжалиги) ривожланиш истиқболлари бўйича прогноз ҳисоб-китоблари икки хил вариантда бажарилди. Шу билан бирга режалаштирилган ишлар амалга ошган тақдирда унинг туман молиявий ҳолатига кўрсатадиган таъсири, хусусан, маҳаллий бюджет даромадларининг ошиши ва бунинг натижасида дотация ва субвенция салмоғининг пасайиш имкониятлари ўрганилди.

Маълумки, ҳар қандай прогноз замирида аҳоли ўсиши прогнози ётади. Зеро, аҳоли моддий неъматларнинг асосий ишлаб чиқарувчиси ҳамда унинг истеъмолчиси ҳамдир. Демографик ўсишни аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти томонидан 2011-2021 йилларда Наманган вилояти шаҳар ва туманлари аҳолисининг ўсиши бўйича прогноз ҳисоб-китобларидан фойдаланилди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, Чуст туманида 2021 йилга қадар аҳоли ўсиш суръатлари 118,8 фоизни ташкил этиб, вилоят маъмурий-ҳудудий бирликлари орасида бўйича Норин туманидан кейин 2-ўринни эгаллаши кутилади. Қишлоқ туманлари орасида аҳоли сони кўплиги бўйича Чуст тумани истиқбол даврида ҳам ўзининг етакчи мавқеини сақлаб қолади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш - Чуст тумани иқтисодиётида етакчи ўринни эгаллашини ҳисобга олиб, мазкур тармоқнинг ривожланиш истиқболлари бўйича прогноз ҳисоб-китоблари амалга оширилди. Туманда қишлоқ хўжалик экинлари ва чорва молларининг ҳудудий ташкил этилиши юзасидан ўтказилган натижаларга асосланиб, аграр секторни прогнозлаш чоғида асосий эътибор қуйидаги йўналишларга қаратилди:

- муайян қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган бозор талаблари асосида мазкур экин турлари майдонларини кенгайтириш;

- маҳсулдорлиги юқори бўлган чорва ҳайвонлари бош сонини кўпайтириш;

- йирик шохли қорамол ва паррандачиликка ихтисослаштирилган йирик комплексларни ташкил этиш эвазига чорвачиликни ривожлантириш;

4.1.1-жадвал

2011-2021 йилларда Наманган вилояти шаҳар ва туманлари аҳолисининг ўсиши

(маълумотлар йил охирига нисбатан олинган)

№	Шаҳар ва туманлар номи	2011й.	2012й.	2013й.	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.	2019й.	2020й.	2021й.	2021 йилда 2011 йилга нисбатан %да
	Вилоят бўйича	2344,5	2380,8	2419,2	2456,8	2495,6	2535,8	2575,2	2614,3	2651,0	2696,4	2738,4	116,8
1.	Наманган шаҳри	458,5	466,7	474,0	480,7	488,4	496,0	505,2	513,1	521,8	532,4	540,3	117,8
	Туманлар:												
2.	Косонсой	168,2	170,1	172,2	174,3	176,4	178,8	180,9	183,3	185,8	188,6	191,4	113,8
3.	Мингбулок	10,2	103,1	104,9	106,7	108,4	111,2	112,9	114,6	116,2	117,8	119,2	116,8
4.	Наманган	191,6	192,9	196,0	199,2	202,5	205,4	207,9	211,2	214,9	218,6	221,3	115,5
5.	Норин	136,5	139,2	141,9	144,8	147,6	150,6	153,5	156,3	158,9	163,2	166,6	121,8
6.	Поп	181,6	184,9	188,1	191,4	194,7	198,0	201,3	204,7	208,0	211,4	214,5	118,1
7.	Тўрақўрсон	187,1	189,4	192,2	194,9	197,6	200,2	202,7	205,1	207,5	210,6	213,7	114,2
8.	Уйчи	196,7	199,8	202,9	206,3	209,5	212,8	215,8	218,5	218,1	221,7	225,4	114,5
9.	Учқўрсон	147,6	150,2	152,7	155,2	157,7	160,2	162,6	164,9	167,2	169,9	172,4	116,8
10.	Чортоқ	166,8	169,1	171,4	172,8	175,1	177,5	179,9	182,5	184,9	187,1	189,8	113,8
11.	Чуст	224,9	229,1	233,3	237,6	241,5	245,8	250,0	254,2	258,3	262,3	267,3	118,8
12.	Янгиқўрсон	182,9	186,3	189,6	192,9	196,2	199,3	202,5	205,9	209,4	212,8	216,5	118,1

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроеқтисодий тадқиқотлар институти прогноз ҳисоб-китоблари

- Варзик ва Дамобод ҳудудларида узумзор ва ботқоқ майдонларини кенгайтириш;
- Чуст шаҳри атрофида шаҳар ёни қишлоқ хўжалигини ривожлантириш.

2006-2011 йиллар давомида Чуст тумани қишлоқ манзилгоҳларида экинлар ҳосилдорлигининг тадрижий ўзгариши тадқиқ этилди. Натижалар шуни кўрсатадики, энг юқори ҳосилдорлик картошка ва сабзавот бўйича Хисорак, Олмос, Варзик, Карнон ва Баймоқ қишлоқ фуқаролар йиғинларида; полиз экинлари бўйича Ахча, Шоён, Шуркент ва Оғасарой ҚФЙларида; мева ва узум бўйича Варзик ва Дамобод ҚФЙларида кузатилади. Полиз экинлари етиштиришда юқори ҳосилдорликка эга бўлган Шоён ва Варзик ҚФЙларда ҳам экин майдонлари кам бўлиб, уларнинг жами туман полиз экинларидаги салмоғи мос равишда 2,2 ва 1,4 фоизни ташкил этади. Истиқболда мазкур ҳудудларда картошка ва полиз экинлари майдонлари кенгайтирилиши зарур.

Томорқа хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига аҳолини озиқ-овқат, биринчи навбатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан ўз-ўзини таъминлаш - Инқироздан чиқиш бўйича Давлат дастурининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Шу мантиқдан келиб чиқиб, прогнозлаштириш чоғида асосий эътибор аҳолини зарур истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш масаласига қаратилади. Бунда туман ҳудудида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ва туман аҳолиси истеъмоли учун зарур бўлган маҳсулот ҳажми ўртасидаги нисбат қиёсий ўрганилди. Истеъмол учун зарур бўлган маҳсулот ҳажми Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган минимал ва оптимал физиологик эҳтиёжлар даражасида асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача бир кишига тўғри келадиган истеъмол меъёрлари асосида аниқланди.

Ҳисоб-китоб натижалари шуни кўрсатадики, етиштирилган картошка, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан туман аҳолисини тўла-тўқис таъминлаш мумкин. Айни пайтда, ҳудудда ишлаб чиқарилаётган мева, сут, гўшт ва тухум аҳоли эҳтиёжини қоплаш учун етарли эмас. Шунинг учун келгусида қишлоқ хўжалик тармоқлари орасида боғдорчилик ва қорвачилик соҳалари ривожланишига алоҳида эътибор қаратилиши зарур.

Прогноз ҳисоб-китобларини амалга оширишда, аҳоли ўсиш суръатлари, етиштирилаётган айрим экин турлари

**Минимал ва оптимал физиологик эҳтиёжлар даражасида
асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача бир кишига
тўғри келадиган истеъмол меъёрлари**

№	Маҳсулотлар номи	Минимал даражада		Оптимал даражада	
		грамм/кун	кг/йил	грамм/кун	кг/йил
1.	Дуқаклилар	6,48	2,37	14,88	5,43
2.	Бугдой уні	7,01	2,50	9,88	3,60
3.	Бошқа унлар	5,13	1,87	5,22	1,90
4.	Гуруч	13,53	4,94	29,10	10,80
5.	Ёрмағилар (гуручдан ташқари)	7,44	2,72	7,72	2,82
6.	Бугдой номи	169,40	61,90	248,11	89,95
7.	Жавдар номи	106,48	38,90	125,00	45,68
8.	Макарон	13,30	4,86	20,00	7,31
Ун ҳисобидаги ном маҳсулотлари		248,79	90,90	345,30	126,42
9.	Картошка	138,01	50,4	187,77	68,62
10.	Карам	41,81	15,2	68,33	24,97
11.	Бодрийе ва помидор	87,33	24,8	87,77	32,07
12.	Лавлағи ва сабан	68,94	25,1	93,33	34,1
13.	Бошқа сабзавотлар	94,85	34,6	147,22	53,8
14.	Поллиз экинлари	53,37	19,5	58,88	21,5
Жами сабзавот ва поллиз экинлари		326,3	119,2	455,53	166,4
15.	Янги узилган мевалар	154,3	58,3	158,33	57,86
16.	Курилган мевалар	19,55	7,14	22,22	8,12
17.	Янги узилган узум	38,19	13,9	41,68	15,2
18.	Цитрус ўсимтиклари	10,13	3,7	13,18	4,8
Жами мевалар		280,89	102,4	297,57	108,7
19.	Мол гўшти	47,96	17,5	63,36	23,1
20.	Қўй гўшти	18,28	8,88	33,11	12,1
21.	Суб маҳсулотлар	0,57	0,2	5,33	1,9
22.	Парранда гўшти	20,62	7,5	33,33	12,18
23.	Колбаса маҳсулотлари	13,32	4,8	17,88	8,5
Жами гўшт маҳсулотлари		108,05	38,76	180,09	68,51
24.	Балиқ маҳсулотлари	32,25	11,7	47,77	17,4
	шундан, тирик балиқ	18,93	6,91	38,88	12,3
	балиқ консервлари	4,71	1,72	10	3,85
25.	Сут	374,51	136,8	385,4	140,9
26.	Ҳайвон мойи	19,88	7,26	29,4	10,7
27.	Сузма	26,2	9,5	27,77	10,1
28.	Пишпақ, бринза	10,65	3,89	27,77	10,1
29.	Сметана ва қаймоқ	14,95	5,48	30,22	11,04
Жами сут маҳсулотлари		1306,8	477,8 9	1465,8	535,8
30.	Тузум (дом)	0,59	215,6	1	365
31.	Шакар	53,13	19,4	55,55	20,3
32.	Маргарин ва бошқа майлар	1,57	0,58	10,22	3,73
33.	Ўсимлик мойи	17,36	6,34	24,88	9,09

нинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари эътиборга олинди. Булардан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида Чуст туманида мавжуд имкониятларни таҳлил қилиш негизида ҳудудий ихтисослашувни такомиллаштиришнинг асосий омилларини нафақат ресурс имкониятлари бўйича, балки амалга ошириш босқичлари билан ҳам фарқланувчи оптимистик ва инерцион вариантларини аниқлашга ҳаракат қилинди.

Оптимистик вариант 2та асосий ҳолатларга асосланади: мамлакатимизда аграр соҳани ривожлантириш бўйича давлатнинг фаол аралашуви; ҳудудларда экин майдонларидан оқилона фойдаланишни янада яхшилаш. Бу вариант ҳудудларда экин майдонлари таркибини такомиллаштириш, экинлар ҳосилдорлиги ва чорва маҳсулдорлигини мунтазам ошириб бориш, хўжалик субъектлари имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш ва аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни назарда тутди.

Иккинчи - инерцион вариант, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг амалдаги тизими сақланиши, жойларда давлатнинг фаол аралашувисиз, ўз ҳудудларида мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда бозор субъектлари томонидан ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб боришни назарда тутди. Муаллиф томонидан биринчи вариантни амалга ошириш тавсия қилинади.

Оптимистик вариант туманда 2011-2020 йилларда қишлоқ хўжалигида ҳудудий ихтисослашувни такомиллаштиришни ва бунинг учун қуйидаги тадбирларни амалга оширишни назарда тутди:

- Қишлоқ хўжалигида ҳудудий ихтисослашувни такомиллаштириш бўйича туман миқёсида дастур ишлаб чиқиш ва уни изчил амалга ошириш;

- Ҳудудларда муайян экин турлари етиштириш ва чорва моллари боқишни ҳудудий ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларни туман ҳокимлиги орқали барча хўжалик субъектларига етказиш;

- Ҳосили йиғиб олинган майдонларда иккиламчи экин турлари етиштиришни кўпайтириш.

Ривожланишнинг ҳозирги босқичида маҳсулот рақо-

батбардошлигини ошириш орқали юртимизда ишлаб чиқарилаётган саноат ва қишлоқ хўжалиги товарларини экспорт қилиш - ҳукуматимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Рақобатбардошликни таъминлашнинг асосий шарти маҳсулот сифатини ошириш ва таннархини арзонлаштиришдан иборатдир. Чорвачилик соҳасида бундай натижаларга фақатгина йирик чорва комплексларини барпо этиш ва ривожлантириш орқали эришиш мумкин. Прогноз ҳисоб-китобларини бажариш чоғида мазкур омилга катта эътибор қаратилди. Хусусан, Чуст туманида ҳар бирида 1000 та атрофида қорамол боқиладиган 3 ёки 4 та чорвачилик комплекси барпо этилиши лозим. Уларда серсут зотли қорамолларни замонавий усуллардан фойдаланиб парваришлаш орқали унумдорлик даражасини бир неча баробар ошириш мумкин. Тажрибадан маълумки (бундай комплекслар Ўзбекистонда ҳам ўтган асрнинг 80-йилларига қадар фаолият кўрсатган), уларда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ниҳоятда юқори бўлади. Бунинг натижасида ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут миқдорини 2011 йилдаги ўртача 4,4 л. ўрнига 2020 йилга бориб 8,5 л.га етказиш режалаштирилган. Сигирлар бош сонининг ортиши ва маҳсулот унумдорлигининг кўпайиши ҳисобига оптимистик вариантга кўра, прогноз охирига бориб туманда сут етиштириш ҳажмининг 3 марта ортиши кўзда тутилган.

Ҳисоб-китоб натижаларига кўра, оптимистик вариант бўйича прогноз охирига бориб, полиз экинлари ҳажми 2,4 марта, мева етиштириш 1,9 марта, картошка ва гўшт ишлаб чиқариш мос равишда 1,3 марта ўсиши кутилади. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошириш ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш имкониятини ҳам яратиб беради.

Муаллиф томонидан олиб борилган эксперт баҳолаш ва мутахассислар орасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, туманда кўп етиштириладиган ўрик, шафтоли, олма, гилос каби мева маҳсулотлари экспортини 2-3 марта ошириш мумкин бўлади. Бунга мева-сабзавотларни сақлаш мақсадида ташкил этилаётган кўп миқдорда-

ги совутгич-омборхоналарнинг ҳам ижобий таъсири бўлади.

Маҳсулотни ўз вақтида ва тез сотиш зарурати - қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Маълумки, қулупнай, шафтоли, ўрик, гилос каби бошқа мева маҳсулотлари тез бузилади. Батъи йилларда бундай экинларнинг серҳосил бўлиши уни етиштирган деҳқон учун иқтисодий ноқулайликларни келтириб чиқаради. Чунки маҳсулотнинг талабдан ортиқчалиги унинг нархи кескин тушиб кетишига, қилинган меҳнатни оқламайдиган даражада арзон сотилишига сабаб бўлади. Бунинг устига Ўзбекистон шароитида иссиқ ёз пайтида бундай маҳсулотлар тезда ўз сифатини йўқотиши натижасида ишлаб чиқарувчи етиштирилган ҳосилнинг маълум қисмини ташлаб юборишга мажбур бўлади, бошқа бир қисми эса йиғиб-териб олинмасдан нест-нобуд бўлади.

Эндиликда мевалар фарқ пишган пайтда тадбиркорлар томонидан қишки мавсумга сақлаш мақсадида маҳсулотнинг муайян қисми совутгичларга жойлаштирилмоқда. Бу нарса, биринчидан, ёз мавсумида деҳқон меҳнатини қадрсизлантирадиган даражада маҳсулотни арзон сотиш хавфидан қутқарса, иккинчидан қиш пайтида унинг ортиқча қимматлашиб кетишининг олдини олади. Бошқача қилиб айтганда, мева-сабзавотларнинг нархлари йил мобайнида нисбатан мутаносиб туриши таъминланади.

Оптимистик вариант бўйича саноат ишлаб чиқаришга оид прогноз ҳисоб-китобларини амалга оширишда ўрта муддатларда (2012-2016 йиллар учун) ишга тушириладиган умумдават ва минтақавий аҳамиятдаги инвестицион лойиҳалар, вилоят ва туман ҳокимликлари томонидан белгиланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларни қайта ишлаш бўйича истиқбол кўрсаткичлар ҳамда туман ҳудудидаги бўш турган объектларда, фаолият юритмаётган, самарасиз, иқтисодий ночор ҳамда кам қувватда ишлаётган корхоналарда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва молиявий соғломлаштириш бўйича 2012-2016 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар ҳисобга олинди. Бунда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президенти-

нинг 2010 йил 15 декабрдаги «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1442 сонли қарорида белгилаб берилган тадбирлар ижросидан келиб чиқадиган чораларга қаратилди.

Қарорнинг 1-илоvasида 2011-2015 йиллар мобайнида республикаимиз бўйича бошқа маҳсулотлар қаторида телевизорлар 5,1 марта, енгил автомобиллар - 1,2 марта, энергияни тежайдиган лампалар - 45,3 марта, ип-газлама - 2,6 марта кўп ишлаб чиқарилиши белгилаб берилган. Юқорида номлари қайд этилган маҳсулотлар ёки уларнинг таркибий (эҳтиёт ва бутловчи) қисмлари тумандаги корхоналарда ишлаб чиқарилишини назарда тутиб, прогноз ҳисоб-китобларини амалга оширишда мазкур омил ҳам ҳисобга олинди.

Прогноз жараёнида Чуст туманида 2012-2016 йилларда ишга тушириладиган минтақавий аҳамиятдаги инвестицион лойиҳалар мукаммал ўрганилди. 5 йил мобайнида умумий қиймати 523,8 минг АҚШ доллари бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 5 та объектни ишга тушириш режалаштирилган. Жумладан, йиллик қуввати 400 тонна сок ва томат пастасини қайта ишлашга ихтисослаштирилган «Чуст агромир» ҚҚни модернизациялаштириш ва бунинг учун 2013 йил охирига бориб, 317 минг АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритиш кўзда тутилган. Бошқа нисбатан кичикроқ қувватга эга бўлган 4 та объектда мева қуриштириш, узум шарбати ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган янги лойиҳалар ташкил этилади.

Нооziқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 1053,4 минг АҚШ доллари бўлган 4 та янги лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Булар: тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Хасанов қурбонали» ва «Турғунов Рихсибой» номли маҳаллий тадбиркорларнинг хусусий корхоналари, аёллар пойафзали ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон-Россия «Дарина обувь» қўшма корхонаси (780 минг жуфт) ва йиллик қуввати 18 минг дона телевизорлар ва телевизор антенналари ишлаб чиқарадиган «Чуст Джи-

тал «Электроникс» МЧЖ каби корхоналардир.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 785,6 минг АҚШ доллари миқдоридаги 2 та объектни ишга тушириш кўзда тутилган. Булар брусчатка, шебень ва бетон маҳсулотлари чиқаришга мўлжалланган «Чуст Транс Траст» хусусий корхонасининг янги лойиҳалари (2,0 млн. дона пишиқ фишт) ва томёпқич материалларига ихтисослашган ва модернизация ишлари режалаштирилган «Голден Новот» МЧЖ (250 минг кв.м. керамик черепицалар) корхоналаридир. Белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида туман бўйича 2,4 млн. долларлик сармоялар ўзлаштирилади ва 185 та иш ўрни яратилади.

Чуст туманида 2012-2016 йилларда ишга тушириш режалаштирилган ҳамда дастлабки ишланмалар амалга оширилган инвестицион лойиҳаларнинг прогноз қиймати 1013,9 минг АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу йўналиш бўйича 3та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган ва бу тадбирларнинг бажарилиши туфайли 79 киши иш билан таъминланади.

Туманда келгусида бу соҳадаги мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш эвазига мева, сабзавот ва узумни қайта ишлаш даражасини 2011 йилдаги 44,9, 11,7 ва 54,2 фоиз ўрнига 2016 йилга бориб, 56,5, 23,8 ва 67,4 фоизга етказиш мумкин бўлади. Ушбу жараёнда тадбиркорлар ва маҳаллий ҳокимлик ходимларининг фикр-муҳозаларини билиш мақсадида улар орасида сўровлар ўтказилди. Тумандаги шундай корхоналардан бири 1998 йилда қурилган «Дилбар» МЧЖдир. Унинг умумий ер майдони 0,3 га., шундан фойдаланиладиган майдон 0,15 га. Корхонадаги ишламай турган бўш биноларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун Хитойдан қурилиш хомашёларини (цемент, алебастр, гипс ва ҳ.к.) қадоқлаш ва ёғочни қайта ишлаш технологиясини сотиб олиш зарур ва бунинг учун 200 минг АҚШ доллари миқдорида банк кредитига эҳтиёж мавжуд. Бундан ташқари, хомашёларни ташиб келтириш мақсадида махсус цемент ташувчи автотранспорт (цементовоз) харид қилиш учун яна 460 млн. сўм банк кредити ажратилиши лозим.

Чўст туманида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш истиқболлари

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	Факт		Прогноз									
	2011 й.		2012 й.		2013 й.		2014 й.		2015 й.		2016 й.	
	Ишлаб чиқариш ҳажми, минг тонна	Қайта ишлаш даражаси, %	Ишлаб чиқариш ҳажми, минг тонна	Қайта ишлаш даражаси, %	Ишлаб чиқариш ҳажми, минг тонна	Қайта ишлаш даражаси, %	Ишлаб чиқариш ҳажми, минг тонна	Қайта ишлаш даражаси, %	Ишлаб чиқариш ҳажми, минг тонна	Қайта ишлаш даражаси, %	Ишлаб чиқариш ҳажми, минг тонна	Қайта ишлаш даражаси, %
Ғалла	55,5	74,2	55,5	74,4	56,6	74,6	55,5	75,1	55,8	75,3	55,8	75,5
Мева	17,8	44,9	22,7	43,0	22,2	45,4	22,9	45,7	23,5	56,3	24,9	56,5
Сабзавот	40,2	11,7	43,4	12,7	45,3	12,7	47,4	13,1	49,1	23,6	51,1	23,8
Узум	6,8	54,2	7,6	55,7	7,9	56,0	8,2	56,4	8,5	67,1	8,9	67,4
Ўшқ	6,7	2,8	7,0	2,9	7,5	3,3	8,0	3,5	8,6	3,8	9,3	4,0
Сут	51,5	0,8	54,5	0,7	58,9	0,9	62,4	1,3	67,1	1,5	71,3	1,6

Ишлаб чиқаришни тўлиқ йўлга қўйиш учун банк кредитларидан ташқари, тадбиркорнинг ўз маблағлари ҳисобидан 30 минг АҚШ доллари ва 50 млн. сўм сарфланиши кўзда тутилмоқда. Режалаштирилган ишлар амалга ошадиган бўлса, янги 40 та иш ўрни яратилади ва ҳар йили 125 млн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

1997 йилда қурилган «Момохон Барака Файз» МЧЖдаги (умумий ер майдони 1,0 га., шундан фойдаланиладиган майдон 0,5 га.) мавжуд бўш турган биноларда ёғочни қайта ишлаш корхонасини ташкил этиш мумкин. Бунинг учун учун дастгоҳлар ва хомашё сотиб олиш учун 300,0 млн. сўм миқдоридаги банк кредитига эҳтиёж мавжуд. Бундан ташқари, биноларни замон талабига ва сотиб олинadиган технологиялар тўпламига мос равишда таъмирлаш ва қурилиш ишларини бажариш учун тадбиркорнинг ўз маблағлари ҳисобидан яна 50 млн. сўм сарфланиши лозим. Бу тадбирлар тумандаги 25 кишини иш билан таъминлаш ва ҳар йили 65-70 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

1982 йилда қурилган «Chust Digital Electronics» чет эл сармояси иштирокидаги МЧЖда (умумий ер майдони 2,0 га., шундан фойдаланиладиган майдон - 0,21 га.) телевизор ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун бино иншоотларни таъмирлаш ва Хитойдан телевизор ишлаб чиқариш дастгоҳларини олиб келиб ўрнатиш учун 450 млн. сўм банк кредитини расмийлаштириш талаб этилади. Бу соҳадаги асосий муаммолардан бири - хорижий технологик линия сотиб олиш учун ажратилган банк кредитини конвертация қилиш ҳисобланади. Корхона таъсисчилари томонидан 850 млн. сўм миқдорида телевизор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган қолиплар ва бутловчи қисмлар олиб келиш режалаштирилган.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида Чуст шаҳрининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган, санитария талабларига жавоб берадиган 57-АТП МЧЖ биноларини узоқ муддатга ижарага олиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, ўз маблағлари ҳисобидан 30,0 млн. сўм маблағ эвазига Д-721 буғ ҳосил қилиш печи, ҳар бири

2,5 тонна сийимга эга бўлган, зангламайдиган 3 та ванна ва давлат стандарти талабларига мос бўлган лаборатория жиҳозларини сотиб олиш кўзда тутилган. Юқорида қайд этилган тадбирлар қўшимча равишда қувватларни кунига 6000 п.м. маҳсулот ишлаб чиқаришга етказиш ва 37 кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Маълумки, иқтисодий географик ўрин, яъни ҳудуднинг катта шаҳарларга, йирик денгиз портларига, темир йўл ва магистрал автомобиль йўлларига яқин жойлашганлиги унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Жумладан, Чуст туманининг Андижон-Тошкент автомагистрал йўли ёқасида жойлашганлиги унинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Бу йўлнинг туман ҳудудидан ўтадиган қисми 22 километрни ташкил этади. Ҳозирги пайтда, Наманган шаҳридан Чуст шаҳрига қараб юрилганда йўлнинг ўнг томонида 15 км.да 1та савдо дўкони, 18 км.да туманда ягона бўлган академик лицей, 20 км.да 1 та автосервис ва 1та савдо дўкони, 21 км.да 1та автомобилларга газ қуйиш шохобчаси; Чуст шаҳридан Наманган шаҳрига қараб юрилганда йўлнинг ўнг томонида 7 км.да 1та автомобилларга газ қуйиш шохобчаси ва 1та ошхона, 15 км.да 1та АЁҚШ ва 1та ошхона, 17 км.да 1та савдо дўкони, 19 км.да 6 та савдо дўкони, 20 км.да 1та АЁҚШ, 1та пропан, 21 км.да 1та автомобилларга газ қуйиш шохобчаси жойлашган.

Бизнинг фикримизча, мамлакат аҳамиятига молик бўлган ушбу серкатнов йўл учун юқорида номлари қайд этилган хизмат кўрсатиш объектларини янада кўпайтириш ўринлидир. Зеро, мазкур магистрал йўлдан бир кечакундузда 15 мингдан ортиқ турли хилдаги автомобиллар қатнайди. Агар ҳар 20-30 та машинадан ўртача битта йўловчи тушиб, турли кўринишдаги товарлар харид қилса ёки хизматлардан баҳраманд бўлса, бу нарса туман иқтисодиётига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Муаллиф Наманган вилояти Иқтисодиёт Бош бошқармаси ва Чуст тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда вилоятнинг умумий ривожланиш стратегияси ҳамда ундаги шаҳар ва туманлар (жумладан, Чуст тумани)нинг 2012-2016 йиллар давомида ижтимоий-иқтисодий ри-

вожланиш истиқбол режаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этди. Прогноз даври (2011-2016 йиллар) оралиғида барча йўналишлар бўйича юқори ўсиш кўрсаткичларига эришиш кўзда тутилган. Жумладан, 5 йил ичида саноат ишлаб чиқариш 1,8 марта, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 3,1, қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,3, бозор хизматлари ҳажми 2,3, чакана савдо 2,3 ва пуллик хизмат ҳажми 2,1 баробар ортиши режалаштирилган.

Ҳудудни ривожлантириш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш масалалари

Ҳудудий ривожланиш дастурлари. Минтақаларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришни тартибга солишнинг асосий дастаклари ҳудудий дастурлар ҳисобланади. Ҳозирга қадар Хоразм, Сурхондарё, Наманган вилоятларини, Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ, Тошкент вилоятининг Оҳангарон, Пискент туманлари, Фарғона вилояти Қўқон шаҳрини ривожлантириш бўйича давлат дастурлари қабул қилиниб, амалга оширилди. Бу соҳада ҳукуматимиз томонидан Наманган вилоятига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2009 йил 6 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Наманган вилояти саноат салоҳиятини янада ривожлантириш, Наманган шаҳрида инфратузилма ва ободонлаштиришни сифат жиҳатдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида»ги Ф-3215 сонли Фармойиши қабул қилинди. Мазкур фармойиш ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2009 йил 14 августда «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги 232-сонли ва шу йилнинг 24 августидан «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш дастури тўғрисида»ги 246-сонли қарорларни қабул қилди.

2009 йилда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган

246-сонли қарорнинг асосий мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, Наманган вилоятининг ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан янада тўлиқ фойдаланиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, ички бозорни маҳаллий товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, шу асосда аҳоли бандлиги ва даромадини оширишга қаратилган. Ўтказилган таҳлиллар 2011 йил учун режалаштирилган ишлар ортиғи билан бажарилганини кўрсатади. Жумладан, қарорнинг 1-илоvasида саноат ишлаб чиқариши соҳасида янги кичик бизнес корхоналарини ташкил этиш параметрлари тармоқлар кесимида, 1а-иловада эса шаҳар ва туманлар кесимида берилган. Дастурга мувофиқ, 2011 йилда вилоят бўйича 308 та, жумладан, Чуст туманида 20 та кичик бизнес корхоналари, уларда мос равишда 4151 та ва 107 та иш ўринларини яратиш режалаштирилган. Амалда кичик бизнес корхоналари 558 та (181,2 фоиз) ва 39 тани (195 фоиз); яратилган иш ўринлари сони эса 4396 та (105,9 фоиз) ва 296 (276,6 фоиз) тани ташкил этди.

Қарорнинг 2 ва 2а-иловаларида хизматлар турлари, шаҳарлар ва туманлар бўйича хизматлар соҳасида кичик бизнес корхоналари ва уларда янги иш ўринларини ташкил этиш параметрлари берилган. Бу соҳада 2011 йилда вилоят бўйича 1358 та, жумладан, Чуст туманида 109 та кичик бизнес корхоналари, уларда мос равишда 11839 та ва 1488 та янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган. Амалда кичик бизнес корхоналари 1378 та (101,5 фоиз) ва 118 тани (108,3фоиз); яратилган иш ўринлари сони эса мос равишда 17152 тани ташкил этди.

3-иловада уй меҳнатини ташкил этиш ҳисобига янги иш ўринларини яратиш параметрлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Унга кўра, бу соҳада вилоят бўйича жами 26558 та, шу жумладан, 7187 та шартнома асосида, Чуст тумани бўйича эса мос равишда 2573 ва 495 та иш ўринларини яратиш кўзда тутилган. Топшириқлар йиллик режага мос ҳолда бажарилди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур дастур доирасида Наманган вилояти бўйича 48214 та ва Чуст тумани бўйича 4523 та янги иш ўринлари барпо этилди. Бу эса минта-

қанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, аҳолининг турмуш фаровонлиги ортишида жуда катта аҳамият касб этади.

Ҳозирги пайтда фермер хўжаликларини йириклаштириш - ҳукумат аграр сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Зеро, йирик хўжаликларнинг салоҳияти ердан ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан оқилона фойдаланиш, маҳсулот етиштиришда юқори иқтисодий самарага эришиш, етиштирилган ҳосилни ўзида қайта ишлаш имконини беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2008-2011 йилларда туман бўйича фермер хўжаликларига ажратилган ер майдонлари ортгани ҳолда, уларнинг сони 3,5 марта қисқарган. Агар 2008 йилда ўртача битта фермер хўжалигига 13,5 га. майдон тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 61,5 гектарни ташкил этади.

Фермер хўжаликларининг сони ва ихтисослашуви бўйича рўй берган ўзгаришлар

№	Фермер хўжаликларининг соҳалар бўйича ихтисослашуви	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2008-2011 йй.даги ўзгариш, марта
1.	Пахтачилик ва раппақчилик	849	436	260	308	2,3
2.	Сабзавотчилик ва поливчилик	65	44	0	21	
3.	Богдорчилик ва узумчилик	747	422	265	508	2,8
4.	Чорвачилик	228	174	19	30	12
5.	Бошқалар	32	31	7	165	4,6
	Жами фермер хўжаликлари	1921	1107	551	1032	3,5

* Чуст тумани статистика бўлими маълумотлари асосида муаллиф ҳисоблаган

Ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этишга оид дастурлар. Мустақиллик йилларида туманда ижтимоий инфратузилма (газ ва сув қувурлари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари) объектларини барпо этиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бундай ишлар аниқ манзилли, бажарилиш мудда-

ти, молиявий манбаси, сарфланадиган маблағи, бажариш учун учун масъул бўлган ваколатли идоралар ёки шахслар номи кўрсатилган давлат дастурлари асосида амалга оширилди. Қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июнда қабул қилинган «Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 278-сонли қарори муҳим аҳамият касб этди. Мазкур қарорнинг 3 ва 4-иловаларида қишлоқ аҳоли яшаш жойлари рўйхати ва уларни ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашнинг белгиланган муддатлари кўрсатилган. Жумладан, 3-иловада Чуст туманидаги Балиқчи, Мирзаобод ва Сарқамиш қишлоқларини 2002 йилда, 2003 йилда Варзигон, 2004 йилда Ғовасой ва 2005 йилда Резаксой қишлоқларини ичимлик суви билан таъминлаш режалаштирилган. Қарорнинг 4-иловасида 2001-2010 йилларда тумандаги 16 та (2001 йилда - Сарқамиш, Баймоқ, Ахча, Какликқўрғон; 2002 йилда - Мирзаобод, Звутканд, Дамобод; 2003 йилда - Балиқчи, Ариқбўйи; 2006 йилда - ст.Чуст, Шўрбулоқ; 2008 йилда - Янгиер; 2010 йилда - Ғовасой, Резаксой, Чустнон, Дўстларобод) қишлоқларни табиий газ билан таъминлаш кўзда тутилган.

Дарҳақиқат, қарор ижросини таъминлаш юзасидан туманда жуда катта ишлар амалга оширилди. Агар 1998 йилда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш 64,3 фоизни, табиий газ билан таъминлаш 42,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткичлар мос равишда 70,7 ва 80,5 фоизга етди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 14 августдаги «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 338-сонли қарорида аниқ белгилаб берилган. Қарорнинг 3.7-иловасида Наманган вилоятидаги касб-ҳунар коллежлари қувватларини ишга тушириш бўйича манзилли дастур берилган. Унга кўра, 2002-2009 йилларда Чуст туманида 2 та билим юртини реконструкция

қилиш ва 8 та объект бўйича янги қурилиш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Дастур топшириқларини бажариш асносида 10 та касб-ҳунар коллежи ва 1 та академик лицейда 9765 ўқувчи ўрнига эга бўлган ўқув бинолари ва 1350 ўринли талабалар ётоқхоналари қуриб битказилди. Бу ишларни амалга ошириш учун давлат бюджетидан 14,8 млрд. сўм давлат маблағлари сарфланди.

Давлат умуммиллий таълим дастури доирасида ўрта умумтаълим мактабларини ривожлантириш ҳукуматимизнинг диққат марказида эканлиги ҳаммамизга маълум. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 321-сонли қарорида 2004-2009 йилларда бузиб ташланадиган умумтаълим мактаблари ўрнига янги мактаблар қуриш, уларни капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг асосий параметрлари ва аниқ рўйхатлари белгилаб берилган. Бунга кўра, Чуст туманида 2004 йилда 2 та мактаб капитал (132 млн.сўм) ва 1 та мактаб жорий таъмирлаши (10 млн.сўм) режалаштирилган. Умуман, дастур доирасида тумандаги 50 дан ортиқ мактаблар янги қурилди, капитал реконструкция қилинди, капитал ва жорий таъмирланиш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги «2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги 493-сонли қарори умумтаълим мактабларини ўқув жиҳозлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этди. Қарорнинг 4-илоvasида манзилли дастур берилган бўлиб, унга кўра, 2005 йилда Чуст туманидаги 1, 10, 14, 2, 50 ва 8-мактабларни жиҳозлаш учун зарур бўлган замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, ком-

пютер техникаси ва спорт анжомларини умумий рўй-хати берилиб, ҳозирда ушбу қарорнинг ижроси амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктлари маъмурий-ҳудудий тузилишини тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 68-сонли қарорини ҳаётга татбиқ этиш асносида республика бўйича мингга яқин қишлоқ манзилгоҳлари, жумладан, Чуст туманидаги 11 та қишлоқ шаҳарча мақомига эришди ва мамлакатимизда шаҳарлашув даражаси кескин ортди. Бу шаҳарлашув жараёни натижасида шаҳарча мақомини олган кичик ҳудудларда сезиларли даражада ишлар амалга оширилмоқда. Юқоридаги барча ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқиладиган қарорлар замирида нафақат туман, қолаверса, Наманган вилоятини истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун қаратилган саъй-ҳаракатлар демакдир.

ХУЛОСА

Чуст туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, табиий географик тавсифи ва уларнинг қишлоқ хўжалиги ривожланишига қай даражада таъсир этишининг илмий ва назарий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш қуйидаги илмий хулосаларни келтириб чиқаради:

1. Фарғона водийси, хусусан, Наманган вилоятининг шимолий ғарбий қисмида (Поп, Чуст, Тўрақўрғон, туманлари адирлари) жойлашган адирлар вилоятнинг шимолида (Косонсой, Чортоқ, Янгиқўрғон, Уйчи туманлари) адирларидан табиий, геозкологик қонуниятлари жиҳатдан фарқланади. Агар вилоятнинг шимолий-ғарбий адирлари Чотқол ва қурама тоғларининг жанубий-шарқий тоғ этакларида жойлашган бўлса, шимолий адирлар эса, юқоридаги тоғларнинг жанубий ён бағирларида жойлашган. Адирларнинг юқоридаги географик жойлашуви бу ҳудудлар табиий географик қонуниятларига, геозкологик хусусиятларига, аҳолини ижтимоий-иқтисодий фаолиятига қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш - такомиллаштиришга ҳамда мониторингига ўзгача таъсир этади. Бу, айниқса, адирларнинг тупроқ-иқлимий ва агроэкологик қонуниятларида яққол фарқланади.

2. Наманган вилоятида 280 минг гектар (2012 йил) суғориладиган ерларнинг 70 фоизидан ортиғи адирларга тўғри келса, Чуст туманида 90 фоиздан иборат. Тўлқинсимон адирларнинг генезиси, кейинги оротектоник ривожланиши, геморфологик тузилиши, яъни ён бағирлар экспозицияси, йўналиши, қиялик даражаси, ўзлаштириш тарихи каби хусусиятларига боғлиқ ҳолда аҳоли кўрғонларини, сув тармоқларини барпо этиш ва қишлоқ хўжалик инфратузилмаларини ривожлантиришни тақазо этади. Чуст тумани вилоят туманлари ичида қанчалик сув манбаларига бой бўлмасин, суғоришнинг илғор технологияларидан фойдаланмасин, суғориш мелеорация тадбирларини олиб боришда энг мураккаб туман ҳисобланади. Бу тупроқ типлари, хоссалари, скелетлик даражаси,

чиринди миқдори кабиларга боғлиқ. Қишлоқ хўжали-
гида фойдаланилаётган ерлардан суғоришда юқоридаги
агроэкологик қонуниятларини ҳисобга олиш зарур.

3. Чуст тумани адирларининг ландшафт-агроэколо-
гик шароитларини ҳисобга олган ҳолда адир юзаси,
яъни тупроқ қопламини узоқ йиллар ҳимоя қиладиган,
кам сув талаб қиладиган кўп йиллик данакли экинларни
(ўрик, ёнғоқ, бодом), узумчилик ҳамда мой берувчи
зайтунзорларни барпо этиш ва юқоридаги ўсимлик
меваларини қайта ишлайдиган инфратузилмаларни бар-
по этиш мақсадга мувофиқдир. Бу билан аҳолини озиқ-
овқатга бўлган эҳтиёжини бироз бўлса-да қондириш
орқали Ўзбекистон Республикасини «Аҳолини озиқ-
овқат билан таъминлаш» тўғрисидаги давлат дастурини
амалдаги ижроси ҳам ҳисобланади.



Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А.Каримов. «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: «Ўзбекистон», 1997. 249-бет.

2. И.А.Каримов. «Жаҳон молиявий-иктисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». - Т.: «Ўзбекистон», 2009.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1442 сонли қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги ПФ-3226-сонли фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-3342-сон фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 14 августдаги «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 338-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктлари маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 68-сонли қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2010 йил 16 мартдаги «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш якунлари тўғрисида»ги 47-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилда 18 майдаги «Халқ таълими муассасалари харажатларини молиялаштириш механизминини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сонли қарори.

10. Чуст туман ҳокимининг 2005 йил 31 декабрдаги «Таълим муассасалари битирувчиларини сифатли тайёрлаш ва улар меҳнатидан самарали фойдаланишнинг 2006-2010 йилларга мўлжалланган туман ҳудудий дас-тури». 354-сонли қарори.

11. О.Абдуллаев. Наманган вилояти. (табиати, аҳолиси, хўжалиги) Наманган: «Наманган» нашриёти, 1995, 35 б.

12. О. Алибоев. «Наманган ҳақиқати». «Истиқболли корхона» 2009.17.06. 49. (18525) 1 б.

13. М.Иномхонов. «Наманган ҳақиқати». «Чустлик чеварлар». 2008.31.05. 45. (18417) 36.

14. Б.Камолов. «Чуст туманида саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши». Ўзбекистон География Жамияти ахборотномаси №38-сон. Тошкент, 2011,88-91 б.

15. Б.Камолов. «Чуст туманининг демографик вазияти» География: тарих, назария, методлар, амалиёт. Иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, 2010,179-181 б.

16. Б.Камолов. «Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларнинг амалга оширилиши (Чуст тумани мисолида)» Замонавий география ва унинг ривожланиш истиқболлари. Иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент, 2011,161-164 б.

17. Б.Камолов. «Чуст тумани аҳолиси ҳудудий жойлашувини айрим жиҳатлари». Наманган давлат университети Илмий ахбороти. №2-сон, Наманган, 2011, 94-98 б.

18. «Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар». Наманган вилоят ҳокимлигининг иктисодиёт ва статистика бош бошқармаси. Наманган. 1999. - 68 б.

19. Б.Юсупов. Наманган вилояти фермерларининг ўқув-семинарларига бағишлаб қилган маърузаси. Наманган. 2013.05.01.

Интернет сайтлари.

1. Farzand.uz

2. Doctor.uz

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3-4
------------	-----

I БЎЛИМ

Чуст туманининг табиий-географик тавсифи ва тарихи	5-20
Чуст туманининг табиий-географик тавсифи ва хўжалик ривожланишга таъсири.....	5-12
Қадимий Чуст тарихи.....	13-20

II БЎЛИМ

Туманда ижтимоий соҳаларни ривожлантиришнинг асосий омиллари	21-46
Демографик жараёнлар ва меҳнат ресурслари шаклланишининг асосий хусусиятлари.....	21-26
Соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги ислохотларнинг амалга оширилиши.....	27-46

III БЎЛИМ

Чуст туманида моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланиши	63-93
Қишлоқ хўжалиги-туман иқтисодиётининг асосий тармоқлари.....	63-78
Туман саноати ривожланиш даражасини баҳолаш...	79-98

IV БЎЛИМ

Чуст туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	98-111
Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўрта муддатли истиқболлари.....	93-106
Худудни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш масалалари.....	110-114
Хулоса.....	115
Фойдаланилган адабиётлар.....	117

4300 с.м.

Бахтиёр КАМОЛОВ

**ЧУСТ ТУМАНИ
МУСТАҚИЛЛИК
ЙИЛЛАРИДА**

(Илмий оммабоп қўлланма)

Муҳаррир:	А. ҚОЗОҚОВ
Тех. муҳаррир:	Нўъмонхон ТОШХОЖАЕВ.
Ком. дизайнери:	Исмонхон ТОШХОЖАЕВ.
Мусахҳиҳ:	Камолхон БОБОХОНОВ.

Теришга 10.05.2013 й. берилди. Босишга 03.07.2013 й.
рухсат этилди. Шрифт гарнитураси Bodo Baltica UZ. Оқ
қоғозига офсет усулида босилди.

Бичими 60x84. 1/16. Шартли босма табағи 7,75.
Нашриёт ҳисоб табағи 7,30. Адади 400 нусха.
Буюртма № 359. Баҳоси келишилган нархда.

«Наманган» нашриёти. Наманган шаҳри,
Навоий кўчаси, 36. Матбуот уйи. 3-қават.

Нашриёт лицензия рақами АН-156
2009 йил 14 августда берилган

«Чуст босмахонаси» МЧЖ,
Чуст шаҳри, Сўфизода кўчаси, 8-уй.